

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИСМАИЛОВ АЗИЗБЕК МАДАМИНОВИЧ

ТЎЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мутахасссислик: 5A341901 - “Банк ҳисоби”

Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н. доцент У. Ортиқов

Тошкент – 2012

**Диссертация Тошкент молия институти “Банк ҳисоби ва аудит”
кафедрасида бажарилган**

Илмий раҳбар:

и.ф.н. доцент У. Ортиқов

Расмий оппонент:

и.ф.н., доцент Б. Бердияров

Кафедра мудири:

и.ф.н., проф. Т.М. Каралиев

Мундарижа

Кириш.....	3-8
I - Боб. Тўлов тизими ва уни ташкил этиш асослари.....	9-24
1.1.Тўлов тизими ва унинг таркибий қисмлари	9-16
1.2. Миллий тўлов тизимининг шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	16-24
II -Боб. Электрон тўловлар тизимининг ривожлантирилиши ва уларнинг таҳлили	25-98
2.1. Тўлов тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар.....	25-52
2.2. Электрон тўловлар тизимининг ташкил этилиши	53-81
2.3. Пластик карточкалар тизими ва уларнинг таснифи	81-98
III-Боб. Бозор иқтисодиёти шароитида тўлов тизимини такомиллаштириш йўллари	99-109
Хулоса ва таклифлар	110-112
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	113-115

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида республикада фаолият юритаётган банкларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Чунки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳеч бири банк хизматини четлаб ўтиб фаолият юрита олмайди, ўзаро ҳисоб-китобларини банк ёрдамисиз ўтказиш олмайди. Шу сабабли банк тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг эркинлигини ошириш йўлида ислохотларга ҳукумат миқёсида эътибор бериб келмоқда. Чунки банк тизимида ўтказилаётган ислохотлар нафақат банкларнинг, балки бутун иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашга асос бўлади. Банк тизимининг барқарорлиги республикада иқтисодиётининг ривожланишига асос бўлади. Айни пайтда республикада банк тизими барқарор бўлиб, буни халқаро рейтинг компаниялари ҳам эътироф этмоқдалар.

2011 йилда республика банк тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган «2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар»¹ ҳамда Ҳукуматнинг банк тизимида оид қарор ва дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди, жумладан:

- тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, депозит базасини кенгайтириш;
- тижорат банкларининг активлари сифати, улар фаолиятидаги таваккалчиликлар, айниқса кредит таваккалчилигини бошқаришнинг сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш;
- аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини узок

¹ Каримов И.А. “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” Т.: «Ўзбекистон» 2012 й.

муддатли депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш;

- банк назоратини халқаро амалиётдаги янги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш;

- республика тижорат банклари ва банк тизими фаолиятини баҳолашда халқаро амалиётда қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ва андозаларни жорий этиш ва уларнинг бажарилишига эришиш;

- иқтисодиётга йўналтирилаётган кредитлар ҳажмини ошириш ва банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш механизмини янада соддалаштириш ва уларга ажратиладиган кредитлар ҳажмини ошириш, авваламбор, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун узоқ муддатли кредитлар беришни рағбатлантириш;

- банк қонунчилигини, жумладан, хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган молия институтларини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш орқали молия-банк соҳасига хусусий капитални жалб қилишни кўпайтириш;

- тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботни юритишда замонавий технологиялар ва услубларни жорий этиш, уларнинг сифати ва шаффофлигини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Тўловлар ўтиши тезлашганидан ташқари, банк тизими ишончли, электрон тўлов тизимидан фойдаланила бошланганидан буён фирибгарлик, сохта тўлов ўтказиш ҳолларига чек қўйилди. Пластик ва чип карточкалар негизида замонавий ҳисоб-китоб тизимларининг кенг жорий қилинди.

Нақд пулсиз чакана ҳисоб-китоблар – банк пластик карточкалари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2012 йил 1 январь ҳолатига муомалага чиқарилган банк карточкалари сони 8,3 млн. донага етди, чакана савдо ва пуллик хизмат

кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони эса қарийб 100 мингтани ташкил қилди.

Ўз навбатида, 2011 йил давомида пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 9,2 трлн. сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 1,6 баробарга ошди.

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини тўлиқ тўлов терминаллари билан жиҳозлаш, аҳолини етарли миқдорда пластик карточкалар билан таъминлаш мақсадида пластик карточкалар ва тўлов терминаллари республикамизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, банк карточкалари орқали тўловларнинг ўтказилишини янада тезлаштириш мақсадида, Ягона Умумреспублика Процессинг Маркази ускуна ва дастурий таъминотлари янгиланиб, «Uzkart» банклараро тўлов тизимини янги технологик платформасига ўтказиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда инновацион технологиялардан фойдаланувчилар билан бир қаторда банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-мижоз, интернет банкинг, мобил-банкнинг, sms-банкнинг)дан фойдаланувчилар сони ҳам ортиб бормоқда.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 56 мингтадан ошди. Шундан, интернет-банкнинг ва «банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар сони 26 мингтани ташкил этган бўлса, мобил-банкнинг ва sms-банкнинг хизматларидан фойдаланувчилар сони эса 30 мингтадан ошди².

Шу билан бирга тўлов тизими тўловлар ўтказилиши ва тўлов обороти билан узвий боғлиқдир. Ҳолбуки тўлов тизими муносабатларини ташкил этишга бевосита таъсир кўрсатувчи бир неча ўзига хос хусусиятлар

² Каримов И.А. “2012-йил Ватанимиз таракқиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади” Т.: «Ўзбекистон» 2012 й

мавжудки, улар бир томондан, худди шу масалалар бўйича алоҳида илмий изланиш олиб борилиши лозимлигини тақоза этади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасида тўлов тизимини ривожлантириш ва ўзаро ҳисоб-китоб тўлов муносабатларини ўрганиш, бу механизмни замон талабларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш, уларда мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш, банклар фаолиятининг тўлов тизимидаги самарадорлигини ошириш, пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш, тўловларни, ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш нуктаи назаридан тегишли таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Бу масадга эришиш учун илмий татқиқотнинг олдида қуйидаги вазифалар қўйилди.

-Республикамиз ҳудудида тўлов тизимини ташкил этиш асосларин ўрганиш;

-Электрон тўлов тизими ва ўзаро ҳисоб-китоб муносабатларини таҳлил қилиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

-Бозор муносабатларига ўтиш шароитида тўлов тизимини такомиллаштириш механизми билан танишиш ва у бўйича таклифлар шакллантириш;

-Пластик карточкаларнинг самарадорлигини ошириш ва ривожланишини таъминлашдаги муаммоларини аниқлаш ҳамда тавсиялар бериш;

-Бозор муносабатлари шароитида тўлов тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш.

Диссертациянинг услубий ва назарий асоси. Илмий иш Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларидаги ғояларга ҳамда хорижий ва ватанимиз иқтисодчи олимларининг мавзуга дахлдор хулосаларига таянади. Диссертациянинг услубий асоси сифатида тизимли ёндашувнинг қоидалари олинди. Шунингдек илмий татқиқотда таҳлилнинг илмий абстракция, ҳисоб-

аналитик, қиёсий усуллари, иқтисодий-математик, статистик гурухлаштиришлар графиклар, диаграммалар ва шу каби турларидан фойдаланилди.

Илмий изланишнинг ахборот баъзаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилинган тегишли қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий ҳужжатлари, иқтисодий (молиявий) адабиётларда баён қилинган ва асослаб берилган тўлов тизими ва оборотига оид асосий концепциялар ва тамойиллар, Ўзбекистон Республикаси Саноат қурилиш Банкнинг дастурий ва истиқболга оид ишланмалари, вақтли матбуот органлари орқали эълон қилинган ва мавзуга алоқадор бўлган мақолалар ва муаллифнинг ўз ҳисоб-китоблари ҳисобланади.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Тўлов тизими муносабатларининг тадқиқ қилинганлиги улардаги мавжуд камчиликлари аниқланганлиги ва шу камчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатилганлиги билан ҳам тадқиқотнинг илмий янгилиги белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

-Тўлов тизими элементларини атрофлича таҳлил қилиш асосида уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди;

-Тўлов тизимининг механизми ва ундаги камчиликлар аниқланди;

-Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тўлов тизимидаги ўрни таҳлил қилиниб бу соҳадаги ишларни соғломлаштириш борасида тегишли таклифлар ишлаб чиқилди ва улар асослаб берилди;

-Пластик карточкалардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва уларни иқтисодиётда кўпроқ қўллашни таъминлашнинг ўзига хос йўллари белгиланди;

-Бозор муносабатлари шароитида тўлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ўз аксини топган.

Ишнинг амалий аҳамияти шу билан белгиландики, унда илгари

сурилган тавсиялар ва таклифлар қуйидаги йўналишларда ўзининг аниқ тадқиқини топиши мумкин:

-Тўлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқот ишларини давом эттиришда ва уларни янада чуқурлаштиришда.

-Банкларда тўлов тизими муносабатларини белгилаш ва тартибга солишда.

-Банкларнинг тўлов тизими яъни нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш борасида тегишли йўриқномалар ишлаб чиқишда ва меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда.

-Иқтисодий олий ўқув юртларида “Банк иши”, “Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника” курси бўйича маъруза ва амалий машғулотлар ўтказишда.

-Пластик карточкаларни қандай қўллаш бўйича тегишли ходимлар билан амалий семинарлар ва мунозарали учрашувлар ўтказишда.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертация ўзининг таркибий тузилишига кўра уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва жадвал, график ҳамда диаграммаларни ўз ичига олиб тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини тўлиқ акс эттиради.

I-боб. Тўлов тизими ва уни ташкил этиш асослари.

1.1. Тўлов тизими ва унинг таркибий қисмлари.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан бери ўтган йиллар мобайнида республикамиз иқтисодининг барча соҳаларида катта ўзгаришлар юз берди. Эндиликда республикамиз бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат ва фуқоралик жамиятини қуриш йўлидан босқичма - босқич қадам ташламоқда. Мамлакатимиз иқтисодининг турли соҳалари, жумладан банк тизимимиздаги ислоҳатлар самарали амалга оширилмоқда. Шу ўринда Президентимиз фикрларини қайд қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва иқтисодий мустақиллигини ошириш улар фаолиятини бозор иқтисодиётига босқичма - босқич мослаштириш жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган банк тизимини шакллантириш ҳозирги давр талабидир”³. Банк тизимини иқтисодий мустақиллигини ошириш, банк хизматларининг ривожланишига олиб келади. Банк хизматларининг ривожланиб бориши банкларни мижоз учун рақобат қурашига киришига мажбур этади. Хизмат турларини шу жумладан тўлов хизматларини амалга ошириш зарурати банклар пайдо бўлишининг муҳим ошилларидан биридир. Уларсиз бирон бир давлатнинг тўлов тизими мавжуд бўла олмайди. Банклар иқтисодиётда пул айланишининг асосий таркибий қисми саналади. Умуман банк тизими мавжуд экан улар албатта тўлов тизими билан боғлиқ бўлади. Тўлов тизимисиз банк фаолиятини тасаввур қилиш мумкин эмас. чунки ҳар бир банк фаолияти биринчи навбатда тўловлар ўтказиш ҳисоб китоблар қилиш билан боғлиқ. Иқтисодий ислоҳатларнинг босқичма босқич амалга оширилиши хўжалик субъектлари ўртасидаги маблағлар ҳаракатини изчил таъминлайди. Банклар тўлов тизимининг буткул яшашини тақоза қиларди.

Шу боис коммуникациялар ва ахборот технологиясидаги янги

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш тўғрисида”ги. 2000 йил 21 март. Халқ сўзи газетаси.

лойиҳани амалга ошириш мамлакатимизда электрон тўлов тизимини ривожлантирди. Электрон тўлов тизими сўнгги йиллар ичида ўзининг ишончлиги ва етарлича ҳимояланганлиги кўрсатдики, унга норезидентлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар ҳам киради. Лекин тўлов тизимини доимо ривожлантириб бориш лозим, чунки у доим долзарб мавзу бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли мен диссертация мавзусини шу “Тўлов тизими ва уни такомиллаштириш йўллари” мавзусида танладим. Аксарият мамлакатларда тўлов тизимларини ривожлантиришнинг бир қатор умумий қонуниятлари ва тамойиллари мавжуд. Ҳар қандай мамлакатда давлат молия кредит тизимининг барҳисоб китоб тизимларининг роли ортиб бораётганини англаш тўлов тизимини ислоҳ қилишга сабаб бўлади. Кўпгина экспертлар бу тамойилни биринчи ўринга қўйганларига сабаб шуки, у макроиқтисодий барқарорликка тўғридан тўғри боғлиқ. Ўзбекистонда тўлов тизимини ривожлантириш ва шакллантириш янги кириб келаётган тушунча бўлгани учун бу борада ўзбек тилида адабиётлар кам. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, чет эл иқтисодчиларнинг фикрига таяниб тўлов тизимини моҳиятини очиб бериш мумкин. Тўлов тизими тўлов оборотининг бир қисми ҳисобланиб, тўлов оборотига хизмат қилади. Тўлов тизимида иқтисодчилар тамонидан ҳар хил таърифлар берилган. Жумладан Брюс Саммирс тўлов тизимида қўйидагича таъриф берган, яъни: “Иқтисодий фаолиятни ташкил этиш натижасида пайдо бўлган мажбуриятларни сақлаб туриш учун пулли тўловларни ўтказишда ишлатиладиган маблағлар йиғиндисига тўлов тизими деб юритилади”.

М.Усоскин фикрига кўра: “Тўлов тизими - бу иқтисодий оборот қатнашчилари ўртасидаги ҳисоб-китоблар ва қарз мажбуриятларини амалга оширувчи хўжаликлар учун пул ўтказишни таъминловчи усуллар йиғирдисидир”¹ деб таърифлаган.

¹ В.М. Усоскин “Пластиковые карточки” М.:Финансы и статистика,1998. 11с.

² В.Г.Соловев Платежные системы, учебное пособие,М.,1999.4 с.

В.Г.Соловевнинг таъкидлашича: “Тўлов тизими - бу ҳисоб китобларни амалга оширишни таъминловчи қоида ва маблағлар комплекси”².

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз тўлов тизими қуйидагича қисача таъриф беришимиз мумкин, яъни: “Тўлов тизими - бу маблағлар ўтказиш механизми”. Бундан ташқари биз тўлов тизими деганда - тўлов ташкилотлари, тўлов тизими аъзолари, тўлов тизими ва муносабатлари қатнашчилари ўртасида банк карточкаларидан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган операциялар йиғирдиси тушунамиз.

Тўлов тизими ҳар-хил формада бўлиши мумкин лекин уларнинг мақсади бир хил, яъни кишиларга счётидаги маблағларни бир банкдан бошқа бир банк счётига ўтказиб бериш имконини беради.

Банклар бундан ташқари тўлов тизимидан ўз операциялари билан боғлиқ маблағларни ўтказишда фойдаланадилар яъни маблағлар ўтказиш мижозлар билан боғлиқ операциялардан фарқ қилиши мумкин. Шулардан келиб чиққан ҳолда тўлов тизимининг аниқ формасига 3 та асосий элемент ва жараёнларни киритиш мумкин.

1.Авторизация ва тўловнинг бошланиши жараёни. Бунда тўловчи ўзига хизмат қилувчи банк ёрдамида маблағларни ўтказишни таъминлайди.

2.Тўлов йўриқномаларини қабул қилиш ва алмаштириш жараёни, бунда тўлов тизими банк-мижоз ўртасида клиринг бўлиб ҳисобланади.

3.Банк мижоз ўртасидаги ҳисоб-китоб жараёни - бунда тўловчи банк олувчи банк маблағларини банк - мижоз ўртасидаги ҳисоб-китоб жараёни товонини тўлайди, яъни банклар вакил бўйича ҳисоб-китоблар учинчи томонини очишади ва икки томонлама асосда ёки счёти орқали нима қилаётганини ўрганишади.

Ҳар қандай тўлов тизими икки механизмга таянади. Пул кредит қийматини ўтказиш ва шу билан бир вақтда у билан боғлиқ ахборотни

бериш. Қийматни ўтказиш, масалан, мижоз компания фойдасига чекни имзолагач ва маблағлар унинг банкидаги ҳисоб рақамидан компаниянинг банк ҳисоб варағига ўтгач содир бўлади. Ўтказиш билан боғлиқ ахборот тўлов олувчи билан тўловчи тенглигини, банк ҳисоб рақамлари ҳисоби ва тўлов вақтини ўз ичига олади ҳамда шу заҳоти маълум қилинади.

Миллий иқтисодиёт одатдагидек фаолиятда бўлиши учун тўлов тизими айрибошлашнинг ишончлилиги ва аниқчилигини кафолатлаши, битимни амалга ошираётган хавфсизлик чораларини лозим даражада сақлаб туриши ва тўлов узил кесил бўлишини (яъни кейинчалик уларнинг ўзгартирилмаслиги ёки бекор қилинмаслигини) сўзсиз таъминлаши лозим.

Бугунги кенг қамровли бозор иқтисодиёти даврида тўлов тизими иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди.

Биринчидан, иқтисодиётнинг молиявий инфраструктурасида ҳаётий зарур элемент ҳисобланади.

Иккинчидан, иқтисодиётни пул-кредит сиёсати орқали самарали бошқаришни таъминловчи зарурий каналлардан бири.

Учинчидан иқтисодиётнинг самаралилигини маблағ билан амалга оширувчи.

Тўлов тизимидаги асосий ролни эътиборга оладиган бўлсак, уларнинг ишидаги хатоликлар молиявий бозорга салбий таъсир кўрсатишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Масалан, тўлов тизимида йирик адашишлар натижасида бозор операцияларидан келиб чиққан тўлов мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаслиги мумкин. Бунинг натижасида алоҳида дилерларнинг, сотувчиларнинг молиявий ҳолатига, аҳволига бўлган ишонч йўқолиши мумкин. Ва аксинча, молия бозори ва тўлов тизимидаги кўрсатилган ташкилий ишларга хоҳиш бўлмаслиги мумкин.

Тўлов тизими бозор иқтисодиётига хизмат қилувчи ва йирик тўловларни қайта ишлашни амалга оширувчи ҳамда ҳар бир Марказий банкнинг асосий

мажбуриятларини юқори даражада амалга оширишда катта роль ўйнайди. Асосан пул-кредит тизимини барқарорлашини таъминлашда.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитда пул кредит сиёсатининг асосий инструменти бўлиб қисқа муддатли фоиз ставкаси ҳисобланади.

Тижорат банклари банклараро пул бозорига ўзаро бериш ва олиш натижасида фоиз ставкасини ташкил қилади. Марказий банк банк тизимида сўнгги ликвид бўлиб ҳисобланади ва фоиз ставкани назорат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит сиёсатини амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига мужассамлаштиради.

-Банклараро пул бозори қарздорлар ва кредиторлардан актив фойдаланади. Шунинг учун иқтисодиётда пул-кредит принципи ишончли индикатор бўлиб ҳисобланади.

-Марказий банк ҳукумат ва хусусий тармоқлар ўртасида асосий пул маблағларини пул бозорида кунлик ликвидлилигини прогноз қилиб туради.

Йирик операциялар бўйича ҳисоб-китобларни бир кунда амалга оширувчи ишончли тўлов тизими зарур.

Агар тўлов тизими самарасиз ва ишончсиз ишласа унда тўловчи банкига олувчи банки талаб қилган суммани топшириқ бўйича ўтказиб беришига бир кун эмас, бир ҳафта муддат керак бўлади. Қўшимча сифатида бу жараённинг вақт рамкаси ноаниқ бўлиши мумкин: яъни айрим ҳолларда бир неча кун талаб қилинса айрим ҳолларда икки ҳафта кетади.

Тўлов тизими бу - Марказий банк фаолиятидаги 2 та асосий мақсад билан боғлиқ.

Пул кредит ва молиявий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Марказий банкнинг тўлов тизимидаги ўрнини тўртта асосий функцияга ажратиб кўрсатиш мумкин:

-Тўлов тизимидан фойдаланувчи сифатида. Марказий банк тўловларни ўтказишда ўз операцияларини бажариши керак. Пул кредит сиёсатини бажариш мақсадида очик бозор операциялари бўйича ҳисоб-китоблар тўлов

тизими орқали амалга оширилади.

-Тўлов тизимини қатнашувчиси сифатида. Марказий банк қатнашувчи сифатида ўз мижозларидан ёки улар номидан тўловларни қабул қилиши ва бажариши мумкин. Масалан: ҳукумат департаменти ва Марказий банклар ҳудудий бошқармаларидан.

-Тўлов хизматларини ташкил этувчи шахс сифатида. Бу хизматлар тўлов тизимида ишловчи тижорат банклари учун ҳисоб-китоб марказларини тузиш билан тугалланади. Ўз маблағлари ва қўшимча маблағлар ҳисобидан тижорат банки ёки бошқа тижорат ташкилотларини таъминлаб туриш хизматлари ҳам киради.

Давлат қизиқишларини ҳимоячиси сифатида. Бунда у ўз ичига қуйидаги кенг характерда белгиланган аспектларни олади:

- Тўлов тизимида “тартибга солувчи” функциясини бажаришни;
- Тизим қатнашчиларини назорат қилишни (банк назоратчиси);
- Тўлов тизимини бошқаришни ва режалаштиришни таъминлайди;
- Шикоят ва ўрнатилган тартибдаги арбитраж вазифасини бажариш.

Марказий банкнинг бешинчи функцияси бўлиб тижорат банклари фаолияти билан боғлиқ кунлик ҳисоб-китобларни кафолатлаш имкониятидан қочиш ҳисобланади. Тўлов тизимида тижорат банкларининг фаолияти билан боғлиқ мажбуриятларни суғурталаш учун давлат маблағларидан самарали фойдаланиш керак.

Ҳар бир банк мавжуд экан у албатта тўлов тизими билан боғлиқ. Тўлов тизими бу - пул маблағларини ўтказиш механизмидир. Агар механизм десак унинг ҳаракати қандай амалга оширилади, яъни ҳаракати учун нима керак. Бунинг учун дастлаб, биринчидан унинг элементлари:

- а) Жисмоний шахслар
- б) Юридик шахслар
- в) Ҳукумат
- г) Молиявий институтлар

Иккинчидан унинг талаблари яъни улар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- Тўловчи ва пул олувчиларнинг ҳуқуқлари аниқ белгиланган бўлиши;
- Ҳуқуқий томондан белгиланган яъни қонун билан мустаҳкамланган амалиётга тадбиқ этилиши лозим;
- Қўпчилик томондан қабул қилинган бўлиши;
- Харажатни бўлиш, таннарх ҳисобга олиниши керак;
- Йўқотишлар ва фирибгарчиликларни олди олиниши лозим.

Учинчидан ҳуқуқий асослари: қонунлар, қарорлар, фармон ва йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Тўлов тизими элементларидан фойдаланишда бир қатор саволларга жавоб бериш керак. Ҳар бир аниқ операция бўйича, масалан:

-Бу операция шу ернинг ўзида ўтказиладими ёки бир мунча вақт керак бўладими;

-Тўлов суммаси каттами ёки кичикми;

-Тўлов маҳаллийми ёки шаҳарларароми;

-Бу операция доимийми ёки бир маротабаликми;

-Бу операция муддатлими. Шу кунда якунладими ёки бир неча кун керакми;

-Ҳар бир тўлов инструментининг таннархи қандай.

Юқоридагиларни ҳар бирини хўжалик субъекти тўлиқ бажарган ҳолда ўз мақсадига ҳеч қандай уринишларсиз етишиши мумкин. Ҳар бир банк мавжуд экан унинг фаолияти, тўловлар ўтказиш, ҳисоб-китоблар қилиш, тўлов тизими билан боғлиқ. Мана шу банк хизматлари турларини кўпайтиришда, бажаришда маъсул ходимларнинг ўрни катта. Тўлов тизими тижорат банклари ва унинг миждозлари томонидан юксак баҳоланмоқда ва ўрта Осиё мамлакатлари ичида энг яхшилардан бири сифатида тан олинмоқда. Унинг самарали фаолият кўрсатиши ва бир бутунлиги Марказий банк томонидан таъминланган. Бунга асосан ҳукуматимизнинг жаҳон тажрибасида қўлланилмаган ностандарт ёндашиш усули яъни тижорат

банкларини бюджетга тўланадиган бир қатор солиқлардан озод қилиш орқали эришилди. Одатда тўлов тизимини тўлиқ компьютерлаштириш даври кўпгина давлатларда ўн йилларгача чўзилган. Бизнинг мамлакатда бу тизимни компьютерлаштириш қисқа вақтда тез кунларда амалга оширилди. Ҳозирги кунда халқаро стандартларга мувофиқ маълумоталарни узатиш банклараро тармоғининг ахборот компьютер инфратузилмаси янада такомиллашмоқда.

1.2. Миллий тўлов тизимининг шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Ҳар бир мамлакат ўзининг мустақил тўлов тизимини ташкил қилган ҳолда мамлакат иқтисодиётидаги тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминлайдилар. Бу тўлов тизими доимо ривожлантирилиб ва такомиллаштирилиб борилади. Ўзбекистон Республикаси тўлов тизимида ҳам республикамиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки даврлардан бошлаб жуда кўплаб ўзгаришлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар тўлов тизими асосан қоғоз кўринишидаги почта ҳисоб-китобларни амалга ошириб берадиган тизим эди. 1990 йилларгача собиқ Иттифоқ иқтисодиёти «Банклараро ҳисоб-китоблар» термини ишлатилмас эди. Банклараро ҳисоб-китоблар давлат банкида очилган марказлашган тартибдаги вакиллик ҳисобварағи орқали олиб борилган. Банк муассасалари ўз филиаллари билан 1933 йилда киритилган МФО (филиаллараро оборотлар) бўйича ички ҳисоб-китобларни олиб борганлар. Шунга мувофиқ банк ходимларининг асосий эътибори филиаллараро ҳисоб-китобларга қаратилган эди. Бундай ҳисоб-китоблар бўйича тўловларни амалга ошириш учун банкнинг маблағи бўлмаса ҳам чекланишлар йўқ эди. Филиаллараро ҳисоб-китоблар йил охирида марказда якунланарди. Йил давомида эса филиаллараро оборотлар юритиладиган ҳисобварақлар орқали пул ўтказиш операциялари почта ёки

телеграф авизолари орқали амалга оширилар эди. Кредит ресурслари марказдан ҳисобга олиниб, режалаштириб бориладди.

1991 йилдан бошлаб, бу камчиликларни тугатиш мақсадида Ўзбекистонда банклараро ҳисоб-китобларга ўзгаришлар киритила бошланди. Бу даврда Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблари қалбаки авизолар ҳисобига бузилди ва тўлов тизими издан чиқди.

Мавжуд тизим талабга жавоб бермай қолгани боис, Республика Марказий банки янги электрон тўловлар концепциясини ишлаб чиқди. Ушбу концепцияга биноан электрон ҳужжатлар кўринишида ишлаб чиқилган тўлов тизими талаб ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилиши лозим эди ва бу вазифа кўзлангандек бажарилди. Ҳозирги вақтда яратилган электрон тўлов тизимига мувофиқ, тўлов ҳужжатларини республика миқёсида 15-20 дақиқада, вилоят ичида 3-5 дақиқада амалга ошириладиган бўлди.

Марказий банк маълумотларига қараганда, янги тизим кунига 60 миллиард сўмлик 60 мингта ҳужжат айланиш имконини беради. Бу тўлов тизими бундан беш баробар ҳажмдаги операцияларни амалга оширишга қурби етади.

Лекин бундай муваффақиятга етгунга қадар миллий тўлов тизими бир неча босқични босиб ўтди.

Миллий тўлов тизимини шакллантиришнинг биринчи босқичи 1991-1994 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда тўлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан 1991-1992 йилларда Марказий банкнинг Бош ахборотлаштириш Марказида банклараро ҳисоб-китобларда электрон почта усулини яратиш устида ишланди. Шунингдек, банк операцион иш кунини компьютер воситасида бажаришнинг амалий дастурини яратиш ва уларни банкларда тадбиқ этиш бўйича иш олиб борилди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банкда ва унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси банклараро тўловлар тизимини такомиллаштириш мақсадида Жаҳон банки томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан самарали фойдаланиш мақсадида халқаро танлов-тендер ёълон қилинди.

1995 йил апрел ойидан бошлаб тўлов тизимини такомиллаштиришнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу босқич 1998 йилгача давом этди. Ушбу босқичда тўлов тизими ўз олдига қўйган вазифани уддалади дейиш мумкин. Агар 1996 йилда ҳисоб-китоблар республика ичида 1 кунда, вилоят ичида 1 соатда яқунланган бўлса, бу вақт борган сари қисқариб борди.

1997-1998 йиллардан бошлаб ҳудудлараро тўловларнинг ўтиши 15-20 дақиқани, ҳудуд ичидаги тўловларнинг ўтиши 3-5 дақиқани ташкил қилишига эришилди. 1998 йилдан бошлаб 2001 йилгача миллий тўлов тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг учинчи босқичи амалга оширилди. Бу даврда барча тижорат банклари ва уларнинг филиаллари Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб маркази ва ҳудудий Ҳисоб-китоб марказларида ўзларининг вакиллик ҳисобварақларини очиб, банклараро ва филиаллараро ҳисоб- китобларни айнан ушбу тузилмалар орқали амалга оширдилар. Банклараро ҳисоб-китоблар бир ҳудудичидаги ва ҳудудлараро ҳисоб-китоблар кўринишида амалга оширилар эди. Банклараро ҳисоб-китобларнинг тўлиқ яқунланиши устидан назорат Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб маркази орқали бажариларди. Марказий банкда жами 800 дан ортиқ вакиллик ҳисоб-варақлари очилган эди.

2002 йилдан республика тўлов тизимини такомиллаштиришнинг тўртинчи босқичи бошланди. Бу даврда тўлов тизимини такомиллаштириш ва бошқарув учун ахборот тизимини яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Тўловларни реал вақтда ўтишини таъминлаш ва тижорат банкларига ягона вакиллик ҳисобварағи орқали хизмат кўрсатиш бўйича танланган технология ҳамда ишлаб чиқилган техник топшириқ бўйича банклараро тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказиш бўйича яратилаётган дастурларни ишлашга тайёрлигини текшириш мақсадида 2002 йилнинг 27 апрел куни синовдан ўтказилди. Бундан ташқари, ягона вакиллик ҳисобварағи орқали реал вақтда амалга ошираётган банкларни ўзаро узлуксиз ишлашни таъминлайдиган дастур ишга туширилди. Янги тизимга барча тижорат банклари бир йўла ўтказилмади. Аввал бир қатор банклар ушбу тизим бўйича ишлаб синаб кўрилди. Ягона вакиллик ҳисобварағи тизими орқали ишлашга АТ Ўзсаноатқурилишбанки 2002 йилнинг 15 июлида, АТ Тадбиркорбанки (ҳозирги Микрокредитбанк) 20 июлида, ДАТ Асака банки 21 октябрда ўтказилди ва уларга ҳар томонлама ёрдам берилди. Ягона вакиллик ҳисобварағи бўйича бошқарув ахборот тизимига ўтиш 2003 йилнинг сентябр ойида ниҳоясига етказилди. Янги тизимга ўтишни ДТ Халқ банки ҳамда Алп Жамол хусусий банки (ҳозирги кунда ушбу банк фаолияти тугатилган) якунлади.

Натижада қуйидагиларга эришилди:

- кунлик тўловларни ўтказиш учун банд бўлган маблағларнинг бир қисмини бўшашига, шу билан бирга бўшаган маблағларни тегишли активларга жойлаштириш имкони яратилди;
- банк филиалларида бутун кун давомида пайдо бўладиган таваккалчиликларни кузатиб, уни ўз вақтида бартараф этиш мумкин бўлди;
- банкнинг юқоридан пастга, пастдан юқорига бўлган ҳар бир жараёни тизим орқали кузатиш мумкин бўлди;
- банк филиалларининг қай бири заиф, қай бири мустаҳкамлигини таҳлил қилиш ва тез, оператив равишда чоралар кўриш имкони яратилди;
- банкнинг ягона кундалик баланси унинг ликвидлиги, таваккалчиликлари, мажбурияти, капитали қандай даражада эканлигини аниқ

кўриш ва таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Тўлов тизимининг ҳозирги даражага этишида бир неча омиллар хизмат қилган. Бу омиллар қуйидагилардир:

1. Бухгалтерия ҳисобининг жаҳон андозаларига мос келувчи Банк Депозиторлари Миллий Ахборот Базаси ташкил етилди.
2. Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари асосида солиқдан озод этилган маблағлар ҳисобига банк тизими тўлиқ компютерлаштирилди.
3. Банклар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда «Фидо-Бизнес» фирмаси томонидан яратилган дастурий таъминоти билан тўлиқ таъминланди ва имконияти этадиган банкларга, жумладан, Миллий банк, Асака банк, ДАЕВОО банк ва АБН-АМРО банкларга дастурий таъминот яратишга доир техник талаблар қўйилди.

Тўловларнинг электрон усулда амалга оширилиши ҳам мижоз учун тез амалга ошириш қуввати жиҳатидан жуда ҳам қулай, ҳам банк учун харажат камлиги учун жуда фойдалидир. Шунинг учун, Ўзбекистонда яратилган электрон тўловлар тизими миллий тўлов тизимининг асоси бўлиб, уни ривожлантириш умуммиллий аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда, республикада тўлов тизимини мукаммаллаштириш, тўлов воситаларини ривожлантириш ва мижозларга қулай бўлган тўлиқ автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш асосий мақсад қилиб белгиланган. «Электрон ҳамён» сифатида машҳур бўлган пластик карточкалар тўловларнинг барча туридан ҳам энг қулай тўлов воситаси сифатида тан олинган. Шунинг учун республикада бир қатор йирик банклар пластик карточкалар бозорини шакллантиришда актив фаолият кўрсатмоқдалар. Пластик карточкалар бозорини ривожлантиришда бир қанча банкоматлар ўрнатилиши, миллий валюта барқарорлиги ва мустаҳкам муҳофаза тизими каби мураккаб ишлар амалга оширилгандан кейингина маълум ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда республикада «Банк-Мижоз» тизими амалиётга кенг

тадбиқ этилмоқда. Бу тизимда банк миждозлари тўғридан-тўғри офис ёки уйдан туриб тўловларни амалга оширилиши кўзланган. Банк хизматининг бу янги кўриниши пул-маблагларининг бошқарилишини фаоллаштириш билан бирга банк миждозлари сонининг ошишига, банк ва миждоз ўртасидаги молиявий фаолиятни янада ривожлантиришга олиб келади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда жаҳон талабларига жавоб берадиган электрон усулда тўловларни амалга оширадиган миллий тўлов тизими яратилди. Электрон тўлов тизимининг ишлаш принциплари, тўлов тизими орқали ҳисоб-китобларнинг ўтказиш тартиби, пластик карточкаларнинг турлари, уларнинг амалиётда қўлланилиши, «Банк-Миждоз» дастурий таъминотининг мазмуни ва иш фаолияти кейинги мавзуларда батафсил кўриб чиқилади.

Ўзбекистонда тўлов тизими шаклланди ва ривожлантириб борилмоқда. Шу билан бирга ахборот тизимлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни такомиллаштириб бориш ҳозирги кунда давр талаби бўлиб ҳисобланади. Охириги йилларда мамлакатимизда ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикада ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш бу миллий иқтисодиётда ахборотлаштириш маконини ташкил қилиш ҳисобланади.

Ягона иқтисодий ахборот тизимини яратишдан асосий мақсад ҳизирги шароитда вазирликлар, идоралар шу билан бирга банк тизимининг алоқаларини замон талабидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш ва мазкур ахборотларни йиғиш, жамғариш, сақлаш ҳамда таҳлил қилиш жараёнларини шакллантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида ягона иқтисодий ахборот тизимини яратишнинг асосий шарт шароитлари ва зврурияти, мавжуд вазирликлар, идоралар, молиявий сектор, жумладан, банк тизимини ишончли ахборотлар билан таъминлаб, иқтисодий ўсишга эришиш билан ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасида ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш

концепцияси қуйидаги вазирлик ва идораларда ҳам ЯИАТ асосларини яратишни таказо этади:

- Иқтисодиёт вазирлиги;
- Молия вазирлиги;
- Меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш вазирлиги;
- Давлат солиқ қўмитаси;
- Давлат божхона қўмитаси;
- Давлат статистика қўмитаси;
- Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги;

Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги республикамиздаги барча вазирликлар ва идоралардан ахборот қабул қилиб, олинган ахборотларни таҳлил қилиб, шу асосда қарорлар қабул қилади. Мамлакатдаги асосий ахборотлар базаси тадқиқ қилинган бўлиб, бу соҳада банк сектори етакчи эканлигидан далолат беради. ЯИАТни Иқтисодиёт вазирлигида яратиш ва тадбиқ қилиш, ахборотларни тезкор равишда олиб, бу соҳада ишловчиларнинг ҳисоботлар йиғишдаги машаққатли меҳнатларига амалий ёрдам беради.

Глобал интеграциялашган ахборот аналитик тизими ёрдамида ҳар куни республикамиз Молия вазирлигига 214 та тижорат банклари ва филиалларидан, валюта биржасидан, Марказий банкдан ахборот узатилади. Давлат солиқ қўмитаси ахборотларни қайта ишлаш учун шу соҳада 6000 дан ортиқ компьютар ва 300 дан ортиқ серверлар билан таъминланган. Бу техника ва технологиялар иқтисодий ахборотларни, юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотларни қайта ишлашга хизмат қилиб келмоқда. Бундан ташқари, локал ахборот ҳисоблаш тармоқлари мазкур соҳаларнинг барча бўлимлари фаолиятида ишлатилиб, спутник тизими асосида ишловчи телекоммуникация воситаларидан солиқ ахборотларини ўзаро алмашинувида фойдаланиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида ягона иқтисодий ахборот тизимини уни

шакллантиришда Марказий банкнинг ЯИАТини яратиш зарурати ҳам энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, бу соҳада тижорат банклари ҳам энг йирик ахборот етказиб берувчилардан бўлиб ҳисобланади. Маълумки, ҳозирги кунда Марказий банкнинг электрон тўловлар тизими ишлаб турибди. Бу тизим орқали тижорат банклари ўртасида ахборотларни юқори савияда ва тезлик билан ўтказиш қобилияти, ҳужжатларни тезкор қайта ишлаш қобилияти блан республикада ва ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам ҳаммага маълум

Республикамизда барча тижорат банклари ҳам Марказий банкнинг ахборот маркази билан банк телекоммуникацион тармоғи орқали уланган.

Бу тармоқ Тошкент шаҳрида 1996 йилдан бошлаб самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Тармоқ ёрдамида тижорат банкларининг барча филиалларидан Марказий банкнинг Бош ахборотлаш марказига 64 Кбит/сек тезликда маълумотлар узатилиб, тизим рақамли оптик толали радио релели алоқа тармоқлари ёрдамида фаолият юритади. Ушбу тармоқ жаҳон банкининг кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилган. Шундай қилиб, юқорида келтириб ўтилган далиллар республикамиз банк ва молия тизимини ҳам ягона иқтисодий ахборот тизимига ўтишга тайёр ва улар учун аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Ахборотлаштириш миллий тизимини яратишнинг асосий мақсади ва ягона иқтисодий ахборот тизимини босқичма-босқич иқтисодиётга жорий қилишдан иборат. Ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш ва уни ишлатилишига маълум бир талаблар қўйилади. Бу талабларнинг энг муҳим шартларидан бири тизимни ташкил қилишда бошқарувчилар томонидан тўғри ечим қабул қилишдир. Ушбу тизим учун шунчаки дастурлар керак эмас, балки амалий дастурлар, компьютерлар, коммуникация ускуналари, алоқа каналларидан иборат бўлган яхлит технологиялар керак.

Дастурлар, маълумотлар ва ушбу тизимда ишловчилар ахборот хавфсизлигининг объектлари ҳисобланади. Ушбу тизим

фойдаланувчиларидан моддий харажатлар ҳам қилишни талаб этади. Шу билан бирга ягона иқтисодий ахборот тизимини шакллантириш ва амалиётга тадбиқ қилиш барча қатнашувчилар учун қуйидагиларга эришишни таъминлаб беради:

1. Ахборотларни қайта ишлашни автоматлашган тизимини ташкил қилишни;
2. Ахборотларни олиш ва узатиш жараёнларини автоматлаштиришни;
3. Ахборотларни ўз вақтида олиш ва узатишни таъминлаш;
4. Ҳисоботларни узатиш ва олишда ходимлар иштирокини камайтиришни назарда тутди.

Шундай қилиб, ягона иқтисодий ахборот тизимининг техник таркиби кенгаювчан ва мослашувчан бўлиши билан бирга, у ўзида янги технологиялар интеграциясини акс эттирмоғи ҳам лозимдир.

II Боб. Электрон тўловлар тизимининг ривожлантирилиши ва уларнинг таҳлили

2.1. Тўлов тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар.

Бозор иқтиодиёти шароитида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири - пул айланишини тўғри ва аниқ ташкил қилишдан иборат, чунки бозор иқтисодиёти товар пул муносабатларининг ҳолати ва тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Корхона ва ташкилотлар ўзларининг хўжалик фаолиятлари жараёнларида доимо бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Улар ўртасида товар айрибошлаш пул ва пулли ҳисоб-китоблар ёрдамида амалга оширилади. Пулли муносабатларда пул шаклларида фойдаланиш хусусияти ва тўлов усулларига кўра пул айланиши нақд пулли ва нақд пулсиз айланишига бўлинади. Пул оборотининг бу икки тури доимо ўзаро узвий боғлиқликда бўлиб, улар пулли ҳисоб-китобларда тахминан 90 фоизи нақд пул ишлатмасдан, нақдсиз пул шаклларида чегараланган бўлиб, у асосан турли хўжаликлар ва аҳоли, ҳамда аҳоли гуруҳлари ўртасида бўладиган ҳисоб-китобларда юзага келади. Нақд пул оборотида пулнинг муомала, тўлов ва меҳнат жамғармалари ҳосил қилиш функциялари намоён бўлади.

Чакана савдо аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш асосан нақд пулда амалга оширилади. Бундан ташқари нақд пулли айланишларга коммунал хизматлар учун тўловлар ишчи ва хизматчиларга иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш, суғурта ташкилотларига бадаллар тўлаш, уй-жой қурилиш ва бошқа мақсадлар учун аҳоли томонидан олинган кредитларни қайтариш ва бошқа тўловлар киради. Нақд пул айланиши умумий пул оборотининг 20-25 фоизини ташкил этади.

Халқ хўжалигида бўладиган пул оборотининг 70-80 фоизини нақд пул ишлатмасдан нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, корхона ва ташкилотларнинг товар айрибошлаш ва хизмат кўрсатиш, товарсиз операциялар бўйича бир-бирига

бўлган талаб ва мажбуриятларнинг нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини ҳиобварақдан ҳисобвараққа ўтказиш орқали амалга ошириш тушинилади. Халқ хўжалиги ривожланиб борган сари пул оборотида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг улуши ортиб боради. Нақдсиз пул айланишининг ўсишига қуйидаги иқтисодий омиллар ижобий таъсир кўрсатади:

- Миллий даромад ва товар оборотининг ҳажми ортиб бориши;
- Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиши;
- Банк кредитининг айирбошлаш жараёнидаги ролининг ортиши;
- Ташқи ва ички итисодий алоқаларнинг ривожланиши;
- Мулкчилик шакларини кўпайтириш;
- Ҳисоб-китоб ишларининг компьютер техникасидан кенг фойдаланган ҳолда олиб борилиши ва ҳокоза.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг доимий ўсиб бориши бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эгадир. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар аҳамиятининг ўсиб бориши қуйидагилар билан белгиланади:

-биринчидан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қўлланиш доирасининг кенгайиб бориши пул обороти устидан амалга ошириладиган банк назоратини кучайтиради ва нақд пул оборотини тартибга солиб туришни таъминлайди; (Бу ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси учун ҳосдир).

-иккинчидан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ривожланиши ва уларнинг тўғри ташкил этилиши хўжаликлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди, товар ва пул маблағлари ҳаракатини тезлаштиради;

-учинчидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар корхона ва ташкилотларнинг пул маблағларини банкларда мужассамлаштиради ва улардан кредитлаш манбалари сифатида фойдаланишга имкон яратади;

-тўртинчидан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ривожланиши нақд пул маблағларига бўлган талабни шу билан бирга нақд пул чиқариш билан боғлиқ бўлган муомала ҳаражатларини камайтиради.

Нақд пулсиз пул айланиши ялпи ижтимоий маҳсулотни ишлаб

чиқариш жараёнида содир бўладиган муносабатларини ўзида акс эттиришга кўра икки қисмга бўлинади.

1. Товар операциялари бўйича пул айланиши.
2. Молиявий мажбуриятлар бўйича пул айланиши.

Биринчи гуруҳга товарларни сотиш, хизматлар кўрсатиш ва капитал курилиш жараёнидаги ҳисоб-китобларни акс эттирувчи пул айланиши киради.

Иккинчи гуруҳга эса бюджетга тўловлар, яъни фойдадан тўланадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда бюджетдан ташқари фондлар, банк ссудаларининг қайтарилиши, кредит учун фоизларнинг тўланиши, суғурта компаниялари билан ҳисоб-китоблар киради.

Умуман олганда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда корхона ва ташкилотларнинг банкдаги счётлари орқали пул маблағларининг биридан иккинчисига кўчирилиши тушинилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар умумий пул оборотининг асосини ташкил қилиб, асосан давлат билан корхоналар ўртасида, корхона билан аҳоли ўртасида юзага келади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар маҳсулот реализацияси ва пуллик хизматлар тўловини амалга оширишда асосий ўринни эгаллайди.

Бозор муносабатлари шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг асослари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тамойиллари;
- Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар олдига қўйиладиган талаблар;
- Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш усуллари ва шакллари.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг асослари, яъни унинг тамойиллари, талаблари, шакллари таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг амалга оширишнинг қуйидаги тамойиллари мавжуд:

- ҳар бир корхона ва ташкилот ўз пул маблағларини банкда очилган

счётларда сақлаши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида бу тамойил орқали тижорат банклари ресурс базаси ташкил топиб халқ хўжалигини кредитлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу тамойил ҳозирги кунда ҳам юридик ҳам жисмоний шахслар учун тегишлидир.

-ҳар бир корхона ва ташкилот счётидан маблағларининг кўчирилиши счёт эгасининг розилиги билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Ҳозирги кунда тўловлар кетма кетлиги календар тартибда амалга оширилади.

-корхона ва ташкилотлар учун ҳисоб-китоб шакллари ва усуллари танлаш эркинлиги бу ерда корхона ва ташкилотлар нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклини мустақил равишда танлаб хўжалик шартномаси орқали расмийлаштиради. Бунда банк воситачилик ролини ўйнайди.

-маҳсулот етказиб берувчининг ҳисобварағига маблағ фақатгина маҳсулот сотиб олувчининг ҳисобварағидан ўчирилгандан кейингина ўтказилиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бу тамойилларини қуйидаги тамойиллар билан тўлдириш мумкин.

-тўловнинг муддатлилиқ тамойили. Ҳар бир корхона ва ташкилот сотиб олган маҳсулоти учун тўловларни шартномада белгиланган муддатларда амалга оширишлари шарт.

-тўловнинг таъминланганлик тамойили. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида корхона сотиб олган маҳсулоти учун тўланиши лозим бўлган маблағнинг аниқ манбаси бўлиши лозим. (Ўз маблағи ёки банк кредити).

-олдиндан тўлов тамойили. Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига асосан Республика ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар етказиб берилиши лозим бўлган товарлар ва кўрсатилиши зарур бўлган хизматлар қийматининг 15 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга оширишлари лозим. Шуларга асосланиб нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тамойилларини иловада схема тарзида кўришимиз

мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида уларнинг олдида куйидаги талаблар қўйилади:

-Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар маҳсулот реализацияси тезлашишини ва оборот маблағлар круг оборотининг бир маромда ҳаракат қилишини таъминлаши лозим.

-Нақд пулсиз ҳисоб- китоблар етказиб берилган маҳсулот ва хизматлар учун тўловларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилиши ва томонларнинг ўзаро мажбуриятларини таъминлаши лозим. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун банк бўлимларида ҳар бир корхона ва ташкилотга асосий фаолият бўйича битта ҳисоб-китоб ёки жорий ҳисобварағи очилиши мумкин.

Ўз фаолиятида доимий равишда бюджет маблағларидан фойдаланувчи ташкилотларга бюджет ҳисобварағлари очилади. Ишлаб чиқаришни давом эттириш учун корхонанинг ўз маблағлари етишмаган тақдирда ссуда ҳисобварағлари очилиб (оддий ва махсус) кредитлар берилади. Корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китоблар яъни тўловлар кетма-кетлиги календар тартибда амалга оширилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқаруви томонидан 2002 йилда 15 январда 11/22 –сон билан тасдиқланган Низомга асосан олиб борилади.

Тўлов тизимининг элементларидан бири бўлган нақд пулсиз ҳисоб - китоблар бутун иқтисодиётда зарурий аҳамиятга эга. Нақд пулсиз пул оборотини ташкил этилишини куйидаги тизимлар орқали кўриб чиқамиз

Мамлакатимиз тўлов тизими ўз ичига куйидагиларни олади:

қарз мажбуриятларини қайтариш ва пул трансферт хизматларини амалга оширувчи институтлар;

-иқтисодий вакиллар ўртасида пул ўтказишни таъминловчи молиявий ва телекоммуникацион тизимлар;

-пул ҳисоб китобларни амалга оширилиш тартибини бошқарувчи шартнома битимлари.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари бўлиб:

-Ўзбекистон Республикасининг фуқоралик кодекси.

-Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида” ги қонуни

-“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни.

“Ўзбекистон республикасининг корхоналари тўғрисида”ги қонуни.

“Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб китоблар тўғрисида”ги низоми.

“Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисоб варақлари тўғрисида”ги йўриқномаси.

-“Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ўзбекистон территориясида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солиш бўйича бошқа норматив ҳужжатлари.

-Ушбу йўналишни бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқалар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом қуйидагиларга асосан келиб чиққан:

-Хўжалик субъектлари шартномага кўра ҳисоб-китоб шакллари эркин танлашидан.

-Банк хўжалик субъектларининг шартномавий муносабатларида ҳалақит бермаслигидан.

-Ўзбекистон республикасининг барча юридик ва жисмоний шахслари, резидент ва норезидентлари фаолиятининг кенгайтирилиши натижасида амалга оширилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг асосларидан бири уларнинг турлари ва шакллари танлашдан иборат. Нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг қайси шаклидан фойдаланишни мижозларнинг ўзлари ҳал

қиладилар ва бу жараёнлар ўртасидаги муносабат шартномада ўз ифодасини топади. Ҳар бир шаклнинг номи ҳужжат номидан олинган бўлиб, бу ҳужжат (чекдан ташқари) ёзув машинкаси ва компьютерда расмийлаштирилади. Умуман ҳозирги кунда нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг Марказий банк томонидан ўрнатилган қуйидаги пул ҳисоб -китоб ҳужжатларининг шаклидан фойдаланилади:

- 1.Тўлов топшириқномаси
- 2.Тўлов талабномаси
- 3.Аккредитив
- 4.Инкассо топшириқномаси
- 5.Ҳисоб-китоб чеклари
- 6.Мемориал ордер
- 7.Пластик карточкалар

Тўловчи ва олувчи ўртасидаги ҳисоб-китоб шакли шартнома асосида белгиланади. Ҳисоб-китоб операциялари банклар томонидан мижозларнинг уларда очган ҳисобварақлари орқали бажарилади. Банк мижозларнинг пул маблағларини уларнинг ҳисоб варақларида сақлайди, маблағларни ҳисоблаб ёзади, ҳисобварақлардан пул маблағларини ўтказиб бериш ҳақидаги ҳамда банк қоидалари ва банк билан корхона ўртасидаги шартномада кўзда тутилган банкнинг бошқа операциялари бўйича фармойишлар бажаради. Тўловлар тўловчининг ўз маблағлари ҳисобига баъзи ҳолларда банк кредити ҳисобига бажарилади. Банк ва унинг мижозлари ўртасидаги низолар хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартнома асосида ўзаро ҳал қилинади.

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби қуйидагича бўлади, яъни пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари Марказий банкнинг талаблари ва андозаларига мос келиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- ҳисоб-китоб ҳужжатининг рақами;
- ҳужжат ёзиб берилган сана ой ва йили;
- тўловчининг номи;

- тўловчининг ҳисоварақ рақами;
- солиқ тўловчининг идентификацион коди;
- тўловчи банкнинг коди, номи;
- олувчининг номи;
- олувчининг ҳисобварақ рақами;
- олувчи банкнинг коди, номи;
- тўлов суммаси рақам ва ёзувда кўрсатилиши;
- тўловнинг мақсади;

Тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чекларида қўшимча равишда қуйидагилар ёзилади:

- ҳисоб-китоб чекининг серия ва рақами;
- жисмоний шахс паспортининг серияси ва рақами;
- чек ҳақиқий “КК. ОО. ЙЙ.” гача

Аккредитивга қўшимча равишда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- аккредитивнинг амал қилиш муддати;
- аккредитив очилаётган шартнома рақамини;
- буюртма рақамини, санаси;
- товар ва хизматларнинг номини.

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштиришда банклар ва миждозларнинг ишига ҳалал бермайдиган тарзда тўловчи ва олувчининг номини рационал даражада қисқартириш мумкин. Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларига чизиш, бўяш ва тозалашга йўл қўйилмайди. Имзолар ўз қўли билан қўйилиши шарт. Маблағларни кирим қилиш ва ҳисобдан чиқариш учун асос бўладиган пул ҳисоб-китоб ва электрон пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг барча нусхалари ҳужжатни қабул қилиш ва тўлаб бериш саналари кўрсатилган ҳолда бухгалтер имзоси ва унга бириктирилган банк штампи билан тасдиқланиши шарт. Энди ОАТБ Саноат қурилиш банк операция бўлимида электрон тўлов тизимида қўлланиладиган ҳисоб-китоб ҳужжатлари таҳлили билан танишамиз.

ОАТБ “Саноат қурилиш банк” операциян бўлимида электрон тўлов тизимида қўлланиладиган ҳисоб-китоб ҳужжатлари таҳлили.⁴

№	Ҳужжатлар номи	операция тури	суммаси (минг сўм)	фоизи (%)	сони
1	Тўлов топшириқномаси	01	865.301	40.13	723
2	Тўлов талабномаси	02	214.201	9.93	3120
3	Аккредитив	05	—	—	—
4	Ҳисоб-китоб чеки	14	—	—	—
5	Инкассо топшириқномаси	11	418.750	19.42	1816
6	Мемориал ордер	06	658.254	30.52	3503
	Жами		2156.51		9162

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида таҳлил қиладиган бўлсак, ўзсаноатқурилишбанк операциян бўлимида қабул қилинадиган ҳужжатлар бир ҳафта ичида яъни беш амалиёт кунида жами 9162 та пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб уларнинг жами суммаси бир ҳафта давомида 2156.51 минг сўмни ташкил қилган. Шулардан 40.13 фоизи, яъни 865.301 минг сўми тўлов топшириқномаси ҳиссасига тўғри келади. 9.93 фоизи, 214.201 минг сўми эса тўлов талабномаси ҳиссасига тўғри келади. Банк бўйича Аккредитив ва ҳисоб-китоб чеки бўйича ҳисоб-китоблар бўлмаган. Инкассо топшириқномаси бўйича ҳам 418.750 минг сўмлик яъни 19.42 фоиз тўловлар амалга оширилган. Мемориал ордер бўйича ҳисоб-китоблар 30.52 фоизни, яъни 658.254 минг сўмни ташкил қилган.

Банк бўйича энг юқори ўринда турган ҳисоб-китоб шаклларида

⁴ Операциян бўлим маълумотлари асосида мустақил тайёрланди

биринчиси бу тўлов топшириқномасидир, у сони жиҳатдан кам бўлса ҳам суммаси жиҳатдан кўп яъни, 40.13 фозни ташкил қилган, иккинчи ўринда мемориал ордер 30.52 фоизга тенг. Биз бу жадвал орқали тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоблар кўп қўлланилишини, унинг бошқа шаклларга нисбатан афзалликлари мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар йўқ, чунки улар бўйича ҳужжатлар айланиши жуда узоқлиги сабабли, ҳозирги кунда улардан фойдаланилмайди. Банкда асосан ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси ва мемориал ордерлар орқали амалга оширилиб келинмоқда.

Энди ҳар бир ҳужжат тури бўйича алоҳида танишиб, таҳлил қилиб чиқамиз. Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси бўйича ва бошқалар. Энди эса, тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши билан танишиб чиқамиз.

Тўлов топшириқномаси - бу мол сотиб олувчининг ўз банкка маълум пул маблағларини ўз счётидан мол етказиб берувчининг счётига ўтказиш тўғрисидаги топшириғидир. Бошқача айтганда бу тўлов топшириқномаси мижоз ўз ҳисоб варағидан унга хизмат кўрсатувчи банкка маълум бир суммани бошқа бир мижознинг ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги топшириғини англатади. Топшириқномалар билан товарлар, иш, хизматлар ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин. Топшириқноманинг санаси уни банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши мумкин. Агар улар мос келмаган ҳолда тўлов топшириқномаси ижро учун қабул қилинмайди.

Тўлов топшириқномалари ўловчи ва олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса, улар уч нусхада тақдим этилади.

■ Биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади.

■ Иккинчи нусхаси эса тўловни олувчининг шахсий ҳисобварағидан

олингандан сўнг кўчирмага илова қилинади.

■ Учинчи нусхаси тўловчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирмага илова қилинади.

Банклараро ҳисоб-китобларда яъни тўловчи ва олувчига турли хил банкларда хизмат кўрсатилган ҳолда топшириқномалар банкка икки нусхада тақдим этилади:

-биринчи нусхаси тўловлар амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади.

-иккинчи нусхаси тўловчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирмага илова қилинади.

Тўлов топшириқномалари орқали ҳисоб-китобларда ҳужжатлар айланишини оддий қилиб, қуйидагича тасвирлаш мумкин.

1. Шартнома тузилади.
2. Товар етказиб берилади ёки хизмат кўрсатилади.
3. Мол сотиб олувчи ўз банкига топшириқ беради.
4. Мол сотиб олувчининг банки мол етказиб берувчининг банкига пул ўтказади.
5. Мол етказиб берувчининг счётига пул туширилади.
6. Пул келиб тушганлиги тўғрисида хабар.
7. Товар жўнатилади.

Тўловлар амалга оширилгандан кейин мижозлардан олинган электрон топшириқномалар икки нусхада қоғозга чиқарилади. Бир нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади. Иккинчи нусхаси банкнинг алоҳида ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади

Тўлов топшириқномасининг бошқа шакллардан афзалликлари мавжуд:

- Ҳужжатлар айланишининг нисбатан оддийлиги ва тезлиги.
- Пул маблағлари ҳаракатининг тезлиги.
- Қабул қилинган товар сифатини назорат қилиш имкониятининг мавжудлиги.

-Товар реализацияси жараёнинг тезлиги.

-Мол олувчи товарни тўлов амалга оширилмасдан олдин текшириш имкониятига эга ҳужжатлар айланишининг нисбатан тезлиги ва оддийлигибу ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг техник жиҳатдан қулайлиги. Бу эса ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар ва банк ходимларининг меҳнат сарфини камайтиради.

Пул маблағлар ҳаракатининг тезлиги бу яъни тўлов талабномасига нисбатан тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатларнинг айланиши ҳаракати қисқалиги, хўжалик оборот маблағларининг айланиш тезлигини оширади.

Товар сифатини назорат қилиш имкониятининг мавжудлиги-ҳисоб-китобларнинг бу шаклида тўлов талабномаси орқали ҳисоб -китобларда бўлгани каби банкка раддия аризаси топширилмайди .Чунки тўловчининг ўзи тўловни тўлашга рози бўлса, топшириқномани банкка топширади.

Тўлов топшириқномасининг барча товарсиз операцияларда қўлланилиши бу эса ушбу шакл бўйича ҳисоб-китобларнинг аҳамиятини янада яқўол акс эттиради.

Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларда афзалликлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжуд.

Мол жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона учун тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўла қафолатланмаган. Чунки, тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўловчи корхонанинг депозит ҳисобварағидаги маблағлар миқдориға боғлиқ. Тўловни тўлиқ ўтказилишига етарли пул маблағларининг бўлмаслиги пул маблағларини бўлмаслиги пул айланишини секинлаштиради ва маҳсулот жўнатувчи, хизмат кўрсатувчи корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлаштиради. ҳозирги кунда Республикамизда банклар орқали ўтказилаётган барча тўловларнинг 75-78 фоизи тулов топшириқномалари орқали амалга оширилмоқда. Буни амалиётда қай ҳолатда эканлигини билиш учун фикримизни операцион бўлим маълумотлари асосида тузилган

жадвалга қаратамиз.

2-жадвал

Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг таҳлили.⁵

№	Ким томонидан қўйилган	Тўлов топшириқномаси №	Қўйилган сана	Тўлов мақсади	Суммаси (минг сўм)	Улуши (%)
1	Материалшунослик институти	147	23.04.11	Иш ҳақи фондининг 1.2 фоиз миқдорига суғурта бадали апрель ойи учун	18925	12,19
2	ОКБ “Фотон”	181	23.04.11	Даволаш учун ЎзРФАга ўтказилди.	35880	23,11
3	О.А.О. “Нефтегазмеъёр”	452	23.04.11	2011 йил 2- квартал учун абонент тўлови	22500	14,49
4	ОАО “Ўзташқине ф-тегаз”	325	23.04.11	Керамик деталларни тайёрлаш учун товарга тўлов.	11530	7,43
5	“Ўзбекуголь”	122	23.04.11	Иш ҳақи фондидан ижтимоий суғурта учун 3% 2011 йил апрель учун	21546	13,88
6	“Ўзгласзайд”	143	23.04.11	Товар ишлаб чиқариш учун маҳсулот ҳақида тўлов	32784	21,11
7	“Ўзбеккўмир”	114	23.04.11	Иш ҳақи фондидан пенсия фондига ажратма учун	12102	7,79
	Жами	X	X	X	155267	100

Жадвал маълумотлари бўйича хулоса қиладиган бўлсак, Саноат қурилиш банки операцион бўлимида тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоблар энг кўп қўлланиладиган ҳисоб-китоб шакли ҳисобланади. Чунки Республика бўйича ҳам барча банкларда тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоблар энг кўп ишлатилади ва республикада ҳозирги кунда 76-78% ни ташкил қиладди. Бизнинг жадвалимиз маълумотлари ҳам шундан далолат

⁵Саноат қурилиш банки операцион бўлим маълумотлари асосида тайёрланди.

бериб турибди. Яъни операцион бўлимга бир кунда 1000-1200 та тўлов топшириқномаси келади ва улар бўйича операциялар амалга оширилади. Жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак, материалшунослик институти томонидан №147 сонли тўлов топшириқномаси бўйича иш ҳақи фондининг 1.2 фоиз миқдорига суғурта бадали учун ЎзРФА га 18925 минг сўм ўтказилган. ОКБ “Фотон” бўйича 35880 минг сўм ўтказилган. Бу кўрсаткичларни давом эттириш мумкин, чунки бир кунда бир канча тўлов топшириқномалари келиб тушади. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, ҳам жадвалдаги кўрсатилган барча топшириқномалар 23 апрель ҳолатига тўғри келган.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг яна бир шаклларида бири-бу тўлов талабномасидир. Тўлов талабномаси-бу маҳсулот етказиб берувчининг тўловчига белгиланган суммани банк орқали тўлаши тўғрисидаги талабини ўз ичига олган ҳисоб-китоб ҳужжатидир. Талабномалар томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан акцептланган ва акцептланмаган бўлиши мумкин. Банк томонидан тўловчиларга талабномаларни қуйидагича акцептлаш тартиби ва муддати ўрнатилади:

Бир шаҳар ичида жойлашган миждозлар учун талабномани банкка келиб тушган кунни ҳисобга олмаган ҳолда уч иш куни. Бошқа шаҳарларда жойлашган миждозлар учун - беш иш куни. Тўловчининг асосли илтимосига кўра-ўн кунгача.

Акцептлаш тартибида тўланадиган талабномалар тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари картотекасида жойлаштиради.

Тўловчи белгиланган муддатда ёзма равишда банк бўлимига акцептлашни қисман ёки тўлиқ рад этиш ҳуқуқига эга. Агар белгиланган муддатда акцептлашни рад этмаса ёзма равишда талабнома акцептланган ҳисобланади. Аризалар орқали тўловдан қисман ёки тўлиқ бош тортишни кўришимиз мумкин. Акцептлашдан қисман бош тортганда тўловчи томонидан сумма бўйича тўловлар амалга оширилади. Маблағлар

бўлмаганда эса №2 картотекага жойлаштирилади. Муддатини кутаётган талабномалар сақлаш учун Картотека №1 га кирим қилинади. Бунда қуйидаги проводка бажарилади:

Дебет - 90962

Кредит- 96319

Картотекадан чиқарилишида эса қуйидагича проводка берилади:

Дебет- 96319

Кредит-90962

Бу ҳолатда тўловчи корхона талабномани тўлашга рози эмас ва бу ҳақда туловчининг норозилик аризаси келиб тушади. Бунда талабнома тўланмасдан норозилик аризаси билан биргаликда мол сотувчи корхона банкига қайтарилади. Иккинчи ҳолатда тўловчи тўлашга рози лекин унинг счегида тўлашга пули бор бу ҳолда тўлов ўтказилади.

Дебет- Мол олувчи корхона

Кредит- кор счет (банк А)

Учинчи ҳолат корхона пул тўлашга рози лекин унинг счегида тўлаш учун пули йўқ. Бу ҳолда тўлов талабномаси картотека №2 га жойлаштирилади ва қуйидагича проводка берилади:

Дебет - 90963

Кредит - 96321

Мижоз счегига пул келиб тушгандан сўнг картотекадан чиқариш бўйича проводка бажарилади:

Дебет- Мол олувчи корхона

Кредит- кор счет

Тўланган тўлов талабномаси модем алоқаси ёрдамида ҳисоб-китоблар маркази орали мол сотувчи корхона банкига ўтказилади. Бу банкда тўловни қабул қилиш бўйича проводка бажарилади.

Дебет- кор счет (банк Б)

Кредит- мол сотувчи корхона счеги.

Тўловчининг ҳисобварақларидан маблағларни акцептламасдан ҳисобдан чиқариш кўрсатилган бўлса, коммунал хизмат, почта, телефон, канализация, телеграф харажатлари ҳамда ташилган мусор учун талабномада акцептсиз деган сўз ёзилган ёки шу сўз ёзилган муҳр туширилган тақдирдагина амалга оширилади. Амалиёт кун давомида келиб тушкан акцептсиз тўланадиган талабномалар шу куннинг ўзидаёқ тўланади. Тўловчининг ҳисобварағида маблағлари йўқлиги ёки камлигида тўланмаган сумма “ўз муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (картотека-№2) картотекасидаги ҳисобварақларга жойлаштирилади.

Маҳсулот сотувчи корхона билан мол сотиб олувчи корхона ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.

1. Масулот сотувчи корхона мол олувчи корхонага товар жўнатади.
2. Маҳсулот сотувчи корхона ўзига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига тўлов талабномаси ва товар транспорт ҳужжатларини тақдим этади
3. Маҳсулот жўнатувчи корхона банки мол олувчи корхона банкига почта ёки крьерлар орқали ҳужжатларни жўнатади.
4. Мол олувчи корхона банки келиб тушган тўлов талабномасини акцептлаш учун маҳсулот олувчи корхонага беради.
5. Корхона ўз банкига акцептланган талабномани тақдим этади.
6. Мол олувчи корхона банки талабномада кўрсатилган суммани тўловчи корхона ҳисобварағидан чегириб талабнома бўйича тўловни амалга оширади.
7. Мол олувчи корхона банки ҳисоб марказига тўланган электрон тўлов талабномасини модем орқали жўнатади.
8. Ҳисоб маркази электрон тўлов тизими орқали тўланган талабномани маҳсулот сотувчи корхона банкига ўтказди.
9. Мол сотувчи корхона банки талабнома суммасини маҳсулот сотувчи корхонанинг ҳисобварағига ўтказди.
10. Тўловнинг келиб тушганлигини хабар қилиш учун компьютерда

чиқарилган электрон тўлов.

-Тўлов талабномасининг ҳам афзал томони ва камчиликлари мавжуд. Тўлов талабномаси билан ҳисоб-китобларнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

Масулот сотувчи билан маҳсулот олувчи томонлар бир-бирини ўзаро назорат қилишга қулай.

Маҳсулот олувчига товарни жўнатиш кечиктирилмайди.

Мол жўнатувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун маҳсулот олувчининг маблағини алоҳида ҳисобвараққа депонент қилиб қўйиш талаб этилмайди, яъни тўловчининг маблағлари бирор муддатга оборотдан ташқарига чиқиб кетмайди. Тўловчига тақдим этилган ҳужжатлар асосида мол етказиб берувчининг шартнома шартлари қай даражада бажарилишини текшириш ҳуқуқи берилади. Шартнома шартларидан биронтаси бузилса, тўлов тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади. Мол олувчи счетида акцептсиз талабномалар бўйича талабномалар маблағларнинг мажбурий олиниши мол етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатган томон манфаатларига мос келади.

Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатлар айланиши тўлов топшириғига нисбатан узоқроқ давом этади. Тўлов талабномаси бўйича ҳам маълумотлар асосида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Таҳлил натижаси бўйича хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларда биз бир кунлик келиб тушадиган талабномаларни аниқлашимиз ҳам мумкин, лекин бир амалиёт кунида келиб тушадиган талабномалар кўп бўлганлиги сабабли, мисол тариқасида 5-6 тасини кўриб чиқамиз. Жадвалдаги маълумотлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, акцептсиз талабномалар акцептли талабномаларга қараганда кўпроқ келиб тушганлигини кўрамиз. Акцептсиз талабномаларни кўплигини, уларнинг мақсадлари бўйича ҳам билиб олишимиз мумкин. Яъни ижтимоий кибернитека институти томонидан коммунал хизматлар учун 120.34 минг сўм тўланганлигини кўрамиз, худди шу тариқа радио абон тўловига 8666.67

минг сўм 04.05.01. сана №315 сон билан Тошшахйўловчитранс томонидан ўтказилган.

Ташшахйўловчитранс томонидан талабнома 01.05.01 сана куни келиб тушган ва акцептланган талабнома бўлганлиги сабабли тўлов муддатини кутаётган талабномалар сақланадиган №1 картотека кирим қилинган. Бунда қуйидаги проводка бажарилади:

Дебет 90962 “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари”

Кредит 96319 “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр счет”

3-жадвал.

Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар таҳлили⁶.

№	Ким томонидан қўйилган	Тўлов талаб номаси	Қўйилган сана	Тўлов мақсади	Суммаси минг сўмда	Улуши %
1	Тошшахйўловчи транс	315	04.05.11	Кўрсатилган хизматлар учун	8667.67	7,55
2	Ижтимоий кибернетика	318	04.05.11	Коммунал хизматлар учун	120.34	0,10
3	ўрмон таъминот	356	04.05.11	Телефондан фойдаланганлик учун тўлов	25000	21,78
4	ОАО “Нефтегазмезёр”	258	04.05.11	Почта телеграф харажатлари	31176.88	27,17
5	ОАО “Узгласзайд”	214	04.05.11	Энергетика тўлови учун	2587.23	2,25
6	ОКБ “Фотон”	189	04.05.11	Товар ишлаб чиқарувчиларга сотилган маҳсулот учун тўлов	47215.61	41,15
	Жами:	X	X	X	114767,73	100

04.05.11. санада эса №1 картотекадан чиқарилган, бунда проводка:

Дебет 96319 “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр счет”

Кредит 90962 “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари

⁶ Саноат курилиш банки операцион бўлим маълумотлари асосида тайёрланди.

шу кўринишда бўлади ва мол олувчи корхона дебетланиб А банк кор смети кредитланади. Шу билан бирга ҳисоб-китоб Маркази орқали Б банк смети дебетланиб, мол сотувчи корхона эса кредитланади. Акцептсиз талабномалар эса муддатини кутмай тўлов амалга оширилади Шу сабабли жадвалдаги барча акцептсиз талабномалар ўз вақтида ўтказилган.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида бири аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобланади. Мол сотиб олувчи корхонанинг шартнома асосида мол етказиб берувчининг банкида алоҳида ҳисобда пул маблағларини олдиндан депонентлаштириш орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблари аккредитивдир.

Аккредитив мижознинг топшириғига кўра шартнома бўйича унинг контр агенти фойдасига берилаётган банкнинг шартли пул мажбуриятидир. Аккредитивларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- қопланган (депонентланган)
- қопланмаган (кафолатланган)

Ҳар бир мол етказиб берувчи учун унга хизмат кўрсатувчи банкда аккредитивлар бўйича алоҳида депозит ҳисобварақлари очилади. қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинмаган ва чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Чақириб олинувчи аккредитив банк эмитент томонидан мол етказиб берувчи билан олдиндан келишиб олинмасдан ҳам ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Масулот етказиб берувчининг розилигисиз унинг фойдасига очилган чақириб олинмайдиган аккредитив ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Маҳсулот етказиб берувчи корхона аккредитив шартларида кўзда тутилган ҳолларда аккредитивни муддатидан олдин ишлатишдан воз кечиши мумкин. Эмитент банкда аккредитивнинг очилиши .

Аккредитив фақат бир таъминотчи билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби томонлар ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади. Аккредитив очиш учун харидор ўз банкига банк эмитентга аккредитивларни очиш тўғрисида

аризани икки нусхада тақдим этади. Маъсул ижрочи аккредитив очиш ҳақидаги аризани олиб унинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлигини текшириб кўради. Аризанинг биринчи нусхаси компьютерга киритилиб электрон тўлов тизими ёрдамида тўланган суммани Марказий банкнинг ҳисоб Маркази орқали маҳсулот жўнатувчи корхона банкига, яъни бажарувчи банкка жўнатади. Харидорнинг ҳисобварағидан тўловни ўтказиш бўйича операциялар қуйидагича бўлади:

Дебет- Маҳсулот олувчи корхонанинг депозит ҳисобварағи

Кредит- Эмитент банкнинг вакиллик ҳисобварағи.

Тўлов ўтказилгандан кейин аризанинг иккинчи нусхаси, шахсий ҳисобварақдан кўчирма билан биргаликда берилади. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатлар айланиши лўйидагича:

1. Маҳсулот етказувчи ва маҳсулот олувчи ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.

2. Масулот олувчи ўз банкига аккредитв очиш ҳақида ариза тақдим этади.

3. Мол олувчи корхона банки аризага асосан маҳсулот олувчи ҳисобвараидан тўлов ўтказади.

4. Аккредитив очиш ҳақида электрон ариза ҳисоб марказига “Электрон почта” орқали ўтказилади.

5. Ҳисоб Маркази электрон тўлов тизими орқали мол олувчи корхона банкининг вакиллик ҳисобварағидан пул маблағларини мол сотувчи корхона банкининг вакиллик ҳисобварағига ўтказади.

6. Келиб тушган маблағлар мижозларнинг аккредитивлари бўйича ҳисобварағида депонентлаштирилади.

7. Аккредитив очилганлиги ҳақида маҳсулот етказиб берувчига хабар беради.

8. Мол сотувчи мол олувчи корхонага товар жўнатади.

9. Маҳсулот етказувчи маҳсулот жўнатишнинг ҳақидаги ҳужжатларни банкка тақдим этади.

10. Банк депонетланган суммани маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварағига ўтказиши.

11. Бажарувчи банк аккредитивни ёлганлиги ҳақида эмитент банкка хабар беради.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилишнинг афзаллиги томони шундан иборатки, маҳсулот етказиб берувчи учун тўлов тўлиқ кафолатланган бўлади. Камчиликлари эса қуйидагилардан иборат:

- Аккредитив шакли бўйича ҳужжатлар айланиши техник жиҳатдан бир мунча қийинроқ.

- Транспортга қулай эмас, аккредитив очилган пайтда юкни жўнатиш учун тайёр транспорт бўлмаслиги мумкин. Бу эса юк жўнатишни кечиктиришга олиб келади.

- Бу шаклда тўловнинг маблағлари оборотдан қисман четлашади, бошқа ҳисоб-китоблар учун бу маблағлардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

- Аккредитив бўйича одатда бир мол етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилинади.

Инкассо топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоблар билан танишиб, таҳлил қилиб чиқамиз.

Инкассо топшириқномаси-ушбу топшириқномани берган банк мижданинг банк эмитентга тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги талабидир. Инкассо топшириқномаси қуйидаги ҳолларда ҳисоб-китоблар учун тақдим этилади.

- Ўз вақтида тўланмаган солиқларни ундириш учун.

- Давлат бюджетига ўтказиладиган солиқдан ташқари тўловлар, жумладан пенялар, жарималарни ундириб олиш тўғрисидаги солиқ органларининг фармойишига кўра.

■ Бюджетдан ташқари фондлардан тўловларни ундириб олишда агар бу қонуний ҳужжатларда кўзда тутилган бўлса.

■ божхона органларининг қарорларига кўра ўз вақтида тўланмаган божхона тўловларини ундириш учун.

Булардан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, шунингдек хўжалик судининг ижро варақалари ва унга тенглаштирилган ҳужжатлари инкассо топшириқномаларини расмийлаштириб банкка топшириш учун асос бўла олади. Бюджет, божхона ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини тўловни ундирувчи деб юритамиз. Тўловни ундирувчи инкассо топшириқномаларини ижро ҳужжатларини илова қилган ҳолда тўловни ундириш учун банкка тақдим қиладилар, агар ундирувчи ва тўловчи бир шаҳар ичидаги банк хизматидан фойдалансалар, инкассо топшириқномаси тўловчининг ҳисобварағи юритиладиган банк бўлимига топширилади. Агар инкассо топшириқномаси бошқа шаҳардаги тўловчилар номига расмийлаштирилган бўлса, бу ҳолда ҳужжат ундириб олувчига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига топширилиши мумкин.

Маблағларни ҳисобдан чиқариш банк бўлимлари томонидан ҳужжатларнинг нусхаси бўйича эмас, асл нусхаси ёки дубликати асосида бажарилади.

Инкассо топшириқномаси банк бўлимига ундириб олувчи томонидан уч нусхада тақдим этилади. Инкассо топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларда бажариладиган бухгалтерия ёзувлари ундирувчи ва тўлов тўловчиларга хизмат кўрсатувчи банкларнинг жойлашувига боғлиқ. Агар ҳар икки томонга битта банк бўлими хизмат кўрсатса, инкассо топшириқномасини тўлаш қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали амалга оширилади:

Дебет- Тўловчи корхонанинг талаб қилунгунча сақланадиган депозит ҳисобварағи.

Кредит- Ундирувчининг талаб қилунгунча сақланадиган ҳисобварағи.

Бу тўловчи корхона ҳисоб варақларидан маблағларнинг ундирувчи томонининг банкдаги ҳисобварағига ўтказилганлигидан далолат беради. Тўлов тўловчи ва ундирувчи томонлар бир шаҳар ичидаги турли банклар хизматидан фойдалансалар ундирувчи томон инкассо топшириғини тўловчи банкка уч нусхада топширади. Бунда бухгалтерия проводкаси қуйидагича бўлади:

Дебет- Тўловчи корхонанинг талаб қилунгунча сақланадиган депозит ҳисобварағи

Кредит-Тўловчи корхонага хизмат қилувчи банкнинг вакиллик ҳисобварағи

Тўлов электрон тўлов тизими орқали ҳисоб марказига ўтказилади. Тўловчи ва ундирувчи томонларга турли шаҳардаги турли банклар хизмат кўрсатсалар ундирувчи банки инкассо топшириғини ижро ҳужжатлари билан бирга почта алоқаси орқали тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка жўнатади. Унинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилиб юқоридаги бухгалтерия ёзуви орқали ҳисоб Марказига тўловни жўнатади. Ҳисоб Маркази орқали тўлов ундирувчига хизмат кўрсатувчи банкнинг вакиллик ҳисобварағига келиб тушади.Шу вақтнинг ўзида келиб тушган маблағ ундирувчи томоннинг ҳисобварағига ўтказилади. Бунда қуйидагича проводка бажарилади:

Дебет- Ундирувчига хизмат қилувчи банкнинг вакиллик ҳисобварағи

Кредит- Тўловни ундирувчининг талаб қилунгунча сақланадиган депозит ҳисобварағи

Инкассо топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблар таҳлилини жадвал тариқасида қуйидаги ҳолатга келтирдик.

Хулоса тариқасида шуни айтишимиз мумкинки, инкассо топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларда асосан топшириқлар солиқ органлари, бюджетдан ташқари фондлар томонидан божхона қўмитасидан, суд органларидан ва бошқа қонунларда кўзда тутилган ташкилотлар

томонидан келиб тушади. Чунки инкассо топширикномаси куйидаги ҳолларда ҳисоб-китоблар учун тақдим қилинади, яъни ўз вақтида тўланмаган солиқларни ундириш учун, давлат бюджетига ўтказиладиган солиқдан ташқари тўловлар, жумладан пенялар, жарималарни ундириб олиш тўғрисидаги солиқ органларининг фармойишига кўра, божхона органларининг қарорларига кўра ўз вақтида тўланмаган божхона тўловларини ундириш учун ва бошқалар. Буларни баъзиларини биз жадвал маълумотлари орқали билиб олишимиз мумкин. Чунки жадвалдаги маълумотларнинг кўпчилиги солиқ органлари томонидан келиб тушган. Яъни солиқ органи томонидан №4702611 сон01.05.11 сана бўйича мулк учун солиқ 23120 минг сўмни ташкил қилган.

4-жадвал

Инкассо топширикномаси бўйича ҳисоб-китоблар таҳлили.

№	Ким томонидан қўйилган	Инкассо топширикномаси №	Қўйилган сана	Тўлов мақсади	Сумма, минг сўмда	Улуши %
1	Солиқ органи	4703115	04.05.11	Мулк учун солиқ	23120	2,55
2	РО. Спецсплаз	4702611	04.05.11	Корхона бўйича дебиторик қарзларни қайтариш	2188.75	0,24
3	Солиқ инспекцияси	4702358	04.05.11	Мулк бўйича солиқ	689541	75,98
4	Божхона қўмитаси	790	04.05.11	Бож учун тўлов	65478	7,22
5	Пенсия фонди	4720163	04.05.11	Пенсия фондига ажратма	89623	9,88
6	Суғурта фонди	4701523	04.05.11	Суғурта учун тўлов	37487	4,13
	Жами	X	X	X	907437,75	100

Инкассо топширикномалари бўйича ҳисоб-китобларни беш амалиёт куни, ҳафталик кўрсаткичларини таҳлил қилиш мумкин. Лекин бизнинг жадвалимизда уларнинг номерлари ва мақсади бўйича жойлаштирилганлиги

сабабли бир кунлик учун ҳам жадвал меъёридан ошиб кетиши мумкин. Шу сабабли бизлар айримлари бўйича кўриб чиқишга ҳаракат қилдик. Жадвал маълумотларига эътибор берадиган.

бўлсак, божхона кўмитаси томонидан қўйилган топшириқнома бўйича сумма 65458 минг сўми, суғурта фондига 37847 минг сўм, пенсия фондига эса 89623 минг сўм ажратилганлигини гувоҳи бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси банклари хўжалик ва аҳоли ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширади. Товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоблар ўтказишда чеклардан фойдаланиш мумкин. Аҳолига банклар томонидан чакана ва кооператив савдо ҳамда хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан товарлар ва бажарилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун чеклар берилади. ҳисоб -китоб чеки бу ҳисобварақ эгаси ўз ҳисобварағидан олувчининг ҳисобварағига чекда кўрсатилган суммадан маблағларни ўтказиб бериш учун банкнинг махсус бланкасида банкка берган топшириғидир.

Ҳисоб-китоб чекларини ёзиб беришда уларнинг бошланғич суммасини тижорат банклари томонидан мустақил равишда аниқланиб юқори суммаси Республика Марказий банк томонидан белгиланади. Чекнинг амал қилиш муддати тижорат банклари томонидан мустақил белгиланади. Чеклар омонат қўювчи жисмоний шахснинг депозит ҳисобварағида сақланаётган маблағлар ҳисобига ёки топширилган нақд пул суммасига берилади. ҳисоб-китоб чеки икки қисмдан иборат:

1. Ҳисоб-китоб чеки

2. Корешок

Чекнинг корешоги чекнинг биринчи қисмида кўрсатилган суммаларни тасдиқлаш учун белгиланган назорат рақамларини ўз ичига олади. Барча реквизитлар тўлдирилгандан сўнг банкнинг маъсул ходими ҳисоб-китоб чеки ва корешокка имзо ва муҳр қўяди. Шундан сўнг чек олувчи мижоз чекни олганлиги ҳақида корешокка имзо қўяди. Банкнинг маъсул ходими алоҳида

дафтарга чекнинг реквизитларини ёзиб олиб қуйиши мумкин. Банк чек берганда жисмоний шахснинг аризасига кўра чекнинг суммасига 20206 “Жисмоний шахсларнинг талаб қилунгунча сақланадиган депозитлари” алоҳида ҳисобварағини очади ва тўловлар шу ҳисобварағда амалга оширилади. Маъсул ходим барча ишларни расмийлаштиргандан кейин чекни корешоги билан кассирга беради. Кассир текшириб кейин имзо қўяди. Агар чек нақд пул ҳисобидан расмийлаштирилган бўлса, чекни олувчидан нақд пулларни ва чек учун тўловни қабул қилади. Пулнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилингандан кейин чек ва омонат дафтарчасига имзо қўйилади ва ҳисоб-китоб чек олувчига топширилади. Чекнинг корешок қисми операцион кун охирига қадар кассирнинг ўзида қолади. Операцион кун охирида банк кассири банк ходимларидан ҳисоб-китоб чекларининг корешокларида белгиланган реквизитлар билан нақд пулларда қабул қилинган суммани ва омонатлар бўйича ҳисобварақлардан ҳисобдан чиқарилган суммани кўрсатади. Шундан сўнг чек корешогини маъсул ижрозига топширади. Банк томонидан қабул қилинган чеклар бўйича тўловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади. Чек эгаси ва чек берувчига битта банк бўлимида хизмат кўрсатилганда: чек суммаси савдо ташкилотининг ҳисобварағи кредити ва “Инкассация қилинган пул тушумлари ва чеклари” ҳисобварағи орқали чек берувчининг ҳисобварағининг дебетидан ўтказилади, чекнинг асл нусхаси кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади. Чек эгаси ва чек берувчига турли банк бўлимларида хизмат кўрсатса: Чек эгасининг банки чекда кўрсатилган суммани қабул қилинган чекка асосан чек берувчининг ҳисобварағига ўтказиб беради. Шу вақтнинг ўзида тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари тўлов тизими орқали чек берувчининг банкига жўнатилади. Чекнинг асл нусхаси барча реквизитлари тўғрилиги билан кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади. Чек берувчи банки электрон тўловлар тизими орқали электрон ҳисоб-китоб чекини қабул қилиб олади. Банкда чек суммаси

электрон ҳисоб-китоб чеки асосида дастурий йўл билан автоматлаштирилган тарзда чек берувчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади. Электрон чек банк маъсул ходими томонидан имзо қўйилган, банкнинг муҳри туширилган ҳамда тўлов амалга оширилган сана кўрсатилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади. Энди тўлов мазмуни бўйича операцияларнинг таҳлили билан танишамиз.

5- жадвал маълумотларига асосланиб хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жами бир ҳафтада келиб тушган ҳужжатлар сони 14136 та, суммаси эса 5969.91 минг сўмни ташкил қилган. Шундан 54.73 фоизи, яъни 3267.325 минг сўми товар операциялари бўйича тўловларга тўғри келган. Нотовар операциялари бўйича эса 45.27 фоиз, яъни 2702.583 минг сўмга тенг бўлган. Жами келиб тушган тўловларнинг 74.48 фоизи ($4446.43 \times 100 / 5969.91$) тўланган, 25.52 фоизи ($1523.48 \times 100 / 5969.91$) картотека №2 га киритилган. Жами тўланган тўловларнинг 53.66 фоизи, яъни 2386.167 мингсўми товар ва хизматлар ҳисобига тўғри келган, қолган 46.34 фоизи, яъни 2060.265 минг сўми нотовар операцияларидан тўланганлигини кўришимиз мумкин. Нотовар операциялари бўйича ҳам жами келиб тушган тўловларнинг 76.2 фоизи ($2060.77265 \times 100 / 2702.77583$) тўланган, 23.8 фоизи ($642.32 \times 100 / 2702.583$) №2 картотека киритилган. Товар операциялари бўйича эса 73.1 фоизи ($2386.167 \times 100 / 3267.265$) тўланган, қолган 29.1 фоизи ($881.16 \times 100 / 3267.325$) №2 картотекага киритилган. Умумийлаштириб айтадиган бўлсак ҳар иккала операция бўйича ҳам камроқ миқдорда картотека №2 киритилган.

5-жадвал

Саноат қурилиш банк операцион бўлимида тўлов мазмуни бўйича операцияларнинг таҳлили⁷.

№	Тўловлар мазмуни	Келиб тушди			Тўланди			№2 картотекага киритилди		
		сони	суммаси	фоизи	сони	суммаси	фоизи	сони	суммаси	фоизи
1	Товар ва хизматлар учун	8623	3267.325	54.73	8187	2386.167	53.66	436	881.16	57.84
2	Нотовар операциялари бўйича	5513	2702.583	45.27	5200	2060.265	46.34	313	642.32	42.16
3	Жами	14136	5969.91	100	13387	4446.43	100	749	1523.48	100

Юқоридаги жадвал таҳлили натижалари банкимиз мижозларининг молиявий ҳолати барқарорлигидан далолат беради.

⁷ Саноат қурилиш банк операцион бўлим амалий маълумотлари асосида мустақил тайёрланди.

2.2.Электрон тўловлар тизимининг ташкил этилиши

Ҳозирги кунда республикамизда Марказий банк бошчилигида жуда кўплаб филиал ва мини банкларга эга бўлган кенг тармоқли тижорат банклари фаолият кўрсатиб келмоқда. “2012 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони 30 тани ташкил этиб, уларнинг 3 таси давлат тижорат, 13 таси акциядорлик тижорат, 9 таси хусусий ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. Республика ҳудудларида банкларнинг 822 та филиали фаолият кўрсатмоқда”⁸. Бу маълумотларни жавдал холида янада яққолроқ кўриш мумкин.

6-жадвал

Ўзбекистонда фаолият юритаётган тижорат банклари ҳақида маълумот

т/р	Тижорат банкларининг мулкчилик шакли бўйича турлари	Сони
1.	Давлат тижорат банклари	3 та
2.	Акциядорлик тижорат банклари	13 та
3.	Хусусий банклар	9 та
4.	Чет эл капитали иштирокидаги банклар	5 та
5.	Жами:	30 та

Бу тижорат банклари ва улар филиалларининг ҳар бири турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган корхона, ташкилот, муассасаларига ҳамда юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркорлар ва барча жисмоний шахсларга хизмат кўсатади. Банклар томонидан иқтисодиётнинг турли тармоқларига тегишли бўлган турли мулкчилик шаклларидаги корхона, ташкилот, муассасалари, тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнида банклараро муносабатлар вужудга келади.

⁸ 2011 йилдаги макроиқтисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили

Чунки, ҳар доим ҳам бу ҳўжалик юритувчи субъектлар бир банк мижози бўлавермайдилар. Банклараро муносабатлар банклараро ҳисоб-китоблар (оборотлар) орқали олиб борилади. Банклараро оборотларнинг мазмуни шундан иборатки, бунда бир банк хизматидан фойдаланувчи корхонанинг ҳисобварағидан бошқа банк хизматидан фойдаланувчи корхонанинг ҳисобварағига ҳужжатда кўрсатилган сумма бухгалтерия ёзувлари орқали ўтказилади.

Шундай қилиб, бир - бирлари билан ҳисоб-китобларни юритувчи корхоналарнинг ҳисобварақлари турли банкларда очилганлиги иккита банк ўртасидаги ҳисоб - китобларни юзага келтиради. Агар ўзаро алоқада бўлган корхоналарнинг ҳар иккиси битта банк хизматидан фойдалансалар, у ҳолда банклараро оборотлар вужудга келмайди. Унда пул ўтказиш операциялари бир банкнинг ўзида амалга оширилади.

Операцияларни бошлаган банкдаги оборотлар бошланғич банк оборотлари дейилади. Операцияларни тугалланган банкдаги оборотлар якуний оборотлар дейилади. Ҳар бир бошланғич оборотга якуний оборот мос келиши шарт. Бу банклар ўртасида операциялар якунланганини билдиради.

Мустақиллик йилларида янги банк тизими барпо этилиши муносабати билан банклараро ҳисоб- китобларга ҳам ўзгаришлар киритилди, прогрессив усуллар излаб топилди, янги дастурлар яратилди ва такомиллаштириб борилди. 1995 йилда Марказий банк томонидан ҳисоб-китобларни тезлаштириш мақсадида барча ҳудудий марказий банк бошқармалари қошида ҳисоб-марказлари ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. 90-йилларнинг бошларида ташкил этилган клиринг марказлари тугатилди. Почта орқали жўнатиладиган огоҳномалар ҳам бекор қилинди. Янги ҳисоб-китоб тизими “Электрон почта” тўлов тизими жорий этилди.

2002 йилдан бошлаб республика банк тизимида яна катта ўзгаришлар бўлиб, банклараро ҳисоб- китоблар ягона вакиллик ҳисобварағи асосида ташкил этила бошланди. Ҳудудий Ҳисоб-китоб Марказларининг фаолияти

тугатилиб, фақат Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб Маркази фаолияти сақлаб қолинди. Ҳозирги кунда турли типдаги банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар айнан Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб Маркази орқали амалга оширилади. Бир типдаги банкка тегишли бўлган барча операциялар бош банкнинг ягона вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказила бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиши билан банк тизимида бир қатор ўзгаришлари бўлиб ўтди. Икки поғонали банк тизими пайдо бўлди. Тижорат банкларининг шахобчалари кенгайтирилди. Бундан ташқари, турли мулкчилик шакллариининг пайдо бўлиши банклар ўртасидаги муносабатларнинг кўпайишига олиб келди. Шу муносабатлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида тезкорлик билан амалга ошириш учун янги автоматлаштирилган тизимни жорий этиш зарурати туғилди.

Илгари почта ёки телеграф орқали тўлов ҳужжатлари бир банкдан иккинчи банкка жўнатилганда тўловлар бир неча кунга, ҳатто 15-20 кунга чўзилиб кетар эди. Тўлов ҳужжатларининг бошқа манзилга келиб тушиш ҳолатлари, бундан ташқари ноқонуний авизоларни жўнатиш ҳоллари ҳам кузатилар эди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий банк тизимининг барпо этилиши муносабати билан банклар ўртасидаги муносабатлар юзасидан келиб чиқадиган банклараро ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш орқали банклараро ҳисоб-китобларни тезлаштириш масаласи долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди.

Шунинг учун республика тўлов тизимини такомиллаштириш масаласи ҳукуматимиз даражасида кўрилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилнинг 18 мартдаги 146-сонли “Банк тизимини ривожлантириш ва пул муомаласини барқарорлаштириш чора тадбирлари” ҳақидаги қарорида банклараро ҳисоб-китобларни яхшилаш билан боғлиқ бўлган бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Улар қуйидагилардир:

1. Банк тизимини компьютерлаштириш ва банк компьютер

марказларини жорий этиш;

2. Электрон почта, яъни Электрон тўловлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

3. Ҳисоб-китоб ишларини автоматизациялаштириш;

4. Ноқонуний ҳисоб-китоб операцияларини ўтказишни олдини олиш;

5. Ноқонуний авизо-огоҳномаларни расмийлаштиришга йўл қўймаслик.

6. Почта авизоларини бекор қилиш.

7. Ҳисоб-китобларни тезлаштириш.

Кўпгина тижорат банкларида банкнинг ҳисоб ишларини механизатсиялаш даражаси жуда паст эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банклараро ҳисоб-китобларни Электрон почта тизими орқали ташкил этишга қарор қилди. Электрон почта орқали тўловлар тизимининг техник жихатдан ўрнатишнинг унча қиммат эмаслиги, қисқа муддатда тадбиқ этилиши, кадрларни тез муддатларда ўқитилиши янги тизимнинг жорий этилишини тезлаштирди. Дастлаб тажриба ўтказилди. 1994 йилнинг июл-октябр ойларида Марказий банк таклифига асосан “Фидо-бизнес” фирмаси томонидан дастур ишлаб чиқилди ва шу йилнинг 1 октябридан эътиборан “Электрон почта” тизимидан тажриба сифатида фойдаланила бошланди. Тажриба давомида уни ишлатиш бўйича узгаришлар киритилди. Дастлаб тўловларни 2-4 кун ичида ўтказилишга эришилди. Кейинчалик бу муддат қисқариб борди ва бир неча дақиқани ташкил этди.

Барча тижорат банклари бирин-кетин Электрон тўловлар тизимига улана бошладилар.

Шундай қилиб, ишлаб ҳукумат қарори асосида ишлаб чиқилган янги Электрон тўловлар тизими дастурий таъминоти 1995 йилдан бошлаб тўлиқ республика банк амалиётига тадбиқ этилди.

Электрон тўловлар тизими бу-умумдават тизими бўлиб, банклараро тўловларни ташкил этади ва у қоғозсиз технологияларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Электрон почта воситалари орқали

ўтказилишига асослангандир. Ҳозирги кунда Электрон тўловлар тизими юқори ўтказиш имкониятига эга бўлиб, тўловларнинг республика миқёсида бир неча дақиқа мобайнида ўтишини таъминлайди.

Ҳозирги кунда Электрон тўловлар Ўзбекистон республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/3 - сонли Қарори билан тасдиқланган 628-сонли “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали Электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида” ги Низом (Ўз.Р.АВ дан 2006 йил 14 февралда 1545-сон билан рўйхатдан ўтган.) асосида амалга оширилади.

Банклараро тўлов тизими орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги талабларга риоя этилади:

- 1) Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни тезкорлик билан ўтказишни таъминлаш;
- 2) Узатилаётган Электрон тўлов ҳужжатларни рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш;
- 3) Электрон тўловларни тартибга солувчи қонунлар ва қоидаларга риоя қилиш;
- 4) Банкларнинг вақтинча пул ресурсларидан самарали фойдаланиш.
- 5) Тижорат банклари томонидан амалдаги қонунчиликка ва банк фаолияти меъерий ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича Марказий банкнинг назорат ва кузатув функцияларини бажариш;
- 6) Маълумотлар базасини яратиш.

Электрон тўловларни ўтказишда инициатор ва бенифициар банклар иштирок этади. Инициатор банк бу-тўлов операцияларини бошловчи банк, бенифициар банк эса тўлов операцияларини якунловчи банкдир. Банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар Электрон тўлов ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Электрон тўлов ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган шаклда пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари асл нусхаси асосида яратилган “Электрон” белгили ҳужжат бўлиб, унинг асосий

нусахаси ҳисобланади ва асл нусаха кучига эга бўлади. Электрон тўловлар тизимида узатиш учун мулжалланган ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилганлиги учун банк мижози жавобгар бўлади. Худудий ахборотлаштириш Марказига қайта ишлаш учун узатиладиган Электрон тўлов ҳужжатларини ҳисоблаб ўтказиш, ҳисобдан чиқариш ва уларнинг Электрон файлларини шакллантирилиши тўғрилиги учун жавобгарлик иницатор-банкка, худудий ахборотлаштириш марказидан қабул қилинадиган тўлов ҳужжатлари учун жавобгарлик еса бенифициар банкка юклатилади.

Электрон тўлов тизими бир қатор тамойиллар асосида фаолият кўрсатиб, улар қуйидагилардир:

а) Электрон тўлов ҳужжатларни бирор белги бўйича қайта ишлаш устуворликлари йўқлиги ҳамда тизимда иштирок этиш учун адолатли ва ошкора рухсат;

б) фойдаланувчилар нуқтаи назаридан қулайлилиги ва Электрон тўловни амалга ошириш воситаларининг иқтисодий самарадорлиги;

в) ҳисоб-китоблар бўйича аниқ мажбуриятлар тизимини бошқариш самарадорлиги;

г) ташаббускор банк томонидан Электрон тўловларни бошлаш;

д) банкларнинг Марказий банк Ҳисоб-Китоб Марказидаги вакиллик ҳисобварақлари ҳамда банкларда уларга тегишли ҳисобварақлардаги айланмалар ва қолдиқлар мос келганда Электрон тўловларни амалга ошириш;

е) бошланган Электрон тўловни бекор қилиш имконияти йўқлиги;

ж) юқори даражадаги хавфсизлиги, тезкорлиги ва ишончлилиги;

з) ташаббускор банкнинг Электрон рақамли имзоси билан Электрон тўлов ҳужжатларни тасдиқлангандан бошлаб Электрон тўловнинг чакириб олинмаслиги ва маблағлар бенефитсиар банк вакиллик ҳисобварағига ўтказилгандан бошлаб Электрон тўловнинг якунийлиги;

и) тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларида маблағлар

вақтинчалик етарли бўлмаганида, бошланган Электрон тўловларни ўз вақтида якунлаш ва кун давомида тизимнинг ликвидлилигини қўллаб-қувватлаш учун ўзбекистон республикаси марказий банки ва банк ўртасида тузилган алоҳида шартнома асосида зарур бўлган маблағларни етказиб бериш имконияти;

к) Электрон тўлов ҳужжатлар алмашувини қабул қилиш – назорат – узатиш технологик даврлар кўринишида ташкил этиш;

л) жисмоний шахсларга берилган тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари бўйича Электрон тўловлардан ташқари, Электрон тўловларнинг суммаси миқдори учун қўйиладиган чеклашларнинг йўқлиги.

Электрон тўловлар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаш марказлари ва ҳисоб-китоб марказларидир. Электрон тўловлар тизимидан фойдаланувчилар бўлиб Ҳисоб-Китоб касса марказлари ва тижорат банклари ҳисобланади. Электрон тўловлар тизими иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тижорат банклари, Ахборотлаш марказлари ва Ҳисоб-Китоб марказлари ўртасида тузилган шартнома билан тартибга солиниб турилади.

Марказий банкнинг Ахборотлаштириш бош маркази – амалдаги қонунчилик ҳамда Ахборотлаштириш бош маркази ва банklar ўртасидаги шартномаларга мувофиқ банklarаро тўлов тизимининг техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларини таъминлайдиган марказдир.

Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар маркази – бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бош бошқармасининг ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоблар бошқармаси бўлими бўлиб, унинг вазифасига тижорат банкларининг бош офисларига вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда улар ўртасида Электрон тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш киради.

Ҳар бир банк Электрон тўловлар тизимига қўшилиши учун аввало Республика Марказий банкида руйхатга олинган ҳамда БДМАБ томонидан

уникал код берилган бўлиши лозим. Шу билан бирга ушбу банк Электрон тўловлар тизимига чиқиш имкониятини берадиган тегишли дастурий мажмуага ега бўлиши лозим. Шундан сўнг банк Электрон тўловлар тизимига улангунча ахборатлаштириш бош маркази ходимлари ёрдамида маълумотларни қабул қилиш, узатиш бўйича бир неча синов тажрибаларини ўтказиш йўли билан банк тайёргарлигининг хафталик тажриба текшируви ўтказилади. Бундай тажриба текширув ишлари ижобий натижа олгунча давом эттирилади.

Тажриба тугагандан сўнг ҳудудий ахборатлаштириш марказида банкнинг электрон тўловлар тизимида ишлашга тайёр эканлиги тўғрисида далолатнома тузилади ва банк Электрон тўловлар тизимига кўшилади.

Шундай қилиб, Электрон тўлов тизими оддий почта-телеграф тизимидан бутунлай фарқ қилади. Буни Электрон тўлов тизимининг қатор афзалликлари орқали яққолроқ кўриш мумкин.

7-жадвал

Электрон тўловлар тизимининг ижобий томонлари

№	Асосий кўрсаткичлар	Электрон тўлов тизими	Почта-телеграф тизими
1	Тўлов муддати	Бир неча дақиқа	2 - 7 кун (баъзан ундан кўпроқ)
2	Ишловчилар сони. Тошкент шаҳар ХҚМ.	7	20
3	Йиллик баланснинг ёпилиши	Жорий йилнинг 31 декабр куни	Келаси йилнинг март-апрел ойлари
4	Ноқонуний ўзлаштиришдан ҳимоя	- тармоқ протокол ҳимояси; - парол ҳимояси; узатиладиган файлларнинг шифрланиши; ишловчи ходимлар малакаси.	Ходимлар малакаси
5	Архивлаштириш	- Электрон архивлаштириш.	Папкадаги қоғоз ҳужжатлар кўринишидаги архив

Электрон тўлов тизимининг камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, уларга компьютер технологияси ва телекоммуникатсияларни сотиб олиш учун катта

миқдордаги молиявий қўйилмалар талаб этилиши ва турли техник муаммоларнинг келиб чиқишини келтириш мумкин. Лекин молиявий қўйилмалар ахборот узатиш тезлиги ва хавфсизлиги ҳисобидан қопланиб кетади.

Тижорат банклари банклараро ҳисоб-китобларни Электрон тўлов тизими орқали амалга оширишлари учун албатта ушбу тизимга уланиши лозим. Банклараро тўлов тизимига уланиш учта йўл билан амалга оширилиши мумкин:

- 1) Банкнинг тўлов (ҳисоб-китоб) марказини уланиши;
- 2) Филиалга эга бўлмаган банкларни уланиши (бунда Электрон тўловлар банкнинг амалиёт бошқармаси орқали амалга оширилади);
- 3) Банк филиалининг уланиши.

Банкнинг тўлов ёки ҳисоб-китоб марказини банклараро тўлов тизимига уланиши учун банк тўлов ёки ҳисоб-китоб марказининг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда хат билан Марказий банкнинг тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаментига мурожаат қилади.

Хатга асосан Марказий банкнинг тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти банкнинг тўлов ёки ҳисоб-китоб марказини улаш ҳамда унинг филиалларининг вакиллик ҳисобварақларидаги қолдиқларини ўтказиш тартибини тайёрлайди.

Филиалга эга бўлмаган банкни ёки банк филиалини банклараро тўлов тизимига улаш учун, улар қонунчиликда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинган, Банк депозиторларининг миллий ахборот базасида хос рақам (уникал код)га ҳамда банклараро тўлов тизимига чиқиш имкониятини берадиган тегишли дастурий мажмуага эга бўлиши керак.

Филиалга эга бўлмаган банкларни уланиш тартиби қуйидагича бўлади:

- 1) Марказий банкнинг тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти А банк томонидан банк

фаолиятини амалга ошириш учун марказий банк лицензиясини олганлиги тўғрисида, банкнинг тўлиқ номи ва манзили кўрсатган ҳолда хабар беради;

2) Марказий банкнинг тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти ёзма хабарномасига мувофиқ, Ахборотлаштириш бош марказининг Банк депозиторларининг миллий ахборот базаси бўлими тижорат банк учун хос рақам ва унга тегишли реквизитларни захиралайди ҳамда бир вақтнинг ўзида банк ва Марказий банкнинг тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаментига бу ҳақда хабар беради;

3) Банк, хос рақам олгандан кейин, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган марказий банкнинг рўйхатга олиш марказига Электрон рақамли имзо калитини олиш учун, Ахборотлаштириш бош марказига - Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар марказининг серверига кириш рухсатини олиш мақсадида аутентификация маълумотларини аниқлаш учун мурожаат қилади;

4) Ахборотлаштириш бош маркази ходимлари ёрдамида бир қанча маълумотларини қабул қилиш - назорат қилиш - узатиш технологик алмашувини ўтказиш йўли билан банк тайёрлигининг синов текшируви ўтказилади.

Синов қуйидаги тартибда ўтказилади:

а) банкнинг маълумотлари синов мажмуасидаги тегишли маълумотнома (справочник)га киритилади;

б) дастлаб банк ходимлари билан ахборотлар алмашувини ўтказиш бўйича тушунтириш (инструктаж) ўтказилади;

в) синов мажмуасидаги банкнинг вакиллик ҳисобварағига банкнинг ишлаши учун устав фонди сифатида олдиндан келишилган сумма киритилади;

г) банк вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқни тасдиқлаш учун ахборотни шакллантиради ҳамда Ахборотлаштириш бош марказига синов тариқасида жўнатади, Ахборотлаштириш бош маркази шакллантирилган

маълумотларни тўғрилигини текширади;

д) Ахборотлаштириш бош маркази банк учун вакиллик ҳисобварағини тасдиқлаш, иш тугаши бўйича ахборотни шакллантиради, банк эса улар билан ишлай олишини тасдиқлаши керак;

е) синов банк тайёрлигини текширишда ижобий натижалар олингунча давом еттирилади.

Синов тугаганидан кейин Ахборотлаштириш бош маркази банк билан биргаликда банк ҳолатининг банклараро тўлов тизимида ишлашга тайёр эканлиги тўғрисида далолатнома тузади;

Марказий банк тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментининг банкка лицензия берилганлиги, банкнинг банклараро тўлов тизимида ишлашга тайёрлиги тўғрисидаги марказий банк хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаментининг хабарномалари ҳамда синовнинг ижобий натижаси тўғрисидаги Ахборотлаштириш бош марказининг далолатномасига, шунингдек, солиқ тўловчининг идентификацион рақами кўрсатилган давлат солиқ қўмитасидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси асосида, Марказий банкнинг тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти барча банкларга банкнинг очилганлиги, унга Банк депозиторларининг миллий ахборот базасида хос рақам берилгани ва банклараро тўлов тизимида уланганлиги тўғрисида расмий хабарнома юборади.

Банк филиаллари Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб марказида ҳисобварақлар очмаслигини инобатга олиб, банклараро тўлов тизимида филиалларни улаш бўйича барча тайёргарлик ишларини (филиалнинг тайёргарлик синов текшируви, Электрон рақамли имзо калитини яратиш) банклар ўзлари олиб борадилар.

Филиалга хос рақам заҳиралаш учун банк бевосита Ахборотлаш Бош Марказининг БДМАБ бўлимига мурожаат қилади.

Филиал учун Электрон рақамли имзо калитларини банкнинг рўйхатга

олиш маркази яратади. Банкнинг рўйхатга олиш маркази мавжуд бўлмаган тақдирда, банк филиал учун Электрон рақамли имзо калитларини яратиш учун марказий банкнинг рўйхатга олиш марказига мурожаат қилиши мумкин.

Барча ишлар тугатилгандан сўнг, филиални банклараро тўлов тизимига улаш илтимоси билан, банк Марказий банкнинг тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаментига хат тақдим этади. Унда банк филиалининг номи, манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк статистик ҳисоботларини беришда филиалнинг ҳудудий тобелиги кўрсатилади.

Ушбу хатга асосан Марказий банкнинг тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти банк филиали учун БДМАБ да хос рақам беради, Электрон маълумотномасига киритади ва банк филиали очилганлиги ҳамда уни банклараро тўлов тизимига уланганлиги тўғрисида барча банкларга расмий хабарнома беради.

Филиални банклараро тўлов тизимида тўғри ишлаши бўйича жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

Ҳар бир тижорат банки ўзининг банклараро муносабатларини олиб бориш учун Ҳисоб-китоб марказида вакиллик ҳисобварағини очиши лозим.

Вакиллик ҳисобварағи бу- тижорат банкига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ёки бошқа тижорат банкларида банклараро ҳисоб-китобларни юритиш учун очилган ҳисобварақдир. Тижорат банкилари учун қуйидаги вакиллик ҳисобварақлари очилиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги миллий ва чет эл валютасидаги вакиллик варағи;
- Резидент банклардаги вакиллик ҳисобварағлари;
- Норезидент банкларнинг вакиллик ҳисобварағлари.

Резидент тижорат банклари миллий ва чет эл валютасидаги вакиллик варағини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ҳисоб-китоб марказида очадилар. Янги ташкил этилаётган банк таъсисчилари банк

рўйхатга олингунча таъсис бадалларини йиғиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ёки бирор тижорат банкида вақтинчалик 29801-“Мижозлар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағини очади. Кейинчалик тўпланган сумма янги очилган вакиллик ҳисобварағига ўтказилади.

Вакиллик ҳисобварағи очилаётганда Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаси ўртасида вакиллик муносабатлари тўғрисида шартнома тузилади. Тижорат банки вакиллик ҳисобварағи очилишини расмийлаштириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- Ҳисобварақ очиш тўғрисидаги ариза;
- Солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;
- Банк операцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензиянинг нусхаси;
- Статистика идоралари томонидан берилган корхона ва ташкилотнинг ягона Давлат рўйхатига киритилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;
- Имзолар ва муҳр изи туширилган варақларининг нотариал тасдиқланган нусхаси.

Норезидент банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ёки ваколатли тижорат банкларида вакиллик ҳисобварағларини очиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- Норезидент банкнинг тўлиқ номи ва уни рўйхатдан ўтказган давлатдаги юридик манзили кўрсатилган ҳолда ҳисобварақ очиш тўғрисидаги ариза;
- Имзолар ва муҳр изи туширилган варақча ҳамда мазкур давлатнинг Марказий ёхуд миллий банки томонидан берилган лицензия нусхаси;
- Норезидент банк томонидан у рўйхатга олинган давлатда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар қўлланилиши тўғрисидаги ахбороти.

Ушбу хужжат илгари талаб қилинмас эди. Адлия Вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарорига биноан юқорида келтирилган ахборот вакиллик ҳисобварағини очиш учун талаб қилинади.

Вакиллик ҳисобварағи Марказий банк фармойишига кўра очилади. Вакиллик ҳисобварақлари номерини ва банк кодини Банк Депозиторлари Миллий Ахборот Базаси (БДМАБ) белгилайди. Вакиллик ҳисобварағи очиш тўғрисидаги фармойиш тижорат банки ҳудудий бошқармаси ва бўлимига, унинг нусхаси Республика Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб Марказига жўнатилади.

Шундай қилиб, банкнинг вакиллик ҳисобварағи бу-тижорат банкига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб Марказида очилган ҳисобварақ бўлиб, у банклараро ҳисоб-китобларини ўтказишга мўжаллангандир. Ушбу ҳисобварақ 21302 баланс ҳисобварағи бўйича очилади. Тижорат банкларининг филиалларига эса бош банкда банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун вакиллик ҳисобварағи 22204 баланс ҳисобварағи бўйича очилади.

Марказий банк Ҳисоб-китоб Марказида вакиллик ҳисобварақлари қуйидаги тамойилларга риоя қилган ҳолда юритилади:

1) Марказий банк Ҳисоб-китоб Марказида банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш амалиёт куни давомида амалга оширилади. Электрон тўлов хужжатининг муваффақиятли қайта ишланганлиги тасдиқланиши билан вакиллик ҳисобварағида акс эттирилади. Узатиладиган Электрон тўлов хужжатларида ҳимоя қилиш воситалари ёрдамида хатолар аниқланганда ёки Электрон тўлов хужжатларни қайта ишлаш имконияти бўлмаганда, улар қайтарилади (файлни қайта ишлашда - файл бутунлича қайтарилади) ва бу ҳақда Электрон квитанция берилади;

2) Электрон тўловлар банклардан фақатгина вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдигъи доирасида амалга оширилади,

агарда Марказий банк Ҳисоб-Китоб маркази ва банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳолат келишилмаган бўлса;

3) Банк банклараро Электрон тўловлар ўтказишга ўзининг Марказий банк Ҳисоб-Китоб Марказидаги вакиллик ҳисобварағи ва банкдаги тегишли ҳисобварағидаги айланма ва қолдиқ суммаларининг мувофиқлигини таҳлил қилгандан кейингина киришади.

Банклараро тўлов тизимида қўлланиладиган Электрон тўлов ҳужжатларининг таркиби ва тузилиши:

1) Банклараро тўлов тизимида Электрон тўлов ҳужжатлар қўлланилади.

2) Ҳар бир Электрон тўлов ҳужжат, ташаббускор банк томонидан жўнатиш учун тайёрланган ҳужжатни ва бенефитсиар банкда Электрон усул билан олинган ҳужжатни идентификация қилиш учун мўлжалланган тегишли код, яъни операция тури билан белгиланиши керак.

3) Маблағларни ўз вақтида ва тўғри ўтказиш мақсадида банкнинг масъул ходими Электрон тўлов ҳужжат тайёрлашда пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг барча реквизитларини тўғри киритиши керак;

4) Тўлов топшириқномасини (операция тури коди-+ 01), тўлов талабномасини (операция тури коди - 02), мемориал ордерни (операция тури коди- 06) ва инкассо топшириқномасини (операция тури коди- 11) киритишда қуйидаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак: ҳужжатнинг рақами; ҳужжатнинг санаси; тўловчининг номи; тўловчининг шахсий ҳисобварағи рақами; солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР); тўловчи банкнинг коди; тўловчи банкнинг номи; ҳужжатнинг суммаси (рақам билан); олувчининг номи; олувчининг шахсий ҳисобварағи рақами; олувчи банкнинг коди; олувчи банкнинг номи; ҳужжатнинг суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади); тўловнинг мақсади.

Тўлов мақсади қуйидаги маълумотлардан иборат бўлади:

а) тўлов нима учун ўтказилаётганлиги кўрсатилади;

б) шартнома, ҳисобварақ, товар-транспорт ҳужжатлари, кўрсатилган

хизматлар ва бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб қилишда ишни қабул қилиш далолатномаси ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар, маҳсулот ким орқали жўнатилганлиги тўғрисидаги ишончноманинг рақами ва санаси кўрсатилади. Ижро ҳужжатлари бўйича инкассо топшириқномасида ундириб олиш учун асос бўлаётган ижро ҳужжатининг рақами, санаси ва номи кўрсатилади. Қонунчиликка мувофиқ айрим тўловчиларга "тўлов мақсади" реквизитида нима мақсадда тўлов ўтказилаётганлиги тўғрисида маълумот кўрсатилмаслиги мумкин.

5) Аккредитив учун ариза (операция тури коди-05)ни киритишда қуйидаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак: аккредитив номери; аккредитивни ёзиш санаси; тўловчининг номи; тўловчининг ҳисобварақ рақами; солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР); эмитент банкнинг номи; эмитент банк (ташаббускор банк)нинг коди; аккредитив суммаси рақам билан; етказиб берувчининг номи; етказиб берувчининг ҳисобварағи рақами; аккредитивни ижро этувчи банкнинг номи; аккредитивни ижро этувчи банк (бенефитсиар банк)нинг коди; аккредитив суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади); аккредитив муддати.

Аккредитив шартлари:

- а) Аккредитив тури;
- б) Товар (маҳсулот), хизматнинг номи;
- в) Аккредитив бўйича тўловларни амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатнинг номи.

Марказий банк Ҳисоб-китоб Маркази томонидан банкнинг вакиллик ҳисобварағи дебетига ёки кредитига маблағ хато ўтказилганда, Марказий банк Ҳисоб-Китоб Марказининг амалиёт куни давомида банкка хато ўтказилган тўловлар тўғрисида хабарнома жўнатиши керак. Банк, Марказий банк Ҳисоб-китоб Маркази дан хабарномани олганда, дарҳол шу амалиёт кунининг ўзидаёқ, вакиллик ҳисобвараққа хато ўтказилган маблағларни қайтаришни амалга ошириши керак.

Ташаббускор банкнинг айби билан Электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у бенефитсиар банкка хато ўтказилган тўлов тўғрисидаги маълумотни кўрсатган ҳолда, хато ўтказилган маблағни қайтариш тўғрисида хабарнома жўнатади. Бу ҳолда, хато ўтказилган маблағни қайтарилмаслигидан қатъи назар, ташаббускор банк маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт.

Қуйида Электрон ҳужжатлар узатиш, қайта ишлаш графиги билан таништирамиз:

Соат 8-00 дан 16-00 гача бўлган даврда банклар вакиллик ҳисобварағининг олдинги кун ниҳоясидаги ҳолати тўғрисида маълумот узатадилар. Олинган маълумотлар Ахборотлаштириш бош марказида банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари қолдигъи ва айланмаларининг банклардаги тегишли ҳисобварақлари билан мувофиқлиги назоратидан ўтади ва бу ҳақда банкка Электрон квитантсия узатилади. Бир хил бўлган ҳолда, банк ишлашга тушади, мос келмаса - банк улар сабабини аниқлайди ва бартараф этади.

Агар банк форс-мажор ҳолатлари бўйича бир ёки бир неча кун ишламаган бўлса, у Ахборотлаштириш бош маркази билан ишни бошлашдан олдин, ўтган қайта ишланмаган кунларда тўпланиб қолган барча Электрон тўлов ҳужжатларни қабул қилиши ва қайта ишлаши, жорий куннинг бошига вакиллик ҳисобварағининг ҳолатини аниқлаши ва фақат шундан кейингина ишни бошлаши шарт.

Соат 9-00 дан 16-00 гача - банклараро ҳисоб-китоблар бўйича Электрон тўлов ҳужжатларни узатиш - қабул қилиш - назорат қилиш вақти.

1) Банклар мазкур даврнинг ҳар қандай вақтида Марказий банк Ҳисоб-китоб Марказига Электрон тўлов ҳужжатларни узатишлари мумкин.

2) Жўнатишга мўлжалланган Электрон тўлов ҳужжат назоратдан ўтади, банкнинг Электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, шифрланади ва

банк телекоммуникатсия тармоғи бўйича Марказий банк Ҳисоб-Китоб Марказига бундан кейинги қайта ишлашлар учун узатилади.

Соат 17-00 гача Республика бюджети ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тегишли ҳисобварақларига маблағларни ўтказиш бўйича Электрон тўлов ҳужжатларни узатиш амалга оширилади. Бунда соат 16-30 гача тижорат банклари ўртасидаги, соат 17-00 гача еса - тижорат банкларидан Марказий банк ҳамда Халқ банкига, шунингдек Марказий банкдан юборилган Электрон тўлов ҳужжатларни қайта ишланилиши якунланади.

Соат 17-00 дан Ахборотлаштириш бош маркази банкларга куннинг якунланиши ва яроқсиз (брак) деб топилган Электрон тўлов ҳужжатлар тўғрисида (ташаббускор банк ва бенефициар банк бўйича) хабарнома жўнатади.

Шундан кейин Ахборотлаштириш бош марказида "Куннинг якунланиши" босқичи амалга оширилади. Марказий банк Ҳисоб-Китоб Марказида қуйидагилар "Куннинг якунланиши" босқичини бажарилишининг шартлари ҳисобланади:

а) банклардан Электрон тўлов ҳужжатни қабул қилиш вақтининг тугаши;

б) Марказий банк Ҳисоб-Китоб Марказига узатилган барча Электрон тўлов ҳужжат қайта ишланган ва банкларнинг тегишли вакиллик ҳисобварақларида акс эттирилган бўлиши керак.

Банкларда "Куннинг якунланиши" босқичининг вақти банкнинг ички тўлов тизими қоидаларига мувофиқ мустақил равишда белгиланади.

"Куннинг якунланиши" босқичи чиқиш шакллари чикариш, маълумотларни архиватсиялаш ва тизимни навбатдаги куннинг бошланишига тайёрлаш билан биргаликда боради.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ҳисоб-китоб маркази бу- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб-китоблар бошқармасининг бўлими бўлиб, унинг функциясига банкларнинг вакиллик

ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш ва банклараро ҳисоб-китобларнинг узликсизлигини таъминлаш киради.

Ҳисоб-китоб Маркази Электрон тўлов тизимига уланган тижорат банклари билан белгиланган вақт давомида алоҳида тармоқ орқали ахборот алмашиш тартибида иш олиб боради. Электрон тўлов тизими бўйича иш куни бошланишидан банкларнинг ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақларининг колдиклари ва оборотлари қийматининг мослиги таҳлил қилингандан сўнг банкларга тизимда ишлашга рухсат етилади. Файлларни қабул қилиш қайта ишлаш ва назорат қилиш, жўнатиш автоматик режимда сеанслар бўйича амалга оширилади.

Банклардан келган ҳар бир Электрон файл бир дақиқа интервал билан қайта ишлаб турилади. Келган ҳар бир файл ички назоратдан ўтказилади текширувдан муваффақиятли ўтган файл ҳисоб-китоблар марказида қайта ишлашга рухсат етилади. Келиб тушган тўлов турига қараб ХКМда бухгалтерия проводкалари амалга оширилади. Лекин текширув жараёнида бирор бир ёзувида хато чикса ҳам файл тўлиғича банкка қайтарилади.

Илгари Ҳисоб-китоб марказида банклараро оборотларни ўтказиш учун бир қатор ҳисоб варақлар юритилар еди. 2003 йил сентябр ойидан бошлаб турли типдаги бош банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб маркази орқали ўтказила бошлади, бошқа вилоятлардаги ҳисоб-китоб марказларининг фаолияти тўхтатилди. Бир банкка қарашли филиаллар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бош банк томонидан ташкил етила бошлади. Биз турли типдаги банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китобларни ўтказиш тартиби билан танишиб чиқамиз.

Бош банклар ўртасида банклараро ҳисоб-китобларни ўтказиш учун Марказий банк қошида очилган Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб Марказида 27416 баланс ҳисобварағи ажратилган. Тижорат банкларидан Электрон ҳужжатларни қабул қилиб олган ҳисоб-китоб Маркази уларни банклар бўйича саралайди. Бу ҳужжатларнинг ўзи алоҳида дебет ва кредит

хужжатларига бўлинади. Шундан кейин, дебет хужжатлари бўйича алоҳида, кредит хужжатлари бўйича алоҳида бухгалтерия ёзувлари ўтказилади. Дебет хужжатлари бўйича дастлаб қуйидаги проводка ўтказилади.

Дебет 27416 “Банклараро ҳисоб-китоблар”

Кредит 21302 “Тижорат банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи” ТБ А

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги жавоб проводкаси ўтказилади.

Дебет 21302 “Тижорат банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи” ТБ Б

Кредит 27416 “Банклараро ҳисоб-китоблар”

Бу икки ёзув орқали биз 27416- ҳисобварағининг транзит ҳисобварақ еканлиги ва бир вақтнинг ўзида ёпилишини кўриш мумкин.

Ҳисоб-китоб Марказларига тижорат банкларига тушадиган хужжатларнинг асосий қисми кредит хужжатларидир. Кредит хужжатлари бўйича ҳам ҳисоб-китоб марказларида бухгалтерия ёзувлари ўтказилади.

Бош банк ўз филиалларидан келган Электрон тўловларни қайта ишлаб ўзининг ягона вакиллик ҳисобварағи орқали Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб марказига модем алоқаси орқали жўнатади. Бу операция бўйича бош банкда қуйидаги бухгалтерия амаллари бажарилади:

Дебет 22204 “Филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар” А филиал

Кредит 10301 “Бош банкнинг вакиллик ҳисобварағи” А банк

Ҳисоб-китоб маркази бир тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағида пул маблағларининг камайиши бўйича ушбу бухгалтерия ёзувини бажаради:

Дебет 21302 ТБ “А”

Кредит 27416

Иккинчи тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағида пул маблағларининг кўпайиши бўйича проводка қуйидаги кўринишда бўлади:

Дебет 27416

Кредит 21302 ТБ

Тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш ва бу вакиллик ҳисобварағига маблағларни ўтказиш ҳар бир келиб тушган ёзувнинг қайта ишлаш жараёни билан бир вақтда амалга оширилади, шунинг учун барча тўлов ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида 27416 ҳисобварағининг ҳам дебети, ҳам кредити бўйича акс эттирилади.

Бу ҳол ҳар бир операция бўйича ва мос равишда кун якунлари бўйича 27416 - ҳисобварағининг автоматик равишда ёпилишига олиб келади, 27416-ҳисоб рақамининг 0 га ёпилиши тижорат банклари ўртасида ҳисоб-китобларнинг муваффақиятли якунланганлигини кўрсатади.

Турли типдаги бош тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағи бўйича чиқариладиган кўчирмаларда 27416 - шахсий ҳисобварақда ва ўтказмалар журналида акс эттирилади.

Ҳисоб-китоб марказидан Электрон тўлов маблағ олувчи Бош банкка ўтказилади. Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича Электрон тўлов Бош банкка келиб тушганда дастурий йўл билан қуйидаги ёзувлар бажарилади:

Дебет 22204 “Филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар”Б филиал

Кредит 10301 “Бош банкнинг вакиллик ҳисобварағи” Б банк

Республикамизда тўлов тизими йил сайин, такомиллашиб бормоқда. Бу эса банклараро ҳисоб-китобларни ўтказиш технологияларига қатор ўзгаришларни киритилишни тақозо қилмоқда. Банклараро ҳисоб-китоблар ҳам мазмунан, ҳам сифат жиҳатидан аввалги йилларига нисбатан ўзгармоқда.

Барча ҳисоб китоблар банклар орқали ўтказилади. Пул ўтказувчи ва пул олувчи томонлар бир банкнинг мижозлари бўлиб, улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бир банкда бошланиб, шу банкнинг ўзида якунланади, яъни бир корхона ҳисобварағидан пул маблағлари суммаси камайиб, ушбу сумма иккинчи корхона ҳисобварағига ўтказиб қўйилади.

Ҳисоб китоблар кўпинча бир банкдан ташқарига ҳам чиқиши мумкин.

Бу ҳолларда ҳисоб китоблар бир банк тизими ичида бўлиши мумкин, масалан, фақат Саноатқурилишбанки ичида. Бундай ҳолда, Саноатқурилиш банкининг бирор филиали ушбу банкнинг бошқа филиали билан ҳисоб-китобларни ўтказди.

Шу билан бирга турли банклар ўртасида ҳам ҳисоб-китоблар юзага келиши мумкин. Масалан, Ўзсаноатқурилишбанки банки билан ОАТБ “Агробанк”и ўртасида банклараро ҳисоб китоблар ўтказилади. Бу ҳолда пул тўловчи корхона Ўзсаноатқурилишбанкнинг мижози бўлса, пул оловчи корхона еса, ОАТБ “Агробанк”нинг мижози бўлади. Улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар Саноатқурилишбанки ва Агробанки орқали амалага оширилади.

Шундай қилиб, барча ҳисоб-китобларни 3 гуруҳга бўлишимиз мумкин.

1. Бир банк филиали ичидаги ҳисоб-китоблар
2. Бир банк ичидаги филиаллараро ҳисоб-китоблар
3. Турли банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар

Бу уч гуруҳ ҳисоб-китобларда тўловларни ўтказиш технологияси турлича бўлиб уларни ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

а) Бир банкнинг мижозлари бўлган субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ўтказиш технологияси

Бир банкнинг мижозлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар шу банкнинг ўзида ўтказилади. Бу ҳолда банклараро ҳисоб-китоблар вужудга келмайди.

Тўловчи ва оловчи ўртасида шартнома имзолангандан сўнг, тўловчи ўз банкига топшириқнома топширади. Банк топшириқномага асосан, тўловчининг ҳисобварағидан пулни ўтказди ва бу ҳақда сотувчи ва тўловчига шахсий ҳисобварақдан кўчирма беради. Сотувчи тўловчига маҳсулот жўнатади. Шундай қилиб, ҳисоб-китоблар тез ва осон яқунланади.

Энди бир банк тизимидаги филиаллараро ҳисоб-китобларни кўриб чиқамиз.

- б) Бир банкка тегишли филиаллар ўртасидаги банклараро ҳисоб-

китоблар бир банк филиаллари ўртасида ҳисоб-китоблар дебет ҳужжатлари бўйича алоҳида, кредит ҳужжатлари бўйича алоҳида бухгалтерия проводкалари ёрдамида бажарилади. Пул маблағларини ўтказиш аввало тўловчи банк филиалида амалга оширилади. Бунда тўловчи корхона ҳисобварағидан маблағлар ҳисоб-китоб ҳужжатида кўрсатилган суммага камайтирилади. Ушбу банкдан пул маблағлари чиқиб кетаётганлиги сабабли, банк филиалининг банклараро ҳисоб-китоблар ҳисобварағи ҳам камайтирилади. Бу операция қуйидаги бухгалтерия проводкаси ёрдамида ифодаланади.

Дебет 20200 Тўловчи миқдорнинг ҳисобварағи

Кредит 16103 Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинган ҳисобварақлар.

Бош банк ахборотни қабул қилиши билан дастурий йўл билан филиаллар ўртасида маблағларни ўтказиш бўйича бухгалтерия проводкаларини бажаради, яъни бир банк филиалининг вакиллик ҳисобварағидан иккинчи банк филиалининг ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилади. Бу операция қуйидаги бухгалтерия проводкаси орқали бажарилади.

Дебет 22204 «А» филиали

Кредит 22204 «Б» филиали

Бу проводка инитсатор банк ҳисобварағидаги пул маблағлар бенифитсдор банкнинг ҳисобварағига ўтказилганини билдиради.

Бенифициар банк бош банкдан ўзига тегишли бўлган пул маблағларини қабул қилганда дастурий йўл билан қуйидаги бухгалтерия проводкасини бажаради.


Дебет 16103 «Банклараро ҳисоб-китоблар» бўйича олинган ҳисобварақлар.

Кредит 20200 Пулни оловчи корхонанинг талаб қилинганга сақланган депозит ҳисобварағи.

Юқоридагиларни қуйидаги схема орқали яққолроқ кўриш мумкин.

1-чизма

Бир банкнинг турли филиалларнинг миждозлари ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ўтиш технологияси⁹



Тўловларни ўтказиш ва қайта ишлаш автоматик тарзда бажарилади. Бош банк филиалларнинг ҳисобварағларида пул маблағларининг етарлилигини назорат қилади, маблағлар етмаганда маблағ билан таъминлаш усуллари ишлаб чиқади

в) Турли банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар

Амалиётда кўп ҳолларда икки турли банкларнинг миждозлари бир - бирлари билан ҳўжалик муносабатларини ўрнатадилар бу эса, ушбу банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китобларни ўтказишда банк типи ва банк кодига алоҳида эътибор берилади.

Бош банк Электрон тўловларни қайта ишлаб ягона вакиллик ҳисобварағи орқали бенифитсиор банкка жўнатади. Бош банкда бу операциялар дастурий йўл билан қуйидаги проводка билан ифодаланади.

Дебет 22204 Филиалларга, филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар

Кредит 10301 Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи

⁹ Муаллиф томонидан тайёрланди

Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича Электрон тўловлар келиб тушганда тўловни олувчи Бош банкда дастурий йўл билан ушбу проводка бажарилади.

Дебет 10301

Кредит 22204


Филиаллар банклараро операциялар бўйича Электрон тўловлар келиб тушганда дастурий йўл билан миждознинг ҳисобварағига маблағни тушириш бўйича қуйидаги проводкани бажаради

Дебет 16103

Кредит 20200 пул олувчи миждознинг ҳисобварағи

Бош банкда клиринг натижалари бўйича якунлаш операциялари автоматик тарзда ўтказилади. Ягона балансга ўтганда 16103 ва 22204 ҳисобварақлар ўзаро ёпилади.

Турли банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб маркази орқали бажарилади. Бу операцияларни қуйидаги чизма орқали қўриш мумкин.



Юқоридаги чизмада турли банкларнинг миждозлари ўртасидаги ҳисоб-

¹⁰ Меъёрий ҳужжатларга асосан муаллиф томонидан тайёрланди.

китобларнинг 2 та Бош банк, яъни Ўзсаноатқурилишбанк ҳамда Агробанк орқали ўтиш тартиби кўрсатилган. Турли банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар схемада кўриб турганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб маркази орқали ташкил этилади.

Ахборотларни муҳофаза қилишда Электрон имзо ва шифрация калитлари алоҳида ўрин тутати. Электрон имзо ва шифрация калитлари ёпиқ турдаги Электрон ахборотларнинг аслига тўғрилигини таъминлаш ва ташқи мухит таъсиридан муҳофазалаш мақсадида қўлланилади. Банкнинг бош бухгалтерида Электрон имзоси Электрон идентификатор ёки бошқа турдаги махсус қурилма бўлиши керак. Марказий банк Электрон тўлов тизими орқали узатилаётган ёпиқ турдаги Электрон ахборот махсус техник дастурий муҳофазалаш қурилмаси ёрдамида Электрон имзо ва шифрация калитлари қўлланилган ҳолда муҳофазаланади.

Электрон имзо ва шифрация калитлари Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг ваколатга эга бўлган бўлими томонидан махсус техник дастурлар ёрдамида вужудга келтирилади.

Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг ваколатга эга бўлган бўлими томонидан Электрон имзо ва шифрация калитлари тарқатилиши ҳақида банк раҳбарларига олдиндан хат берилади. Ушбу хатда Электрон имзо ва шифрация калитлари тарқатилиши ва ишга туширилишининг муддатлари кўрсатилган бўлиши керак.

Электрон имзо ва шифрация калитларини созлаш ишлари ҳам амалга оширилади. Шифрловчи ва Электрон имзо билан тасдиқловчи махсус техник дастурий мажмуа ёпиқ турдаги Электрон ахборотларни қайта ишловчи ёки ахборотни Электрон тўлов тизими орқали узатувчи ва қабул қилувчи дастур таркибида ишлаши банкларда дастур ишлаб чиқувчилар томонидан таъминланади. Белгиланган даврда Электрон имзо ва шифрация калитлари ўзгартирилганда созлаш ишларини амалга ошириш банк ходимлари, дастурчи операторлар томонидан қўлланилаётган тегишли дастурнинг

йўриқномаси асосида амалга оширилади.

Марказий банк Электрон тўлов тизими орқали амалга ошириладиган ёпиқ турдаги Электрон ахборотлар Электрон имзо билан тасдиқланган ва имзоланган бўлиши шарт.

Электрон имзо тасдиқланмаган ёпиқ турдаги Электрон ахборотлар ишлаш учун қабул қилинмайди. Электрон тўлов тизими иштирокчиси ўзидан жўнатилган ёпиқ турдаги Электрон ахборотни Электрон имзосиз ёки Электрон имзо мос келмаганлиги ҳақида маълумот олганда, зудлик билан муаммони ҳал қилиши ва ёпиқ турдаги Электрон ахборотларни қайтариши лозим.

Банкнинг бош бухгалтерининг Электрон имзоси ва захира Электрон имзоси сейфда сақланиши шарт. Электрон архивлар учун жавобгар шахс муддати тугаган ёки кучини йўқотган шифрация калитларини ташқи сақловчи қурилмага кўчириб уни архивлаштириши шарт бўлиб ҳисобланади.

Банкнинг бош бухгалтери Марказий банкдан олган янги Электрон имзолари кучга киргунга қадар ескисидан фойдаланиб турадилар. Ёпиқ турдаги Электрон ахборотларни тегишли Электрон имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаганда, масалан, Электрон имзо бузилгандан, бош бухгалтер Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг ваколатга ега бўлган бўлимига аввал телефон орқали, сўнг ёзма равишда хабар беришлари талаб этилади. Бундай маълумотномада Электрон имзонинг бузилиш сабаблари кўрсатилади. ва захира дискеткаси ёки захира Электрон идентификатордан фойдаланишга рухсат сўралади. Захира дискеткаси ёки захира Электрон идентификатордан 3 кундан ортиқ фойдаланишга рухсат берилмайди.

Электрон ҳужжатдаги Электрон рақамли имзо айти бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя қилинган тақдирда қоғоз ҳужжатга қўлда ёки ўзи қўйган имзо билан бир хил аҳамиятга эга бўлиб саналади:

1. Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган бўлса.
2. Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган пайтда ёки

имзолаш пайтини белгиловчи далиллар бўлганда Электрон хужжат имзоланаётган пайтда Электрон рақамли имзо калитининг сертификати амал қилиб турган бўлса.

3. Электрон рақамли имзодан Электрон рақамли имзо калитининг сертификатида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилаётган бўлса.

Электрон рақамли имзо воситалари Электрон хужжатда Электрон рақамли имзонинг яратилиши, Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигининг тасдиқланиши, Электрон рақамли имзонинг ёпиқ ва очик калитлари яратилишини таъминлайдиган барча техникавий ва дастурий воситаларидан иборат бўлади. Электрон рақамли имзонинг очик ва ёпиқ калитлари мавжуд бўлиб, ушбу очик ва ёпиқ калитлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан ёки уларнинг мурожаатига биноан рўйхатга олиш маркази томонидан Электрон рақамли имзо воситалари ёрдамида яратилиши мумкин.

Электрон рақамли имзони яратган, яъни Электрон хужжатга имзо қўйган ва рўйхатга олиш маркази томонидан унинг номига Электрон рақамли имзо калити ва сертификати берилган жисмоний шахс Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси бўлади.

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигининг тасдиқлаш учун Электрон рақамли имзо очик калитидан фойдаланаётган юридик ва жисмоний шахслар Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси бўлади. Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси Электрон рақамли имзонинг очик калити Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилигини ва Электрон рақамли имзо ҳақиқийлигини текшириш учун Электрон рақамли имзо калитини берган рўйхатга олиш марказига мурожаат етиши, Электрон рақамли имзо ҳақиқийлиги тасдиқланмаган холлар ҳақида Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига хабар беришга ҳақли.

Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси Электрон

рақамли имзонинг ёпиқ калити егасининг шахси тўғрисидаги маълумотлар муҳофаза қилинишини таъминлаши керак.

2.3. Пластик карточкалар тизими ва уларнинг таснифи.

Ягона умумреспублика Процессинг Маркази Банклар ахборотлаштириш технологияси ва электрон тўлов тизимлари «Пластик-Карт» банклараро инновация компанияси (БИК) Ўзбекистон Банклар Ассоциациясининг 1996 йил 20 ноябрдаги Қарорига асосан Республика тижорат банкларида пластик карточкалар фаолиятларига хизмат кўрсатиш мақсадида 1996 йил 29 ноябрда Тошкент шаҳар Мирзо-Улугбек туман Ҳокимиятида Ўзбекистон Банклар Ассоциациясининг шуъба корхонаси сифатида рўйхатга олинган.

2002 йил бошида тасдиқланган режа-графикга асосан ТИФ Миллий банкидан маълумотлар базасини “Пластик-Карт” БИК Процессинг марказига олиб ўтилган ва 2002 йил январида “Пластик-Карт” БИК базасида Процессинг маркази ўз фаолиятини бошлаган.

Ягона умумреспублика процессинг маркази 2004 йил 14 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24 сентябр 2004 йилдаги “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 445-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси қошида ташкил этилди, унинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон молия бозорида илғор банк ахборот технологиялари ва электрон тўлов воситаларини комплекс ва мақсадли йўналтиришни ташкил этиш.

- пластик карт қўлланилувчи нақд пулсиз миллий тўлов тизимини яратиш ва уни Халқаро тўлов тизимлари билан интеграциялаш (Visa MasterCard, American Express, Diners Club, JCB ва бошқалар)

- пластик карт асосида нақд пулсиз тўлов тизимини жорий этишда тижорат банкларига ёрдам кўрсатиш.

- маркетинг ишларини олиб бориш, электрон тўлов воситалари ва банк ахборот технологияларини жорий этишда узоқ муддатли стратегик дастурни ишлаб чиқиш. Пластик карт асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тўлов тизими бўйича меъёрий маълумотлар ва меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

- халқаро молия институтлари ва тўлов Ассоциациялари, шунингдек тизим интеграторлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантириш комплекс дастурини тадбиқ этишда тижорат банкларига ёрдам кўрсатиш ва Вазирлар Маҳкамасининг 24 сентябр 2004 йилдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 445-сонли қарорини бажаришда Ягона умумреспублика процессинг маркази фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

1. Банк мутахассисларини пластик карт билан ҳисоб-китоб қилиш автоматлаштирилган нақд пулсиз тўлов тизими бўйича ўқитиш.

2. Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш банк тизими лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш комплекс ишларини амалга ошириш, техникавий ишчи лойиҳа ва маркетинг дастурини ишлаб чиқиш. Шунингдек, техникавий топшириқ, техникавий ишчи лойиҳа техник иқтисодий асос банкнинг ички меъёрий инструктив ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

3. Ягона умумреспублика процеснинг марказини тижорат банкларга пластик карт бўйича хизмат кўрсатиши.

4. Нақд пул ишлови билан боғлиқ иш жойларни комплекс автоматлаштириш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича бажариладиган ишлар.

5. Локал – ҳисоблаш ва терминал тармоқлари, ҳисоблаш техника воситаларига дастурий-техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш.

6. Пластик карт асосида кириш – чиқишни чеклаш бошқарув тизими лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича комплекс ишларни

бажариш.

7. АЁҚШ ва сиқилган газ станцияларда ёнилғи мойлаш материалларини сотишда пластик карт асосида ишлайдиган автоматлаштирилган тизими лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишларини бажариш.

Ягона умумреспублика процессинг марказининг бизнес ҳамкорлари: Visa international – CEMEA ва MasterCard international Халқаро тўлов Ассоциациялари, HYPERCOM EUROP LIMITED, INC. Халқаро корпорацияси, Швеция-Финляндиянинг Tieto Enator корпорацияси, Англиянинг Card Tech Limited компанияси, Американинг ACI WORLDWIDE компанияси, Австриянинг BGS SMARTCARD SYSTEMS AG компанияси, Швейцариянинг VERYSELL S.A. компанияси, Россиянинг “Платёжное технологии” ЁАЖ компанияси ва бошқалар.

Пластик карточкалар бўйича банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар қуйидаги вариантларни кўзда тутди:

а) ҳисоб-китобларни амалдаги электрон тўловлар тизими (ЭТТ) орқали умумий асосда ўтказилади;

б) кун давомида ўзаро мажбуриятларни якуний мажбурий ҳисоб-китоби ва якуний ҳисоб-китоблар суммасини тижорат банкларининг корреспондент счётлари орқали ҳисобга ўтказиш ёрдамида ҳисоб-китоблар иштироқчилари томонидан ташкил қилинган процессинг марказлар орқали ҳисоб-китобларни ўтказиш.

ЭТТ орқали пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ўтказилган операциялар бўйича умумий ҳисоб-китоблар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) банк-эмитент томонидан ўтказилган авторизация ҳисоб-китобларда:

а) пластик карточкаларни ишлатиш орқали тузилган хизмат кўрсатилаётган савдо ёки сервис хизмати корхоналаридан олинган электрон ҳужжатлар асосида банк-эквайер унинг счётига маблағларни ўтказди, бунда автоматик тарзда дебетли электрон мемориал ордер шаклланади ва электрон

тўловлар тизими орқали банк-эмитентга жўнатилади;

б) банк-эмитентда дебетли электрон мемориал ордер асосида дастурий тарзда мижознинг карточка счётида маблағлар ҳисобдан чиқарилади. Дебетли электрон мемориал ордер қоғозга чиқарилади ва кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

2) банк-эмитент томонидан мажбурий равишда олдиндан авторизация қилинган ҳисоб-китобларда:

а) технологиялардан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ пластик карточкаларни ишлатиш орқали тузилган хизмат кўрсатилаётган савдо ёки сервис хизмати корхоналаридан олинган электрон ҳужжатлар асосида банк-эквайерда автоматик тарзда электрон хабарнома шаклланади ва проводкаларни авторизация қилиш ва амалга ошириш учун ЭТТ орқали банк-эмитентга жўнатилади;

б) банк-эмитент олинган электрон хабарнома асосида транзакцияни авторизация қилади, электрон тўловлар тизими бўйича савдо ва сервис хизмати корхоналарининг талаб қилиб олинувчи депозит счётига маблағларни ўтказиш учун банк-эквайерга электрон тўловлар тизими бўйича юбориладиган мижознинг карточка счётидан маблағларни ҳисобдан чиқариш учун электрон мемориал ордерни автоматлашган ҳолда шакллантиради;

в) банк-эмитентдан олинган электрон мемориал ордер асосида банк-эквайерда савдо ва сервис хизмати корхоналарининг талаб қилиб олинувчи депозит счётига маблағларни ўтказиш амалга оширилади. Мемориал ордер қоғозга чиқарилади ва банкнинг кунлик ҳужжатлари йиғмасига тикилади.

Процессинг марказлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) кун давомида пластик карточкалар бўйича барча операциялар ҳисоб-китоблар иштирокчилари томонидан тасдиқланган тартибда процессинг маркази орқали амалга оширилади ва ҳисоб-китобларнинг иштирокчиси бўлган ҳар бир банк учун очилган алоҳида шахсий счётларда акс эттирилади;

б) ҳисоб-китоб иштирокчиларининг келишувига биноан якуний суммалар (мажбуриятлар) Марказий банкнинг ҳисоб-китоб марказларида очилган ва шартномада қайд этиб ўтилган даврийлик билан тижорат банкларини корреспондентлик счётлари орқали ўтказилади;

в) процессинг марказдан олинган маълумотлар асосида банклар пластик карточкалардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича миқдорнинг счётига маблағларни ўтказиш ёки ҳисобдан чиқаришни амалга оширадилар.

8-жадвал.

Тижорат банклари томонидан 2011 йил 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида чиқарилган пластик карточкалар сони тўғрисида маълумот¹¹

№	Худуд номи	Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони			
		01.01.2011	Ҳақиқатда	Фарқи(+,-)	Бажарилиш фоизи
1	Қорақалпоғистон Рес.	391 767	398 136	6 369	101,6
2	Андижон вилояти	550 500	561 415	10 915	102,0
3	Бухоро вилояти	450 400	459 605	9 205	102,0
4	Жиззах вилояти	300 100	318 089	17 989	106,0
5	Қашқадарё вилояти	570 500	576 739	6 239	101,1
6	Навоий вилояти	420 100	425 875	5 775	101,4
7	Наманган вилояти	450 100	454 607	4 507	101,0
8	Самарқанд вилояти	620 900	639 996	19 096	103,1
9	Сирдарё вилояти	250 100	260 122	10 022	104,0
10	Сурхондарё вилояти	365 869	403 185	37 316	110,2
11	Тошкент вилояти	616 573	632 541	15 968	102,6
12	Фарғона вилояти	671 697	714 221	42 525	106,3
13	Хоразм вилояти	316 416	361 412	44 996	114,2
14	Тошкент шаҳри	1 603 454	1 703 427	99 974	106,2
Жами Республика бўйича:		7 578 475	7 909 370	330 895	104,4

2011 йил 1 январь ҳолатига Республика бўйича жами 7 909 370 та пластик карточкалар чиқарилган ва режага нисбатан 330 895 та ёки 104,4 фоизга ортиғи билан бажарилган. Пластик карточкаларнинг сони бўйича Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятлари етакчилик қилмоқда. Кейинги ўринларни эса Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари эгаллайди. Бажарилиш фоизи бўйича эса Хоразм, Фарғона вилоятлари ва

¹¹ www.cbu.uz

Тошкент шаҳри етакчилик қилмоқда.

Терминал – бу банк карточка эгасига тўлов операцияларини амалга ошириш имкониятини берувчи ва бажарилган операциялар бўйича «слип», яъни чекларни шакллантирувчи қурилма.

9-жадвал.

Тижорат банклари томонидан 2011 йил 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида ўрнатилган терминаллар сони тўғрисида маълумот¹²

№	Ҳудуд номи	Терминаллар сони			
		01.01.2011	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)	Бажарилиш фоизи
1	Қорақалпоғистон Рес.	4 601	4 510	-91	98
2	Андижон вилояти	7 362	7 392	30	100
3	Бухоро вилояти	6 007	5 995	-12	100
4	Жиззах вилояти	2 872	2 885	12	100
5	Қашқадарё вилояти	6 340	6 350	10	100
6	Навоий вилояти	5 371	5 376	5	100
7	Наманган вилояти	5 844	5 856	12	100
8	Самарқанд вилояти	6 197	6 216	19	100
9	Сирдарё вилояти	3 620	3 630	10	100
10	Сурхондарё вилояти	4 001	4 014	13	100
11	Тошкент вилояти	6 503	6 526	23	100
12	Фарғона вилояти	7 965	7 903	-63	99
13	Хоразм вилояти	5 088	5 104	16	100
14	Тошкент шаҳри	13 889	13 983	94	101
Жами Республика бўйича:		7 578 475	85 661	85 741	80

2011 йил 1 январь ҳолатига Республика бўйича жами 85 741 та терминал ўрнатилган бўлиб, режага нисбатан 80 та ортиғи билан бажарилган. Терминаллар ўрнатилиши бўйича фақатгина Қорақалпоғистон, Бухоро ва Фарғона вилоятлари режани бажара олмаган бўлса, қолган барча вилоятлар режадан ортиғи билан бажарган.

Банкомат банк карточка эгасига ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тартибида карточкадаги маблағларни нақдлаштириш ва маблағларни карта ҳисоб варағидан карточка юклаш имкониятини берувчи, ҳамда бажарилган операциялар бўйича «слип»ларни шакллантирувчи қурилма ҳисобланади.

Оммавий ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи электрон тўлов-маълумот

¹² www.cbu.uz

терминаллари, яъни “инфокиосklar” автоматлаштирилган тартибда пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни узлуксиз амалга ошириш имкони беради. Инфокиосklar орқали пластик карточка эгалари турли хилдаги тўловларни, яъни коммунал ва солиқ тўловлари, уяли алоқа ва интернет хизматлари учун тўловларни амалга ошириши, карточкага маблағларни юклаши, ҳамда бошқа турдаги операцияларни амалга ошириши мумкин. Инфокиосklarнинг банкоматлардан асосий фарқи эса ушбу қурилма орқали карточкадаги маблағларни нақдлаштириш имконияти мавжуд эмас.

10-жадвал.

Тижорат банклари томонидан 2011 йил 1 январь ҳолатига ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони тўғрисида маълумот¹³

№	Банклар номи	Банкоматлар сони				Инфокиоскалар сони			
		01.01.11	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)	Бажарилган фоизи	01.01.11	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)	Бажарилган фоизи
1	ТИФ Миллий банки	122	112	-10	91,8	150	64	-86	42,7
2	Асака банки	35	35	0	100,0	35	35	0	100,0
3	Ипотекабанк	22	12	-10	54,5	59	44	-15	74,6
4	Алоқабанк	7	1	-6	14,3	16	6	-10	37,5
5	Агробанк	39	23	-16	59,0	100	31	-69	31,0
6	Ўзсаноатқурилишбанк	32	23	-9	71,9	53	7	-46	13,2
7	Савдогарбанк	11	3	-8	27,3	8	0	-8	0,0
8	Микрокредитбанк	16	10	-6	62,5	21	13	-8	61,9
9	Туронбанк	5	1	-4	20,0	10	17	7	170,0
10	Халқ банки	22	4	-18	18,2	67	11	-56	16,4
11	Қишлоқ қурилиш банк	9	1	-8	11,1	29	16	-13	55,2
12	Ҳамкорбанк	12	0	-12	0,0	38	3	-35	7,9
13	Ипак-йўли банки	5	1	-4	20,0	15	8	-7	53,3
14	Бошқа банклар	27	3	-24	11,1	60	7	-53	11,7
Жами Республика бўйича:		364	229	-135	62,9	661	262	-399	39,6

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан ўрнатилган банкоматлар ва инфокиоскалар сонини таҳлил қиладиган бўлсак, банкоматлар сони режага нисбатан 135 та кам ёки 62,9 фоизга бажарилган. Банкоматлар ўрнатилиши бўйича фақатгина ДАТ Асакабанк режани тўлиқ бажарган. Айрим банкларда эса бу ҳолат жуда паст, жумладан, Қишлоқ қурилиш банк, Алоқа банк, Ипак йўли банклари. Ҳамкорбанк умуман бажармаган.

¹³ www.cbu.uz

Инфокиоскалар сони бўйича ҳам аҳвол деярли бир хил, фақатгина ДАТ Асакабанк ва АТ Турон банклар режани тўлиқ бажарган. Режа бўйича 661 та ўрнатилиши керак эди, лекин 262 та ўрнатилган ва 399 тага кам ёки 39,6 фоизгина бажарилган, холос. Бу ҳолатлар албатта салбий ҳисобланади ва уни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши керак.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз раҳбарияти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган бир қатор қарорлар ҳам айнан ушбу пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб китоблар тизимини ривожлантиришга қаратилган. 2010 йилда банк тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва Қарорларида белгилаб берилган банк тизими барқарорлигини янада кучайтириш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларига қаратилди, ҳусусан:

- тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини ошириш;

- аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш тадбирларини кенгайтириш;

- банкларнинг инвестицион фаоллигини, ҳусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялашдаги ролини ошириш, банкрот ҳолатидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклашдаги иштирокини янада кучайтириш;

- аҳоли бандлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш борасидаги вазифалар ижроси таъминланди.

Шунингдек, банк муассасалари тармоғини кенгайтириш, мижозларга банк хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш ва уларнинг замонавий турларини жорий этиш, кредит ахбороти тизимини такомиллаштириш ва нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш, жумладан, пластик карточкалар орқали тўловларни ўтказиш тизимини такомиллаштиришга банк тизими фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида жиддий эътибор қаратилди ва бу борада сезиларли ишлар қилинди.¹⁴

11-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида пластик карточкалар орқали ўтказилган транзакциялар бўйича маълумот¹⁵

Кўрсаткичлар	01.01.2008	01.01.2009	01.01.2010	01.01.2011
Карточкалар умумий сони, бундан:	3711021	4498784	6042890	7909370
Ойлик иш хаки лойиҳаларидаги карточкалар сони	2001511	2610746	3546688	5152597
Корпоратив карточкалар сони	6358	7958	11295	19147
Корпоратив карточкалар сони (ЯТТлар учун)	-	1	2788	6873
Пластик карточкалар ҳ.в.га ўтказилган сумма (млрд.сўмда)	699,95	957,36	3842,17	9455
Карточкалар орқали ўтказилган тўловлар суммаси (млрд.сўм) бундан:	593,929	846,11	3286,47	6476
Савдода ўтказилган транзакциялар умумий суммаси	266,317	463,64	2302,45	5700
Пуллик хизмат кўрсатишда ўтказилган транзакциялар суммаси	-	-	129,209	-
Коммунал тўловлар учун ўтказилган транзакциялар суммаси	-	-	114,837	415
Карточкалар орқали олинган нақд пуллар суммаси	327,612	382,47	734,696	776
Пластик карточкалар ҳ.в қолдиқ маблағлар (млрд.сўмда)	76,472	150,64	485,78	1053
Битта карточкаларга тўғри келадиган ўртача қолдиқ маблағ суммаси (минг сўмда)	20,61	33	80,18	133
Битта карточка орқали савдода ўтказилган ўртача транзакция ҳажми (минг сўмда)	21,4	28	380,88	707
Битта карточка орқали олинган ўртача нақд пул суммаси (минг сўм)	101,87	133	125,26	120
Карточкалар орқали нақд пулни олиш коэффициенти (фоизда)	46,8%	40,0%	19%	8%

Мамлакатимиз тижорат банкларида пластик карточкалар бўйича ўтказилган транзакцияларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2010 йилда пластик карточкалар ҳисобварақларига ўтказилган сумма 9455 млрд сўмни ташкил

¹⁴ 2010 йилдаги макроиқтисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили (www.cbu.uz)

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари (www.cbu.uz)

этган. Карточкалар орқали ўтказилган тўловлар суммаси эса 6476 млрд сўмни ташкил этган ва 2008 йилга нисбатан 22,8 мартага ошган. Бунда энг катта салмоқни шубҳасиз савдо соҳаси эгаллайди ва унинг улуши 88,1 фоизни ташкил этади. Коммунал тўловлар учун ўтказилган транзакциялар ва пластик картачкалар орқали олинган нақд пуллар суммаси ҳам ўтган йилларга нисбатан анча ошган. Пластик картачкалар ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлар ўтган йилга нисбатан 2 баробарга ошган ва 1 053 млрд. сўмни ташкил этган. Битта картачкага тўғри келадиган ўртача қолдиқ маблағ 2007 йилда 12,88 минг сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 133 минг сўмни ташкил этган. Пластик картачкалар орқали нақд пулни олиш коэффициенти 2007 йилда 57,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб эса 8 фоизга тушиб қолган. Бу шундан далолат берадики, аҳолининг пластик картачкаларга бўлган ишончи ортган, унинг қулайликларини англаб етган ва хизмат кўрсатиш сифати ошганлигидадир. Пластик картачкаларга хизмат кўрсатишда албатта терминаллар тўлов тизимининг энг асосий элементларидан бири ҳисобланади.

12-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида терминаллар бўйича асосий кўрсаткичлар¹⁶


Кўрсаткичлар	01.01.2008	01.01.2009	01.01.2010	01.01.2011
Савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларининг умумий сони, бундан:	17 752	27504	60 631	85 741
Савдо пунктлари сони	15 661	25268	56 706	81 646
Банк хизмат пунктлари	2 091	2620	3 925	4 095
Банкоматлар сони	170	169	201	301
Инфокиоскалар сони			162	506
Битта ўрнатилган терминал орқали амалга оширилган ўртача транзакциялар ҳажми (млн.сўмда)	17,01	18	44,94	78

2008 йилда терминаллар сони 14 426 тани ташкил этган бўлса, 2012

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари (www.cbu.uz)

йилга келиб 6 мартага ошган ва 85 741 тани ташкил этган. Бунда савдо пунктларига 95 фоиз терминал тўғри келади. Банк хизмат пунктлари сонини бир маромда ўсиб боришини кўришимиз мумкин. Банкоматлар сони ҳам 2012 йилда 2008 йилга нисбатан 1,7 мартага ошган ва 301 тани ташкил этган. Инфокиоскалар сони охирги икки йилда кескин равишда ошган. Шунга мувофиқ битта терминал орқали оширилган ўртача транзакциялар ҳажми 78 млн. сўмни ташкил этган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2007 йилда атиги 7,93 млн. сўм, 2008 йилда эса 17,01 млн. сўм, 2009 йилда 18 млн. сўм, 2010 йилда 44,94 млн. сўмни ташкил этган.

1-диаграмма¹⁷



Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан чиқарилган пластик карточкаларнинг сони йил сайин жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. 2005 йилда уларнинг сони 2,1 млн. донани ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб эса 8,3 млн. тага яқинлашганлигини кўриш мумкин. Ўтган 6 йил ичида уларнинг сони 4,0 мартага ошган. Айниқса, охирги 2 йилда уларнинг ўсиши анча юқори ҳисобланади.

Пластик карточкалар ёрдамида тўловларни амалга ошириш учун тегишли аппарат ва дастурий таъминот бўлиши лозим. Ана шундай элементлардан бири терминал ҳисобланади.

2-диаграмма¹⁸

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди



Тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиш сифати ва қулайликларини ошириш мақсадида терминаллар сони йил сайин ошиб бормоқда. Айниқса, 2009 йил мобайнида унинг ўсиш суръати олдинги йилга нисбатан 2 мартадан кўпроқ ошган ва 6 0631 тани ташкил этган. 2011 йилда эса 1,65 мартага ошган 99688 тани ташкил этган.

Пластик карточкаларга хизмат кўрсатишнинг асосий воситаларидан яна бири банкоматлар ҳисобланади.

3-диаграмма¹⁹



Банкоматлар сони ҳам охириги йилларда анча ошганлигини

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари (www.cbu.uz)

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари (www.cbu.uz)

кузатишимиз мумкин. 2006-2009 йилларда уларнинг сони деярли ўзгармаган ва бир маромда сақланиб турган. Лекин охирги уч йилда 150 тага ошганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳолашимиз мумкин.

13-жадвал

**АТИБ Ипотекабанки бўйича 2011 йил 1 январь ҳолатига
вилоятлар кесимида миллий валютадаги пластик карточкаларга оид
маълумот, млн.сўм²⁰**

№	Вилоят номи	Тарқатилган карточкаларнинг умумий сони*	2011 йилда карточкалар орқали ўтказилган тўловлар сони	2011 йилда карточкалар орқали ўтказилган тўловлар суммаси
1	Қорақалпоғистон Р.	24973	444377	18 838,2
2	Андижон вилояти	50859	1338331	32 295,8
3	Бухоро вилояти	29584	1329195	41 252,3
4	Жиззах вилояти	23074	660827	19 879,7
5	Қашқадарё вилояти	23651	713437	24 040,0
6	Навоий вилояти	11517	2246805	48 104,5
7	Наманган вилояти	19497	694482	17 660,5
8	Самарқанд вилояти	32457	1348586	43 031,1
9	Сирдарё вилояти	9555	362280	9 384,5
10	Сурхондарё вилояти	19384	330768	18 968,3
11	Тошкент вилояти	141847	8612113	285 536,7
12	Фарғона вилояти	29587	1363139	30 942,8
13	Хоразм вилояти	25160	466622	18 614,0
14	Тошкент шаҳри	235314	10193204	291 387,8
	Жами	676459	30104166	899 936,1

АТИБ “Ипотекабанк” республикаимизнинг йирик банкларидан бири ҳисобланади. Банк томонидан тарқатилган пластик карточкаларнинг умумий сони 676 459 тани ташкил этган. Мазкур банкда 2010 йилда пластик карточкалар орқали ўтказилган тўловлар сони 30 104 166 тани ташкил этган. Бунда Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Фарғона вилоятлари етакчилик қилмоқда. Пластик карточкалар орқали ўтказилган тўловлар суммаси 899 936,1 млн. сўмни ташкил этган. Бунда

²⁰ АТИБ Ипотекабанк йиллик ҳисоботи маълумотлари, 2011 й.

асосий тўловлар Тошкент шаҳри (291,4 млрд. сўм) ва Тошкент вилояти (285,5 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда. Кейинги ўринларни мос равишда Навоий (48,1 млрд. сўм), Самарқанд (43 млрд. сўм), Бухоро (41,2 млрд. сўм) ва Андижон (32,3 млрд. сўм) вилоятлари эгаллаб турибди.

14-жадвал.

**АТИБ Ипотекабанки бўйича 2012 йил 1 январь ҳолатига
вилоятлар кесимида миллий валютадаги пластик карточкаларга оид
маълумот²¹, млн сўм**

№	Вилоят номи	Тарқатилган карточкаларнинг умумий сони*	Савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларининг умумий сони, бундан:	Савдо терминаллари сони	Банкоматлар сони	Инфокиосклар сони	Банк хизмат терминаллари сони
1	Қорақалпоғистон Р.	24973	140	122	0	2	16
2	Андижон вилояти	50859	291	275	0	2	14
3	Бухоро вилояти	29584	394	343	0	1	50
4	Жиззах вилояти	23074	188	165	0	2	21
5	Қашқадарё вилояти	23651	158	143	0	1	14
6	Навоий вилояти	11517	441	437	0	0	4
7	Наманган вилояти	19497	175	154	0	0	21
8	Самарқанд вилояти	32457	233	214	0	2	17
9	Сирдарё вилояти	9555	113	102	0	0	11
10	Сурхондарё вилояти	19384	159	142	0	1	16
11	Тошкент вилояти	141847	1274	968	1	8	297
12	Фарғона вилояти	29587	171	160	0	0	11
13	Хоразм вилояти	25160	167	144	0	0	23
14	Тошкент шаҳри	235314	2154	1374	8	25	747
	Жами	676459	6058	4743	9	44	1262

Ипотека банкда вилоятлар бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларининг умумий сони 6 058 тани ташкил этади. Унинг 56,6 фоизи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Бунда савдо терминаллари сони 4743 тани ташкил этгани ҳолда бунда юқорида вилоятлар

²¹ АТИБ Ипотекабанк йиллик ҳисоботи маълумотлари, 2012 й.

етақчилик қилмоқда. Банкоматлар сони 9 тани ташкил этади. Шундан 8 таси Тошкент шаҳрида, 1 таси тошкент вилоятида жойлашган. Инфокиоскалар сони 44 тани ташкил этиб, 9 та вилоятда мавжуд. Банк хизмат терминаллари сони 1 262 тани ташкил этади. Бундан 747 таси Тошкент шаҳрига, 297 таси Тошкент вилоятига, 50 таси Бухоро вилоятига, 23 таси Хоразм вилоятига ва 21 тадан Наманган ва Жиззах вилоятларига тўғри келади.

15-жадвал.

ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанк бўйича 2012 йил 1 январь ҳолатига вилоятлар кесимида миллий валютадаги пластик карточкаларга оид маълумот²², млн. сўм

Вилоят номи	Пластик карточкалар ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлар	2011 йилда пластик карточкалар ҳисобварақларига ўтказилган суммалар	2011 йилда карточкалар орқали ўтказилган тўловлар сони	2011 йилда карточкалар орқали ўтказилган тўловлар суммаси
Қорақалпоғистон Р.	3 876,70	29 685,70	849 914	27 089,50
Андижон вилояти	1 820,80	15 868,30	637 219	15 552,30
Бухоро вилояти	8 874,70	59 910,50	1 451 503	50 161,30
Жиззах вилояти		-	-	-
Қашқадарё вилояти	13 791,10	92 072,80	2 537 915	79 993,60
Навоий вилояти	334,5	2 415,30	95 809	2 187,40
Наманган вилояти	1 388,60	12 612,20	423 361	12 057,60
Самарқанд вилояти	1 460,60	10 155,00	224 220	8 695,90
Сирдарё вилояти	110	1 263,30	19 848	1 082,40
Сурхондарё вилояти	927,6	7 992,30	202 874	6 471,90
Тошкент вилояти	5 800,80	77 072,20	2 067 279	43 045,60
Фарғона вилояти	4 668,00	33 916,90	1 196 238	27 860,90
Хоразм вилояти	391,5	3 271,50	73 578	3 056,00
Тошкент шаҳри	14 313,90	100 920,40	3 159 959	86 295
Амалиёт бошкармаси	2 421,80	12 923,50	332 657	11 659,70
ТШАБ	11 406,10	78 950,10	2 689 516	71 134,20
МАМФ	486	9 046,80	137 786	3 501,40
Жами	57 758,80	447 156,40	12 939 717	363 549,70

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” 2012 йил 1 январь ҳолатига 836 128 дона

²² ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанкни йиллик ҳисоботи маълумотлари, 2011 й.

пластик карточкалар муомалага чиқарилган ҳамда пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш учун жами 4 239 та, шундан савдо шаҳобчаларига 3 973 та, жамғарма касса ва мини банкларга 229 та терминал, 14 дона инфокиоскалар ўрнатилган. Бундан ташқари, аҳолини нақд пул билан таъминлаш мақсадида 23 дона банкоматлар ўрнатилган. 2010 йил давомида VISA пластик карточкалар орқали 12 939 717 та транзакция ўтказилган бўлиб, бу кўрсаткич 2009 йилнинг мос даврига нисбатан 4 116 599 та транзакцияга кўпайган. Тўловлар миқдори 363 549,7 млрд. сўми ва бу кўрсаткич 2009 йилнинг мос даврига нисбатан 133 188,6 млрд.сўмга кўпдир. Жумладан, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида ўтказилган тўловлар 325 937,2 млрд. сўми (транзакциялар сони 12 504 229 тани) ва карточкалар орқали берилган нақд пуллар миқдори эса 37 612,5 млрд.сўми (транзакциялар сони 435 488 тани) ташкил қилди. 2011 йил давомида терминаллар орқали ўтказилган тўловларнинг 89,6 фоизи савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида амалга оширилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорининг 2-бандини ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзсаноатқурилишбанкнинг барча филиалари томонидан VISA терминаллари орқали тижорат банкларининг DUET тизимида ишлайдиган барча карточкаларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

16-жадвалдан кўриниб турибдики, 2011 йил давомида DUET тизимидаги пластик карточкалар билан савдо шаҳобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали 122,1 млрд.сўм, жумладан 2011 йил декабр ойида 12,9 млрд.сўм миқдорида тўловлар амалга оширилди. Бу кўрсаткич 2009 йилнинг мос даврига нисбатан 51,8 млрд.сўмга кўпдир.

ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан корхона ва ташкилотларга (Мониторингга олинган ташкилотлар, бюджет ташкилотлари, Махсус контингент ва бошқа ташкилотлар) иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловларни пластик карточкаларга кирим қилиш жорий қилинган.

Ушбу корхона ва ташкилотларга 2011 йил давомида 447,2 млрд.сўм, жумладан декабр ойида 52,3 млрд.сўм миқдорида кирим қилинди. Бу кўрсаткич 2009 йилнинг мос даврига нисбатан 114,5 млрд.сўмга кўпдир.

16-жадвал.

ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанкида 2011 йил давомида DUET тизимида утган савдо айланмалари²³

Т/Р	Филиал номи	суммаси
1	Марказий Амалиёт МФ	7 787 491 940,46
2	Амалиёт МФ	3 688 059 747,12
3	Тошкент шаҳар	26 125 221 783,49
4	Фарғона МФ	8 147 833 427,83
5	Сирдарё МФ	3 073 980 972,79
6	Хоразм МФ	5 396 242 186,52
7	ТВМФ	11 422 090 318,13
8	Анджон МФ	9 879 599 738,95
9	Нукус МФ	2 899 324 123,31
10	Бухоро МФ	5 893 045 235,54
11	Кашкадарё МФ	5 488 837 006,19
12	Наманган МФ	1 927 612 978,35
13	Навоий МФ	10 380 623 300,19
14	Самарканд МФ	15 998 146 618,81
15	Шаргун Ф	3 959 844 678,99
	Жами	122 067 954 056,67

2012 йилда республика банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини рағбатлантиришга қаратилган қуйидаги қатор муҳим чора-тадбирлар:

- халқаро амалиётдаги янги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда банк назоратини такомиллаштириш, тизимли таваккалчиликларни аниқлашга қаратилган макропруденциал назоратнинг ролини ошириш;

- банкларнинг капиталлашувини, активлари сифатини, улар фаолиятидаги таваккалчиликларни, жумладан кредит таваккалчилигини бошқаришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш;

- аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини узок муддатли депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш;

²³ ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанки йиллик ҳисоботи маълумотлари, 2012 й.

- иқтисодиётга йўналтирилаётган кредитлар ҳажмини ошириш ва банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни фаоллаштириш;

- тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботни юритишда замонавий технологиялар ва услубларни жорий этиш, уларнинг сифати ва очиқлигини таъминлаш;

- республика тижорат банклари ва молия-банк тизими фаолиятини баҳолашда халқаро амалиётда қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ва андозаларни жорий этиш ва уларнинг бажарилишига эришиш борасида тегишли ишлар олиб борилади.

III Боб. Бозор иқсодиёти шароитида тўлов тизимини такомиллаштириш йўллари.

Малакавий ишимизнинг олдинги бобларида биз тўлов тизими ва уни ташкил этиш асослари, тўлов тизимида электрон тўлов тизимининг ўрни ҳамда ҳисоб-китобларнинг замонавий шаклини яъни пластик карточкаларнинг ривожланиши ва уларнинг банкларда ишлатилишини имкон даражасида кўриб чиқдик ва таҳлил ишлари олиб бориб хулосалар чиқардик. Амалга оширилган татқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики тўлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўллари амалга оширишда чет эл банкларида олиб борилаётган ҳисоб-китобларнинг бир қанча афзалликлари маълум бўлди. Яъни бу нарсa бир томондан банклар ўртасида молиявий интизомнинг нисбатан юқорилиги билан белгиланса, иккинчи томондан шу банкларда фаолият кўрсатаётган ходимлар малакасининг нисбатан юқорилиги билан ҳам асосланади.

Лекин тўлов тизимини барқарор ривожланиши, такомиллашишини камчиликсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки ҳар бир хўжалик субъекти ўз ҳисоб-китобларини олиб боришда албатта, бирон-бир хавфга, муаммога, камчиликка дуч келиши мумкин. Мана шу камчиликларни хавфларни даф этган тақдирдагина тўлов тизимини ҳеч қандай муросасиз ривожлантириш мумкин.

Ҳар бир тизим ва маҳсулот муайян турдаги хатар билан айрим ҳолларда эса бир неча турлардаги хатарлар билан болиқ. Масалан кредитор учун хатар қарздор мажбуриятини бажара олмай қолишлик натижасидир. Операцион хатар ахборот тизимларининг нобоп ишлаши, ички бошқарув воситаларидаги бузилишлар ёки олдиндан айтиб бўлмайдиган йўқотишларга олиб боровчи тасодифлар натижасида юзага келади. Фирибгарлик хатари-пул йўқотиш билан тугаши мумкин бўлган қасддан алдашлар хатари. Тўлов тизимининг назоратчилар ва сервис ходимлари хатарларни юмшатишга қаратилган бир

бутун тадбирлар арсеналига эгадирлар. Хатарни камайтириш стратегияси тизим тури билан белгиланади ва у йирик битимлар учун айниқса муҳимдир. Шунини қайд этиш керакки кичик тизимлар орқали амалга ошириладиган кичик бузилишлар, айниқса аниқ битим иштирокчилари ўртасидаги ишларда тартибсизликка олиб келиши мумкин. Операцион ликвидлик ва ўзаро кредит боғлиқлиги соҳаларидаги йирик тўлов тизимлари эса глобал хатар манбаи ҳисобланади. Улгуржи ҳисоб-китоб операциялари ва тўловномаларни юритиш турли технологик бўлинмаларда амалга оширилганлиги сабабли турли автоматлаштирилган технологияларни яратиш дастурий ва ўзаро алоқада ишлашини ташкил қилиш харажатлари кўп марта ошиб кетади.

Бугунги кунда кўпгина банклардаги ҳисоб-китоб тизимидаги жиддий камчилик уларга тегишли турли активлар тўғрисидаги ахборотнинг тарқоқлигидир. Бунинг оқибатида кўпинча банклар ўз тасарруфидаги муассасалар ликвидлилиги, улар сўмда валюта ва қимматли қоғозларда амалга оширилаётган операциялар устидан ялпи банк назорати ўрнатиш имкониятига эга бўлмайди. ҳозирги пайтда улар тасарруфидаги сўм ва валюта маблағлари қимматли қоғозлар ва бошқа активлар бўйича турли гаров тартибида амалга ошириш актив операциялар соҳасидаги кафолатлар механизмини яратиш долзарб ҳисобланади. Банк мижозларига ҳисоб-китоб операциялари бўйича янги даражадаги ахборот хизмати даражаси талаб этилади. Хуллас биринчи бобда тўлов тизими унинг асослари элементлари тўғрисида фикр юритган эдик, шулардан келиб чиққан ҳолда фикримизча тўлов тизимини, ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштиришнинг энг самарали йўли ягона ҳисоб-китоб марказини тузиш ва барча улгуржи молия операцияларига ишлов бериш ҳамда муассасаларнинг барча турдаги ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш ва бошқа функцияларни бажариши лозим.

Улар фаолиятининг устивор тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- Банк ахборотига тез ва сифатли ишлов бериш.
- Юқори маҳсулдорлик

- Хизмат кўрсатиш ишончилиги
- Фойдаланиш хавфсизлиги
- Малакали ходимлар мавжудлиги
- Электрон ҳужжат айирбошлашга ўтиш
- Тизим фаолиятини тезкор назорат қилиш.

Фикримизча тўлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун биринчи навбатда замонавий янги технологияни жорий қилиш лозим. Замонавий технология аввалом бор банкларга қимматли ходимлар ишлайдиган анъанавий филиалли тармоқдан арзонроқ иш услубига ўтиш имконини беради. Яъни 70 йиллар бошида банклар банкоматларни, 80 йилларда телефон орқали ишлашни ҳозирги пайтда интернетни жорий этганлар. Жаҳон банкларининг 85 фоизи АҚШ банкларининг 100 фоизи интернетда ўз саҳифасига эга. Янги технологиялар банкларга анъанавий ҳамда ҳаёт ва сафарни суғурталаш, ўзаро фондлар каби ўз хизматлар маркетингини самаралироқ ўтказиш имконини беради. Яқин вақтларга қадар банклар қандай хизматлар мижозга яхшироқ тақдим этилишини аниқ билмасди. Энди замонавий технологиялар ёрдамида банклар чалкаш маълумотларни аниқ ахборотга айлантирмоқда. Янги теҳеонология банкларга айниқса жисмоний шахсларни кредитлашда кредит хатарини тақўслаш ва аниқлашда қўл келиши мумкин. Технологиялар асосан йирик мижозлар билан ишлайдиган инвестиция банкларига кучли таъсир қилади. Кўп йўналишлар бўйича замонавий технологияларни жорий қилиш катта фойда келтиради. Бу одатда, бюджетнинг ходимларга сарфланадиган харажатлардан кейинги энг катта ва бошқалардан тезроқ ўсадиган банди ҳисобланади. Лекин шу билан бирга камчиликлар ҳам мавжуд. Янги технологияларни қўллаш хизмат кўрсатишнинг муқобил усули эмас, балки ананавий турларига қўшимчадир. Интернет воситасида мижозлар билан ишлаш қулай, лекин эски каналларни ёпиш қимматга тушади. Шунинг учун даромадлар ошгани сари харажатлар даражаси ҳам кўпаяди. Муайян вақтга

бориб, интернет майда мижозлар билан ишлайдиган банкларнинг катта даромадларини ўзлаштира бошлаши кўзда тутилган. Уй харид қилиш учун ҳақ тўлаш мақсадида банкка бориб ўтиришга ҳожат қолмайди. Бунда интернет ёрдам беради. Интернет банклар сингари- янги иштирокчилари эски технологияга эҳтиёж сезмайди. Шунинг учун ҳозирги пайтда амалдаги хизмат кўрсатиш тизимларини қўллаб қувватлашга доир чиқимлар қилинмаслиги даркор. Яъни технологиялар банк бозорига чиқиш олдидаги тўсиқларга барҳам беради. Узоқ келажакда банкларнинг электрон пуллар билан боғлиқ яна бир хатари мавжуд. ҳамма нарса ҳақ тўлаш, пул ўтказиш ва ҳатто электрон кармонларни тўлаш компьютер воситасида амалга оширилиши мумкин. Банкнота ва тангасиз ҳаёт истеъмолчилар учун жуда қулай лекин бу банкларни инқирозга олиб келиши мумкин.

Тўлов тизимини ривожлантиришда даставвал барча чиқарилган қонун қоида, йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларга тўлиқ риоя қилган ҳолда кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг тамойилларидан бирига кўра уларнинг барчаси ўзларига тегишли бўлган пул маблағларини тегишли банкда сақлашлари ва барча ҳисоб-китоблар банк орқали амалга оширилиши лозим. Афсуски амалиётимизда ҳамма вақт ҳам ва барча хўжалик юритувчи субъектлар ҳам бу тамойилга қатъий равишда риоя қилмаётганликларини кўришимиз мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойилларига қай тарзда риоя қилинаётганлигига эътибор берадиган бўлсак, бизнинг амалиётимизда олдиндан тўлов ўтказиш тамойили кенг таркиб топаяпти. Албатта, бу тарзда иш тутилаётганлигининг ўзига хос объектив сабаблари бор. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш сари дастлабки қадам ташланган пайтдан бошлаб то ҳозиргача мол етказиб берувчилар ўз маҳсулотларини ўз вақтида истеъмолчиларга ортиб жўнатган бўлишларига қарамасдан уларнинг

қийматига мос келувчи тегишли суммани ўз вақтида олишни урдасидан чиқа олмаяптилар. Бу нарса кейинги пайтда айниқса оммавий тус олди. Бунинг олдини олиш мақсадида тегишли чоралар кўриладики, улардан бири олдиндан тўлаб қўйиш тартибини жорий этилишидир ўзаро ҳисоб-китобларда олдиндан тўлаб қўйиш тартибининг жорий этилиши истеъмолчилар ўртасида тўлов интизомини бир мунча мустаҳкамлашга олиб келади.

Юқоридаги мулоҳазаларимиз республикамизда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида вужудга келган ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолатини характерлайдиган вазият асосан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойилларига, аксарият ҳолларда риоя қилинмаётганлиги натижасида эканлигини кўрсатади. Фикримизча буларни ҳал қилиш учун қуйидагиларга эътибор беришнинг ўзи етарлидир:

1. Дунёнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларида худди бизнинг мамлакатимиздагидек нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланилиб келинаёпти. Бу мамлакатларда фаолият кўрсатаётган барча хўжалик юритувчи субъектлар нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойилларига сўзсиз итоат этиб, келаётганликлари туфайли, бу мамлакатларда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда айтишга арзигулик муаммо йўқ. Бу мамлакатлардаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳар бири анашу тамойилларни аксиома сифатида қабул қилишгандир. Шу боис ҳам уларда натижа ҳам шунга мосдир.

2. Режали иқтисодиёт шароитида ҳам корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тамойилларига сўзсиз итоат қилинганлиги боис ҳам уларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда ортиқча муаммолар вужудга келмаган.

Таъкидланган пунктнинг ҳар бирида ҳам ижобий натижаларга эришиш нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг тамойилларига тўлиқ риоя қилиниши оқибатида эришилганлиги маълум. Ачинарлиси шундаки

ҳўжалик субъектлари ўзаро ҳисоб-китобларда тамойил талабларига риоя қилмаётганлигидир. Бунинг оқибатида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда ва тўлов оборотида аянчли вазиятнинг вужудга келишини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Шунинг учун ҳам Республикамиз Президенти И.А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил якунларига бағишланган йиғилишида қуйидаги фикрларни билдирди: “Тўлов интизомини мустаҳкамлаш муаммосини тубдан ҳал қила олмаганлигимизни ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг бозор иқтисодиётига хос маърифий тизимини йўлга қўя олмаганимизни тан олиш керак”²⁴.

Шундай қилиб юқоридагиларни барчаси тўлов тизимини такомиллаштиришнинг биринчи йўналиш бўлиши кераклигини кўрсатиб бораёпди.

Тўлов тизимини такомиллаштиришнинг маъноси шуки, самарали ва ишончли ички ҳисоб-китоблар мамлакат молия тизими инфратузилмасининг муҳим таркибий қисмидир. Бироқ тўлов тизими умумий иқтисодий ўсиш, молиянинг эркинлашуви, молия бозорлари ва унинг воситаларининг характери ва қўламлари ўзгариши натижасида тўхтовсиз кўпайиб борадиган тўловлар оқимининг лашига қодир бўлсагина ана шундай муҳим таркибий тизимга эга бўлади.

Мукаммал банклараро тўлов тизими банк ночор бўлиб қолганида тизимда пайдо бўладиган хатарни қайтаришдан ташқари бир қатор соҳаларда молиявий барқарорликни сақлашга катта ҳисса қўшади. У Марказий банк ўз мониторинг сиёсати вазифаларини бажариш учун амалга ошириладиган мониторинг операциялар самарадорлигини банклараро ликвидлилигини реал вақт режимида мониторинг ва назорат қилиш ҳамда пул операциялари ҳақида

²⁴ “Тадбиркорлик юксалиш гарови” Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1999 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 1999 йил. 28 июль.

маълумот алмашишнинг энг мукаммал механизмини таъминлаш орқали кучайтиради. Бироқ ҳозир молиявий барқарорликка эришиш борган сари қийинлашмоқда ва куч ғайрат талаб қилмоқда.

Биринчидан, тизимларнинг мавжуд камчиликларини ҳамда қабул қилиниши мумкин бўлган ечимларни баҳолаш анча қийинлашмоқда.

Иккинчидан, молия бозорлари борган сари халқаро бозорларга айланмоқда. Ҳозир ахборот дунёнинг бир чеккасидан иккинчисига бир лаҳзада ва арзон узатилаётганлиги, қандай турда бўлишидан қатъий назар ҳар-хил ахборот ларзаларининг тарқалиш эҳтимолини анча оширади. Лекин тўлов тизимини бошқариш, назорат қилиш, лойиҳалаштириш масалалари доимо долзарб бўлиб қолган. Ривожланган давлатларда ҳам бу масалалар долзарбдир. Энг асосий масала тўловнинг ўз вақтида эгасига тўлов хавфсизлиги таъминланган ҳолда ўтказишдир. Шу билан бирга доим тўлов тизимини таҳлил қилиб бориш лозим. Бу таҳлил фақат Марказий банк нуқтаи назаридан эмас, балки шу тизимдан фойдаланувчилар нуқтаи назаридан олиб борилиши лозим. Шундай экан, тўлов тизимини ривожлантириш, такомиллаштириш учун албатта биринчи навбатда Марказий банк томонидан чиқарилган қонун, низом, йўриқномаларга тўғри, ўз вақтида амал қилиш керак.

Сўнгги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида тўлов тизимларини тартибга солиш жорий мониторинг қилиш ва бошқаришда Марказий банкнинг роли ва ҳуқуқлари кучаймоқда. Тўлов тизими Марказий банк учун бир неча сабабларга кўра муҳимдир. Бир қанча давлатларда банклар ҳақидаги қонунлар ва Марказий банк уставларида самарали “Тўлов воситаларини клирингини” амалга ошириш учун банклар жавобгар эканлиги ҳақида тўғридан тўғри ёки билвосита баён этилган қоидалар бор. Бундан ташқари охириги пайтларда тўлов тизимини назорат қилиш талаби кўпгина мамлакатларнинг Марказий банк ҳуқуқий ҳужжатларида анча ёзиб қўйилган, чунки тизимда хатарлар олиб келиши мумкин бўлганларини ҳисобга олган.

Марказий банкнинг назорат вазифалари бир қатор расмий ва норасмий қоидаларни ўз ичига олади. Мана шу қоидалар асосида у ўз мамлакатини тўлов тизимида қатнашади. Банк назорат қилиш ва бошқариш соҳасидаги бевосита вазифаларига қўшимча ўлароқ, кўпинча банклараро маблағ ўтказиш тизимларининг, шу жумладан биринчи навбатда клиринг марказларининг оператори сифатида иш олиб боради. Марказий банк тўлов тизимига таъсир ўтказишга хизмат қиладиган билвосита ҳаракат механизмлари мониторинг операцияларини ликвидлик ресурслар беришни, тармоқ уюшмаларида ёки тўлов тизимларининг маслаҳат идораларида иштирок этишнинг ҳатто банкнинг юқори маънавий обрў эътиборига эга идора ролини ўз ичига олади.

Ҳозир аниқ айтиш мумкинки, тўлов тизимини назорат қилиш Марказий банкнинг ҳамма эътироф этган ва муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шунга кўра улар банклар ва молия бозорларини назорат қилишда, тўлов тизими ишини мониторинг қилишда иштирок этиши назарда тутилади. Бу хилма-хил вазифаларнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқ.

Ҳисоб-китоблар тизими Марказий банклар учун муҳимлигининг сабабларидан бири шуки, у тизимдаги тартиб бузилишларни узатиш воситаси бўлиши мумкин. Бу ҳол ўтган аср охири ва шу аср бошларида бир қатор йирик мамлакатларда юз берган молиявий беқарорликда жуда аниқ кўринади. Шундай беқарорлик даврида банк тизимида кўрсатилган тазйиқ кўпинча банклар клиринг палатасидан ўз ҳисоб-китоб вазифаларини бажара олмаганликлари туфайли келиб чиққан эди. Технология тараққиёти ва бозор бошқармасининг биргаликда таъсир кўрсатиши молия бозорлари жадал ўсиши ҳамда тўлов воситаларининг янги шакллари жорий этилиши учун яъни, тобора глобаллашиб ва новаторлик касб этиб бораётган фаолият учун озиклантирувчи муҳит яратди. Бу эса Молия бозорларининг тўлов тизимларини ҳам ўз ичига оладиган инфратузилмаси улардаги ларзаларни енга оладиган даражадаги барқарор бўлиши керак деган ишончга олиб келади. Шу сабабли ҳозир тўлов ва ҳисоб-китоб тизимлари бир ёки ундан

ортиқ иштирокчиларнинг банкрот бўлишига чидайдиган қилиб лойиҳалаштирилиши керак. Кенг маънода эса Базелдаги халқаро ҳисоб-китоблар тизимлари қўмитаси ишлаб чиққан Ламфалусси стандартлари талабларига мос бўлиши керак. Тижорат банклари тўлов тизимидаги ўзгаришларни айниқса айрим давлатларнинг Марказий банки объектив манфаатдор бўлган ўзгаришларни истар истамас қабул қилишади. Марказий банкнинг одатда муайян юксак манфаатлари бўлади. Бу манфаатлар бозорнинг ўзи учун афтидан у қадар муҳим эмас. Шунинг учун ҳам айнан Марказий банк одатда ислоҳатларни мақсадлари ва вазифаларини белгилайди. Марказий банк ушбу вазифаларни бажарар экан, айрим соҳаларда бозорнинг истакларини инобатга олмасликка мажбур бўлиши мумкин. Банк тизимидаги қатор ютуқларни ҳисобга олган ҳолда замонавий технологияга асосланган банклараро ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини шакллантиришга қарор қилинди. Бу иш алоқа каналларини ажратиш билан боғлиқ асосий техник масалалардан ташқари маълумотларни узатишнинг давр талабларига жавоб воситаларига таянган ҳолда тегишли дастурлар ишлаб чиқариш зарур, меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномалар қабул қилиш анчагина маблағ ажратишни тақоза этарди. Ҳозирги кунда бу муаммолар ҳал этилмоқда. Тўлов тизимини такомиллаштиришни ўз вақтида олиб бориш учун биринчи навбатда малакали мутахассис ходимларни жалб қилиш керак, банк тизимини ривожланган давлатлар банк тизимидагидек қилиш, белгиланган тўлов тартибларига тўлиқ риоя қилиш керак. Бундан ташқари корхоналар ўртасида хўжалик шартномаси мукамал тузилиши шарт. Шу билан бирга ҳисоб-китоб шакллари тузатаётганда ҳар икки томон қизиқшини инобатга олган ҳолда танлаш лозим.

Амалиётда тўловларнинг аҳволи кўнгилдагидек бўлиши учун ўзаро тўловлар иштирокчилари унга қатъий амал қилишлари лозим.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек “Мен учун давлат тартиби аввало тўлов тартибларига риоя қилишдан бошланади ва уни

амалиётга муваффақиятли жорий қила олишлари керак”¹ . қилиш шартдир.

Тўлов тизимини такомиллаштиришнинг яна бир йўналиши бу - ҳисоб-китобларнинг замонавий шаклларида бири бўлмиш пластик карточкалардан самарали фойдаланишни ташкил этишдир. Пластик карточкаларни тўлов тизимини такомиллаштиришнинг, ривожлантиришнинг асосий усули деб қаралса ҳам бежиз бўлмайди. Чунки ҳозирги фан техника тараққиёти даврида тўловларни тезлаштириш, ўз вақтида амалга оширишни ташкил қилиш учун электрон тўлов тизими жорий қилинган. Шу билан бирга банк хизматлари ривожланиб бориши, хизмат турларини кўпайиши, хизмат кўрсатиш сифати ва ишончилигини ошириш банк тизимида янгиликлар яратиш имконини беради. Яъни пластик карталардан фойдаланиш қулай, самарали тизим бўлиб, лекин унинг ривожланишида бир қанча хатарлар бўлиши мумкин.

Яъни картани йўқотиб қўйиш, уни ўғирлатиш, карточкадаги пулни бошқа бировлар олиб кетиши, қалбакилаштиришдан сақлаш ва бошқа хатарлар. Шу ва бошқа хатарлардан ҳоли бўлиш учун албатта пластик карточкаларни суғурталаш лозим. Суғурталаш бу банк фаолиятини ҳар-хил хатарларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишнинг ғоят муҳим усулларида бири саналади. У бозор муносабатлари шароитида ноаниқлик хатарини камайтириш имконини бериб, банклар кўрган зарарлари учун тегишли товоҳ ҳақи олишларини кафолатлайди. Шу билан банкнинг ривожланишига ёрдам беради. Банк фаолиятини суғурталашнинг таркибий қисми пластик карталардан фойдаланиш билан боғлиқ хатарларни суғурталашдан иборатдир. ҳозирги вақтда Ўзбекистон бозорида пластик карталардан фойдаланиш билан боғлиқ суғуртанинг реал таклиф этилаётган тури карта эгасининг ҳаёти ва саломатлигини суғурталашдан иборатдир. Бу ҳам ўз навбатида пластик карточкалар мижози сонини кўпайтиради ва келажакда ишончли тўлов воситаси бўлиб қолади.

¹ “Тадбиркорлик юксалиш гарови” Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1999 йил биринчи ярим йиллик яқунларига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 1999 йил. 28 июль.

Ҳозирги кунда Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда электрон пластик варақчалардан фойдаланиладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар миллий тизимидан фойдаланмоқда. Ушбу лойиҳани янада кенгайтириш, нақд пул муомаласини тартибга солишни, нақд пулни ҳўжалик айланмасига жалб этишни, аҳоли ва корхоналарга банк хизматлари кўрсатишнинг халқаро кўламда эътироф этилган усулини кенг ёйишни, банк тизимида рақобатчилик ривожланишини таъминлайди, шу билан бирга банк тизимининг технологик инфратузилмасининг янгиланиши тўлов тизимининг такомиллашганидан, барқарорлашаётганлигидан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар.

Диссертацион ишимизнинг хулоса қисмида амалга оширилган илмий тадқиқотимиз натижасида вужудга келган асосий хулоса ва таклиф ҳамда тавсияларимизни қисқача тарзда акс эттиришга ҳаракат қиламиз. Улар бизнингча қуйидагилардан иборатдир:

1. Тўлов тизими бозор иқтисодиёти шароитида банк фаолиятининг асоси бўлиб улар Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг халқаро меҳнат тақсимоти тизимига тезроқ кириб боришининг омилларидан бирига айланиши, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилишнинг истиқболли шаклларида бири бўлиши ва хорижий, молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурслардан ҳамда замонавий хорижий технология ва бошқарув тажрибасидан самарали фойдаланишга кенг имкониятлар яратиб бермоғи лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятида тўлов тизими алоҳида ўрин эгаллаб, улар ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг тараққиётини ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

2. Республика мустақиллиги йилларида банк тизимида бир қанча ўзгаришлар юз берди. Шулардан бири мижозларнинг пул маблағларини ўз вақтида ўтказишни таъминловчи электрон тўлов тизими шакллантирилди. Бу тўлов тизимини ривожланаётганлигининг дастлабки босқичларидан биридир. Тўлов тизимини ривожлантирилиши бир қанча афзалликларга эга, яъни:

- Тўловлар ўтиши ва ҳужжатлар айланиши тезлаштирилди.
- Бу электрон тўлов тизимининг жорий этилиши билан боғлиқ.
- Замонавий техника технологиядан фойдаланиш имконини берди.
- Тўловлар бўйича харажатларни қисқатиради.
- Молия бозорларига кириб бориш имкони туғилади.
- Ҳисоб-китобларнинг янги замонавий турлари пластик карточкалардан фойдаланишга ўтилиши.

- Социал масалаларни кенг доирасини ҳал қилиш бўйича ҳамкорнинг тажрибасига эга бўлиши ва бошқалар.

Электрон тўловлар тизимини таҳлили бўйича қуйидагича хулоса қилиш мумкин, яъни тўлов воситаларидан Саноат қурилиш банки операцион бўлимида кўп қўлланиладигани бу тўлов топшириқномаси эканини гувоҳи бўлдик. Шу билан бирга тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоблар 56.82% ни ташкил этган. Умумий республика бўйича юқорида такидлаганимиздек, тўлов топшириқномаси билан бўладиган ҳисоб-китоблар 75-78%ни ташкил қилади. Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар эса 20-22% атрофида. Бу жараёни банк мисолида таҳлил қилганимиздан ҳам кўришимиз мумкин, яъни бир ҳафталик ҳужжатлар бўйича 10% атрофида бўлган. Бир ойлик тўлов ҳужжатларининг келиб тушган сони бўйича таҳлил қилганимизда эса энг кўп келган тўлов ҳужжати мемориал ордер бўлиб у 12014та, инкассо топшириқномаси 8187 та, тўлов талабномаси 8623 та, тўлов топшириқномаси 2790 та сони келиб тўшганини гувоҳи бўлдик. Бу кўрсаткичлар тўлов тизимининг ўз вақтида бажарилаётганидан далолат беради.

Тўлов тизимини шакллантириш жараёнида ҳуқуқий, ташкилий, технологик ва иқтисодий тусдаги, шу жумладан, иқтисодиётни пул кредит жиҳатдан тартибга солиш билан боғлиқ масалалар ҳал қилинмоқда. Лекин тўлов тизими олдида яқин йилларда турган вазифалар уни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришни тақоза этади.

Тўлов тизимини такомиллаштиришда банклараро ахборот - компьютер инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадида қуйидагилар назарда тутилган:

- Марказий банк маълумотларни узатиш банклараро тармоғининг ахборот компьютер инфратузилмасини ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришнинг илғор йўналишларига мувофиқ такомиллаштириш.

- Марказий банк маълумотларни узатиш банклараро тармоғининг 2011-2015 йиллар мобайнида банк тузилмалари ва бошқа молиявий

тузилмаларнинг ахборот борасида ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи телекоммуникацияларнинг глобал республика тармоғига айлантириш йўли билан ривожлантириш.

- Маълумотларни узатиш тармоғида стандартларни ва ахборот айрибошлаш тартибини такомиллаштириш йўли билан электрон почта ишини янада яхшилаш.

- Пластик карточкалар негизида нақд пулсиз ҳисоб- китоблар миллий тизимини яратиш.

Бундан ташқари банк менежментини ва банк кадрлари тайёрлаш усуллари мустаҳкамлаш лозим. Бунинг учун тижорат банкларида ички аудит хизматларининг ролини кучайтириш, уларнинг ижро этувчи органдан мустақиллигини таъминлаш лозим. Банклар ижро этувчи органлари томонидан ички аудит хизматларини улар фаолиятидаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш учун банкнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ишончли ахборот билан таъминлаш.

Тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг агентларликларини рейтингларини олиш бўйича чора тадбирларни янада ривожлантириш.

Бозор иқтисодиётининг замонавий талабларига жавоб берувчи банк кадрлари тайёрлаш учун шарт шароитлар яратиш, яъни замонавий компьютер техникаси, банк иши бўйича мамлакатимиз адабиёти ва хорижий адабиёт билан таъминлаш йўли билан банк таълим муассасаларининг моддий техника базасини кучайтириш.

Тижорат банклари томонидан конференцияларда чиқишлар қилиш, оммавий ахборот воситаларидан, босма маҳсулотлардан

“Интернет” тармоғидан, Ўзбекистон Республикаси элчихоналари ва дипломатия ваколатхоналари имкониятларидан фойдаланиш йўли билан чет элда тадқиқотлар ташкил этиш амалиётида қўллаш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. “Марказий банк тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1996.йил 26 декабрь.
2. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1996 йил.
3. “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом. №60. 1998 йил 27 июнь. ЎЗР МБ меъёрий ҳужжатлари. 1999й.
4. “Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида”ги Низом. №399. 1998 йил 25 апрель.
5. “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида”ги йўриқнома. №539 1998 йил. 18 ноябрь.
6. “Ўзбекистон Республикаси Банк Депозитлари Миллий Ахборот Базаси тўғрисида”ги Низом. №263. 1998 йил. 27 ноябрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “ҳисоб- китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. 1999 йил. 10 июнь.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Марказий банкнинг ҳисоб-китобларни юритиш счетлар режаси. №289. 1998 йил.
9. Ўзбекистон Банк тизимини ислоҳ ўилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т: - “Ўзбекистон”, 2000
10. О проведении расчетов с использованием ПК “Банк-клиент”,Положение Центрального банка Республики Узбекистан. №497 от 8 октября 1998.
11. Автоматлаштирилган банк технологияси тизимидаги ахборотларни муҳофаза қилиш ва ушбу қоидаларнинг бажарилишида тижорат

банкларидаги мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги Низом. №412, 1998.

12. Ўзбекистон Республикаси банклари орасида электрон тўловлар тизимида ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш ҳақидаги методик кўрсатмалар. Марказий банк. 2000.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги. ПҚ-1438-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги 1317-сонли “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

15. Каримов И.А. “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” Т.: «Ўзбекистон» 2012 й.

16. Абдуллаев Ё.А., Қоралиев Т.М., ва бошқалар “Банк иши”. Ўқув қўлланма - Б.М.: Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2009. - 576 б.

17. Абдуллаева Ш.З. “Банк иши” ўқув қўлланма Т. “Iqtisod-Moliya” 2010 й

18. Абдуллаева Ш.З., Қоралиев Т.М., Ортиқов У.Д. “Банк ресурслари ва уларни бошқариш”. Монография./ –Т.: “Iqtisod-Moliya” 2009.-104б.

19. Банковское дело: учебник. / Е. Ф. Жукова, Н. Д. Эриашвили. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. - 576с.

20. Белоглазова Г.Н, Кроливецкова Л.П Банковское дело: розничный бизнес. – М.: Кнорус 2010г. - 412с

21. Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник. 2-е изд. Перераб. и доп. / О.И. Лаврушина. – М.: Финансы и статистика, 2010г. - 594с.

22. Лаврушин О.И. Денги кредит банки: учебник. 2-е изд. Перераб. и доп. / О.И. Лаврушина. – М.: Финансы и статистика, 2010г. - 450с.

23.Лаврушин О.И. Денги кредит банки: учебник.10-е изд. Стереотипное – М.: Кнорус 2012г.

24.Лаврушин О.И. Банковский менежмент. 3-е изд. Перераб. и доп. – М.:Кнорус 2010г. - 553с.

25.Мирзаев Ф.И. “Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари” Т: “Молия”, 2008й.

26.Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. - Т.: Ўзбекистон, 2011й.

27.Омонов А.А. «Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш». Т.: «Фан ва технология» Монография, 2008 йил. 248 б.

28.Тавасиев А.М, Бычков В.П, Банковское дело: базовые операции для клиентов. Учебное пособие 2005г

29.Муллажонов Ф.М. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2012 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. “Бозор, пул ва кредит” журнали 2012й №1.

30.“Бозор,пул ва кредит” Журнали 2010-2012 йиллар

31.“Банк ахборотномаси”газетаси 2010-2012 йиллар

32. ОАТБ “Саноат қурилиш банк” нинг йиллик ҳисоботлари. 2009, 2010, 2011 йиллар.

33. Интернет сайтлари:

[www. bir. uz](http://www.bir.uz)

www. bma. uz

www. cbu. uz

www. finance. Uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ